

ХАЛҚАРО «ОЛТИН МЕРОС» ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

АБДУЛАЗИЗ МУҲАММАДКАРИМОВ

ТОШКЕНТНОМА

*Пойтахтнинг маҳалла ва мавзелари тарихи
Қадимий дарвоза ва ўрдалари
Қадимги Ташкент мадраса, масжидлари
Бозорлари сабак ва гуманиспарт тармоқлари*

Иккинчи тўлдирилган нашири

Тошкент
«Яиги аср авлоди»
2009

Ушбу китобда тарихий ва топонимик маълумотлар асосида ҳозирги Тошкент ҳудудида яшаган аждодларимизнинг кимлиги, даҳа ва маҳаллалари, топонимикаси ва у ердаги ўтмиш обидалари орқали шаҳримиз тарихини янада ёритиш мақсад қилиб қўйилган.

Шаҳримизда шаклланган дастлабки даҳа ва маҳаллалар, шаҳар дарвозалари, бозорлари ва сув тармоқларининг атамалари талқин қилинади.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати:

А. Каримов, О. Бўриев, Ш. Ибрагимов

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари номзоди, доцент Ш.М.Ибрагимов

ISBN 978-9943-08-402-5

© А.Муҳаммадкаримов. «Тошкентнома». «Янги аср авлоди»,
2009 й.

FORQUE ZALI СУЗБОШИ

Мамлакатимиз пойтахти, азим Тошкентимизнинг 2200 йиллигига катта тайёргарлик ишлари кетмоқда. Шу мақсадда гўзал шаҳримизнинг тарихи ҳақида мақола ва рисолалар битилмоқда. Бу масканнинг мақтаса-мақтагулик, фахрланса арзийдиган ўзига хос тарихи, муборак қадамжолари, обидалари, бетакрор манзилгоҳлари, хусусан, улуғ тарихий сиймолари борки, улар бутун мамлакатимиз, миллатимиз учун кенг маънода, бутун Туркистон, балким дунё ҳалқлари учун ҳуррият – миллий уйғониш, маънавий ибрат, маърифий сабоқ мактаби, янги замон тамаддуни, тараққиёти учун дорилғұнун хизматини ўтагани шак-шубҳасиз.

Бу бебаҳо меросни билиш, моҳиятига етиш, қанчалар маънавий наф етказишини лоақал зоҳирان тасаввур этиб кўришнинг ўзиёқ кишини ўйга толдиради. Чунончи, Тошкент вилоятининг Баҳористон ҳудудида таваллуд топган бўлсада, улуғ валиуллоҳ зот Шайх Хованд Тоҳур ва унинг даргоқида тарбия ва маърифат олган, кейинчалик бутун Туркистон ва Ҳурросонда пири муршидлардан бири мақомига кўтарилиган Ҳожа Аҳорори Вали ҳазратларининг номи, шаъни бутун ислом дунёсида улуғланган. Қасидачиликда шуҳрат таратган, мўгуллар босқини туфайли Ҳиндистонга ҳижрат қўлган шоир Бадриддин Чочий кўҳна Тошкент – Чоч фарзандидир. Истеъодли шоир Аълоий Шошийни ҳазрат Алишер Навоий ўз тазкирасида камоли меҳр, эҳтиром билан тилга олади. Муаррихлардан Банокатий, Ҳофиз Кўҳакий, Абубакр Шоший, Мирза Олим Тошкандий, Ёрмуҳаммад Тошкандий номларини ёдга олиб ўтмоқ лозим.

Айниқса, жадидчилик ҳаракати тошкентлик талай буюк сиймоларни вужудга келтирдики, бу жиҳатдан Тошкент янги замон маърифати жабҳасида етакчи, сардор, сархалқа (раҳнамо) мақомида туради. Гуркистон вилоятлари узра ном

таратган шоир Алмаййнинг маърифат мактабини, биринчи жадид муаллимлардан, адаб, муҳаррий, режиссёр, актёр, устоз маърифатчи Абдулла Авлонийни ким билмайди? Тошкентда биринчилардан бўлиб замонавий театр ташкил қилган (Беҳбудийнинг «Падаркуш»ини Колизейда саҳналаштирган), таълим-маърифат йўлида тиним билмаган, Туркистон Xалқ дорилғунунини таъсис этишдек мислсиз жасорат кўрсатгандардан бири – Мунаввар Қори Абдурашидхонов, ниҳоят, Абдулла Қодирий, Тўйчи Ҳофиз, Маннон Уйфур, Аброр Ҳидоятов, Ойбек,Faфур Ғулом, Юнус Ражабий, Яҳё Ғуломов каби неча ўнлаб машҳур зотлар Тошкент фарзандлари эканликларини бутун афкор омма яхши билади. Уларнинг ёрқин сиймолари барчамизда, жумладан, бугунги ёшларда миллий ифтихор туйғуларини уйготади, руҳимизни поклайди.

Тошкентнинг номи, тавсифи, тарихий ўтмиши, жўғрофий, ижтимоий-сиёсий ўрни, маданий-маърифий салоҳияти буюк аждодларимиз: Беруний, Табарий, Балъамий, Байзавий, Рашидиддин, Наршахий, Гардизий, Маҳмуд ибн Али, Муҳаммад Тоҳир, Абулаббос Муҳаммад Толиб китобларида, шунингдек, Амир Темур «Тузуклар»ида, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, Улуғбек Мирzonинг «Тўрт улус тарихи»да, Алишер Навоий рисолаларида, Биноий ва Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» китобларида, Мирхонд, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий, Зайниддин Восифий, Абулғозий Баҳодирхон, Баёний, Ибрат, Мулла Ниёз Муҳаммад, Муҳаммад Солиҳ Қораҳўжа ўғлиниң солнома ва рисолаларида турли даражада баён этилади.

Тошкентда маълум вақт мобайнида яшаган, ишлаган атоқли рус шарқшунослари Бартольд, Якубовский, Веселовский, Вяткин, Наливкин, Шишкин, Остроумов, Семенов, Иванов, Самойлович, Толстов, Массон ва бошқалар шаҳар ҳаёти, аҳли, тарихи, топонимияси, обидалари, маданияти, тижорати ва ўзига хос қиёфаси ҳақида илмий маълумотлар қолдирган (Баъзи муаллифлар ижодида империя мафкураси – буюк давлатчилик ғоялари асорати ҳам сезилиб туради).

Азим Тошкенттимиз 2200 йиллик тарихида ўзининг бемисл ақлу заковати ва յодир истеъдоди боис умр йўлларида нурли излар қолдирган аллома шахсларни етиштирган. Машриқ учун янги маданият, маърифат, тижорат ва алоқа марказларидан бирига айланиб борган кўҳна шаҳар (собиқ Шош, Шошкент, Чоч, Чочистон, Банокат, Тарканд, Бинкент, Тошканд) нинг зиддиятли воқеа, ҳодисаларга бой тарихини яратиш фурсати келди.

Тарихчилар Тошкентнинг янги ижтимоий сиёсий тарихини яратадилар, албатта. Ҳалқаро «Олтин Мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бой ва бебаҳо миллий меросимиз, миллий қадриятларимиз тақозоси ила меросшунослик фани андозасида «Тошкентнома» номли туркум рисолалар ёзишга бел боғлади. Кўлингиздаги китобча ушбу туркумнинг топонимикага оид қисмидир.

Ўтган асрда ҳукмрон мафкура таъсирида асрлар силсиласидан бизгача етиб келган кўплаб жойларнинг тарихий номлари сунъий атамалар билан алмаштирилди. Бу ачинарли ҳол эди. Зотан, яхшими, ёмонми, ҳар бир тарихий номнинг ўз ўтмиши, маъноси бор. Бу номлар ўтмиш аждодларимиз қадимда ва яқин ўтмишда деҳқончилик, боғдорчилик ва шаҳримиз ҳудудида қадимдан яшаб келган қабила ва элатларнинг касб-коридан келиб чиққан, қадим тарихнинг ўта кўҳна номлари юргимиз ҳақида қимматли маълумотларни сўзлаб беради. Гоҳо жой номлари афсонавий шахсларга боғланади. Жой номларининг келиб чиқиши, маъноси, тарихини билиш муҳим аҳамият касб этади. Президенттимиз Ислом Каримов Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда айтганларидек, «Жой номларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни ғота-боболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиласиз...» Тарихий номларда аждодларимизнинг кимлийгى, уларнинг қаңдай ҳунар билан шуғуллангани ўз ифодасини топган. Қаранг, Маҳсидўзлик, Кўнчилик, Дегрезлик, Темирчи, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи каби маҳалла номларининг ўзи Бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганидан, қадимий ва ўтроқ ҳалқимизнинг маданий даражаси нечоғли юксак бўлғанлигидан далолат беради.

Кейинги йиллар давомида шаҳримиздаги тарихий обидаларни таъмиrlаш ва жой номларини янгилаш, азалий номларни қайта тиклаш бўйича, ҳеч шубҳасиз улкан ишлар қилинди. Кўкаaldoш, Бароқхон, Қаффол Шоший, Тўхтабойвачча, Шарофиддинбой каби номи билан аталувчи мақбара, мадраса ва масжидлар таъмиrlанди.

Муаллиф Абдулазиз Муҳаммадкаримов кўп йиллардан бери пойтахт тарихи ва топонимикаси билан шуғулланиб келади. У 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейинги тузиlgan шаҳар топонимик комиссиясининг масъул котиби, Ўзбекистан тарихи ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари, раиси бўлган, айни пайтда «Олтин Мерос» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раисидир. Иш жараёнида кўпгина шоир ва алломалар, жумладан, Fafur Fулом, Maқсуд Шайхзода, Яхе Fуломов, Раҳима Аминова, Виктор Решетов, Михаил Массон, Ҳамидулла Ҳасанов ва бошқа комиссия аъзоларининг суҳбатидан баҳраманд бўлди. У Тошкент энциклопедиясининг муаллифларидан бири, «Тошкент бўйлаб топонимик саёҳат», «Гўзаллик маскани», «Тошкентнома» каби рисола ва китобларнинг муаллифири. Китобда юзга яқин географик номларнинг келиб чиқиши, алломалар ҳаётни ва ижоди ҳақида турли манбаларга суюнган ҳолда ва юқорида номлари зикр этилган шоир ва шахслар суҳбатидан эшитган хотиралари асосида баён қилинган. Китобда келтирилган атамалар талқинини ва тарихий шахс ва алломалар ҳақидаги маълумотларни балки ҳар жиҳатдан мукаммал, тугал, дейиш қийинdir. Синчков китобхонлар, мутахассис олимларимиз бу борада муаллиф фикрини тўлдирадилар ва ўз мулоҳазаларини матбуот саҳифаларида билдирадилар, деб умид қиламиз. Аммо шу нарса аниқки, ушбу тадқиқот АЙСЕСКО томонидан «2007 йилда Ислом маданияти пойтахти», деб эътироф этилган она Ватанимиз бош шаҳри Тошкент бежиз бу номга сазовор бўлмаганини исботловчи муҳим воқеалардан бири бўлиб қолади. Чунончи, Президент Ислом Каримов 2007 йил 5 июнда Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом

мажмуасига ташрифи чөгіда таъкидлаганларидек, боболар қолдирған буюк мөрөс бизнинг маңнавий илдизларимиз нақадар теран ва бақувват эканлигининг тасдифидир.

*Амирқұл КАРИМОВ,
«Олттын мерос» халқаро
хайрия жамғармасы раиси*

*Азиз фарзандларимнинг онаси
Комилхон ибн Зиё қизи Ўлмасхоннинг
ёрқин хотирасига багишлайман*

ҲАР БИР СЎЗДА ЯШИРИН ТАРИХ

*«..Барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари
халқнинг моддий мулки ҳисобланади ва давлат
томонидан муҳофаза қилинади»*

*Ўзбекистон Республикасининг
«Давлат тили ҳақида»ги Қонунидан*

Топонимика ўзи нима? Топонимика – географик номларнинг этимологик маъносини ўрганадиган фан бўлиб, маҳалла, кўчалар, майдонлар, сув ўзанлари, чўқи ва воҳа номларини ўрганишда бизга жуда катта ёрдам беради. Шунингдек, шаҳарларнинг ҳосил бўлиш тарихи, аҳолисининг қасбкори, уларнинг этник мансубликлари ва бир қанча маълумотларни ўз ичига қамраб олади.

Тошкент ўзининг 2200 йиллик тарихи давомида ўз ўрнини бир неча марта ўзгартириб, ҳар сафар янги-янги номлар қолдирганидай, унинг даҳа, дарвоза, маҳалла ва кўчаларига берилган номлар маълум маъноларини ифода этади. Маҳалла ва мавзеларининг кўпи айниқса, дарвозалари алла-қачон йўқолиб кетган. Аммо улар тарих учун, фан учун йўқолган эмас. Улар халқимиз тарихини ўрганишда бебаҳо хазинадир.

Кўчалар, ариқлар, майдонларнинг номларида турли лингвистик қатламлар намоён бўлган – сўғд, турк, араб, эрон номлари бор. Буларнинг ҳаммаси тарих! Таниқли рус олими Н.И.Надеждин «Ер – бу голонимлар ёрдамида инсоният тарихи битилган китобдир», деган эди.

Кўйилган саволнинг асл маъносини тасаввур қилиш учун гапни ўзимизнинг Чирчиқ воҳаси тарихидан бошласак. Бобур

ўзининг «Бобурнома» номли асарида бу дарёни Чир-суй деб тилга олган. Сир-чиқ, яъни Кичик Сир (Кичик дарё) деб изоҳлаш мумкин.

Зардўштийларнинг қадимий ва муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё ҳавзасидаги мамлакат «Турон», аҳолиси эса «турлар» деб юритилган бўлса, Сосонийлар шоҳи Шопурнинг Зардўштийлар каъбасидаги 262 йилдаги қоятош ёзмаларида Чирчиқ воҳаси Чоч номи билан аталганлиги эслаб ўтилади.

Эрамиздан аввалги II асрларда ва эрамизнинг бошларида у энг бой сув ресурсларига, ер ости бойликларига, ялов ва экин майдонларига бой бўлган эрамизгача бўлган III ва эрамизнинг IV асрларида Қанқа ва Кушон давлатларига қарап эди. Чоч воҳасида жойлашган Қанқа ёдгорлиги билан бир қаторда замонавий Тошкент ҳам ўз тарихини 2200 йил олдин бошлаган. Бу маълумотларлар 2000-2002 йилларда Тошкентнинг шаҳар маданиятини археологик жиҳатдан ўрганиш натижасида аниқланди. Бу йилларда Жун канали бўйидаги Шоштепа ёдгорлигидан қўлга киритилган янги илмий маълумотлар қадимда Сирдарёнинг қуриб бораётган қўйи қисмларидан аҳолининг Тошкент воҳасига кўучиб келишини исботлаб берди. Тошкент воҳасида милоддан олдинги IX-VII асрлардан Бери истиқомат қилиб келган ўтроқ деҳқонлар маданиятининг Сирдарё ҳудудларидан келган аҳолининг шаҳарсозлик маданияти аралашуви натижасида милоддан олдинги II асрда Чочнинг ilk шаҳарлари – Қанқа ва Шоштепа пайдо бўлди.

Кейинчалик (VI-VII асрларда) Чоч гарбий турк ҳоқонлиги таркибига, сўнгра араб халифалиги таркибига кирган. Табиийки, бу ўзгаришлар нафақат иқтисодий ҳаётга, балки атамаларга, тилга, маънавият ва маданиятга бевосита таъсир этган.

Туркий халқлар бир гуруҳ қабилалар уюшмасининг умумий номи қангли деб аталган. Улар милоддан аввалги III асрларда Сирдарё бўйларида йирик Қанғ давлатини барпо қўилганлар. Аҳолисини эса қанглилар деб аташган. Ҳозирга Оққўрғон тумани ҳудудида милоддан аввалги III асрдан ми-



Шаҳристоннинг бир дарвозаси таҳминан шу ерда бўлган



Шаҳристон кўчаларидан бири

лоднинг XII аср бошига оид шаҳар ҳаробаси Қанғтепа деб аталади. Қадимги Ҳитой ёзма манбаларида Қанқа, Қанғюй, Ҳарашкат номларида келган Қанг давлатининг пойтахти бўлган. Ўрта асрларда Ҳарашкат шаҳри Чоч вилоятида Бинкат (Тошкент)дан кейин иккинчи шаҳар ҳисобланган. 20 га яқин қабилалар уюшмасида Қанғли, Қаъни каби йирик қабилалар Чипли, Иркин каби уруғлар ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудида яшаган. Вақтлар ўтиши билан Чипли-Шибли, Иркин-Эркин кўринишини олган. Шаҳаримизнинг Чилонзор туманида Эркин, Юнусобод туманида Шибли, Учтепа туманида Қаъни шунингдек, Себзор даҳаси рўйхатларида Қанғли кўча каби маҳалла ва тураржой номлари учрайди.

2200 йилдан ортиқроқ тарихга эга бўлган Тошкент шаҳрининг бизгача етиб келган ёзма манбаларига тўхталсак. Беруний ўзининг «Ҳиндистон» номли асарида Тошкент номининг келиб чиқиши ҳақида сўз юритиб, «тош» сўзи туркча бўлиб, «шош» кўринишини олган. У Тошкент – тошли қишлоқ демакдир», деб изоҳлайди. Беруний воҳанинг номига ҳам тўхталиб, уни пойтахт номи Шош (араб.—илгариги Чоч) билан ҳам боғлайди. Шаҳар тарихини ўрганувчи олимлар шу фикрни ўзларига асос қилиб олганлар. Жой номларининг аксарияти кўҳна тарихнинг маҳсули бўлиб, бу номларнинг пайдо бўлиши, яратилиши, номланиш сабаблари ҳақида халқ орасида кўплаб афсона ва ривоятлар, хаёлий талқинлар яратилган. Халқ орасидаги ривоятлардан бири, шаҳарни қўл остига олган баҳодир Тош номи билан боғлайди. Кўпинча афсона ва ривоятлар мазмунидаги рационал маъно ва халқ фантазиясининг реал асослари ётади. Тошкент ҳақидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввалиг I аср – милоднинг V асрларига мансуб Ҳитой манбаларида ҳам учрайди. Уларда Тошкент вилояти қадимда «Ши» деб ҳам номланган. «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, «Ши» топоними хитойчада «Тош» маъносини англатган.

Туркийлар сўғд ҳокимлари ўрнига турк аъёнларини қўйганлар. Чоч воҳаси ҳокими Тош деб аталган (хитой

тра искрипциясида Ши). Афсонада сүгд эли ерлик ҳокими-нинг ўлими тасвирланган бўлиб, Деле исмли туркий билан алмаштирилгани ва у ўзини Тош деб атагани ҳикоя қилиниб, «Тошнинг шаҳри», яъни «Тошкент», хитой йилномаларда эса «Хан-Чже-Ши» деб юритилган. Шу атамаларнинг ўзида турлича бўлган сўзлар – кент (форс тилида) ва тош (туркийча) сўзлари борлигини кўрамиз. Кент сўзи «шаҳар», «қишлоқ» деган маънони билдиришни бундан 1000 йиллар бурун Наршахий, Беруний, Маҳмуд Қошғарий асарларида қайт этиб ўтилган эди. Бу сўз жуда қадимий сўз бўлиб, қанд, кент, кат, кан кўринишларида учрайди. Самарқанд, Паркент, Пскент кабилар. Бу терминлар келиб чиқиши ҳақида профессор В.В.Бартольд – бу сўз Эронийлардан Туркий халқларга ўтган бўлиб шаҳар, қишлоқ деган маънони билдиришини ўз асарларида айтиб ўтган эди.

Шаҳардаги номлар турли даврлар маҳсулидир. Асрлар оша «хиралашган», «ғубор босган» қадимий номлардан бири Афросиёбdir. Шаҳримиздаги Мингўрик тепалиги XIX аср охирларигача шаҳарликлар орасида Афросиёб тепалиги номи билан машҳур бўлган. Шунингдек, Чифатой маҳалласидаги қадимги Жарариқ бўйида ҳам Афросиёб тепалиги бўлган. Бу тепаликлар Турон мамлакатининг қадимий афсонавий шоҳи Афросиёб (туркий исми Алп Эр Тўнга) номи билан аталган деган ривоятлар юрарди. Жарариқ бўйидаги Афросиёб тепалигини Шоҳ нишин – «Подшо ўтирадиган жой», «тхат» деб ҳам атаганлар.

Юсуф Хос Хожиб «Қутадгу билиг» номли асарида Алп Эр Тўнга деган номни ҳам қўйидаги мисраларда тилга олади:

*Турк беглари орасида оти белгилиг,
Тўнга Алп Эр эди, қути белгилик.
Билими буюк, ҳунар(лар)и талай,
Билими, заковатли, халқ орасида сараси.*

Шунингдек, унинг тожиклар орасида Афросиёб деган ном билан шуҳрат қозонганини ҳам айтиб ўтади. Бундан маъ-



Хожа Аҳрор қурдирған Жомеъ масжиди



Шаҳристоннинг буғунги кўриниши

лум бўлишича, Афросиёбнинг асл номи Алп Эр Тўнга бўлган деган хуло сага ҳам келиш мумкин.

Туркий халқларнинг бу қаҳрамони ҳақида Маҳмуд Қошғарий «Девону луготиг-турк» номли китобида Афросиёбнинг қизи Қаз Казвин шаҳрини қурганлиги, шунингдек, унинг эри Сиёвушнинг ўлдирганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади.

Пойтахтимизнинг номи қадимий хитой йилномаларида II асрда тилга олинганди мавзум. Унгача Юни деб номланганлиги (бу ном маъноси аниқланмаган) қайд қилинган. Араб қўшинлари келгунга қадар Шош ўзининг арк ва шаҳристонига эга ривожланган йирик шаҳар бўлган (маҳаллий аҳоли ўргасида унинг қолдиқлари Афросиёб тепаликлари номи билан машҳур бўлган). 713 йилда Чочга кириб келган араб қўшинлари томонидан шаҳар вайрон қилинган.

IX асрга келиб аввалги ўрнидан 4-5 км шимоли-ғарброқда янги шаҳар вужудга келди. Бу янги шаҳар араб манбаларида Бинқат деб тилга олинди. Маҳмуд Қошғарий асарларида Бинқат «Таркан» шаклида ҳам учрайди. Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан мавзум бўлишича, Бинқат шаҳарнинг Себзор, Кўкча ва Бешёғоч ҳудудларида, аниқроғи Хадра, Эскижўва ва Чорсу маҳаллалари оралиғида жойлашган. Шаҳар арки алоҳида девор билан ўралиб, 2 та дарвозаси бўлган, биридан работга, иккинчисидан шаҳристонга чиқилган. Арк ичидаги ҳоким саройи, зарбхона ва қамоқхона жойлашган бўлиб, арк деворига ташқаридан жомеъ масжиди туташган. Шаҳристон аркка қараганда катта ҳудудни эгаллаб, у ҳам девор билан ўралган. Шаҳристоннинг Абул Аббос, Гумбаз, Қаср номли учта дарвозаси бўлган. Дарвозалардан бири ҳозирги Аброр Ҳидоятов номли театр биноси олдида жойлашган. Шаҳристонда ҳунармандларнинг маҳаллалари, амирликнинг қароргоҳлари, мулкдорларнинг кўшк ва қўрғонлари, савдо дўконлари бўлган. Шаҳристоннинг Гулбозор маҳалласида бутун Туркистон ва Хурсонда пири муршидлардан бири даражасига кўтарилилган, номи бутун ислом дунёсида улуғланган Ҳожа Аҳрор Валий ҳазратлари томонидан жомеъ масжид ва мад-



Эски шаҳарнинг XX аср бошларидағи күриниши



Чорсу майдони

расаси қурдирилган (XV аср). Шаҳристоннинг жанубий-ғарбida кейинчалик Кўкалдош мадрасаси қурилган.

Шаҳарнинг асосини XIX асрга қадар Кўкча, Себзор, Бешёғоч ва Шайхонтоҳур даҳалари ташкил қилган. Даҳаларнинг номлари эса шу ҳудудларга хос бўлган характерли томонларини билдиради.

Ҳар бир даҳа кўплаб маҳаллалардан ташкил топган бўлиб, вақт ўтиши билан уларнинг сони ҳам ўзгариб турган. Масалан, уларнинг сони XVIII асрда 150 та бўлган бўлса, XIX асрда 200 тагача, XX аср бошларида эса 250 тага етган.

Маҳалланинг шаҳар атрофидаги ерлари мавзе деб аталган. Ҳар бир маҳалла ўзича уюшган ва ички ҳаёти мустақил бўлган. Унинг ўз оқсоқоли, масжиди бўлиб шу маҳалла аҳолисининг тўпланиб мунозарали масалаларни бафуржа ҳал қиласиган чойхонаси ҳам бўлган. Ҳар бир маҳалланинг номланиши ўша жойларнинг характеристига хос ва касби корига мос бўлган.


Шаҳар тарихининг илк даврларида суғориш осон бўлган ерларда янги маҳаллалар вужудга кела бошлаган. Шаҳар атрофидаги деҳқончиликка яроқли ерларнинг умумийлиги ва биргалиқда меҳнат қилиш шароити мазкур ерлардаги аҳолини бирлаштирган ҳамда уларини муайян жамоага айлантирган.

Н.Г.Маллицкий ўзининг «Тошкент маҳалла ва мавзелари» номли асарида Тошкентнинг 260 та маҳалласининг ва 170 та мавзеси мукаммал рўйхатини келтирган. Аниқроқ бўлиши учун биз ҳам ушбу рўйхатни тўлалигича кичик тузишишлар билан қайд этишини лозим топдик. Китобда тарихий ва маданий аҳамиятга молик айрим маҳалла ва мавзеларнинг номланиш тарихини ёритишга ҳаракат қилдик.


Биз қўйида тарихий ва маданий аҳамиятга молик бўлган:

- Тошкент даҳа ва маҳаллалари;
- Тошкент сув тармоқлари;
- Тошкент бозорлари;
- Тошкент обидалари;
- Тошкент ҳудудида ўтмишда яшаган ва ҳозирда истиқомат қилувчи баъзи элатлар;


- Халқ ўтмишининг турли тарихий босқичлари;
 - Ўзбек халқининг уруғ ва қабилаларининг ўтмиш даврлардаги кўчиши (миграция) жараёнларини ифода қилувчи топонимлар ҳақида қисқача маълумот беришга ҳаракат киламиз.




Тошкентнинг тўрт даҳаси



Тошкентнинг Эски шаҳар маҳалалари (XX аср боши)



Қадимий Тошкенттнинг ўрдалари



БЕШЁФОЧ ДАҲАСИ

Бешёфоч (туркийча) – бешта дарахт маъносида. Муҳаммад Солиҳнинг «Тошкентниң янги тарихи» номли асарида Бешёфоч қабила номи билан боғлиқлиги қайд этилган. Қўлёзма манбаларда Зангиюта даҳаси деб ҳам юритилган.

Даҳада шаҳарнинг уч да рвозаси (Самарқанд, Камолон ва Бешёфоч), беш йирик мадраса, 75 масжид, 76 маҳалла ва 36 мавзеси бўлган. Энг қадимий шоҳқўчаси Бешёфоч (ҳозирда бу кўча деярли йўқ бўлиб кетган). Кўчадан 1903 йилда кўнка, 1913 йилдан трамвай қатнай бошлаган. Кўча Чорсу майдони билан Бешёфоч майдонини боғлаб турган. Ҳозирги Миллий боғ дарвозаси ўрнида Ҳалимтой мадрасаси, таҳминан ҳозирги Ёшлар саройи атрофида халқ амалий санъатифа ихтиосослаштирилган Муҳаммадкаримҳожи мадрасаси (мадраса 1924 йилда бузиб юборилган) бўлган. Бугунги кунда ёшларга халқ амалий санъатини ўргатишда изчиллик билан фаолият кўрсатаётган Халқа ро «Олтин Мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими жойлашган Абулқосим мадрасасидир. Шунингдек, Кўкалдош ва Ҳожа Аҳрор мадрасалари ҳам шуда ҳага тегишли бўлган. Асосий майдони Бешёфоч бўлган.

Бешёфоч майдони. XIX асрнинг 70-йилларида бу ердан ўтган шаҳар мудофаа девори бузиб юборилгач, ўрнида Бешёфоч майдони барпо бўлган. 1972 йилгacha бир муддат Беруний, 1986 йилгacha бир муддат яна Бешёфоч майдони, 1991 йилгacha Комсомол майдони деб аталган. Фурқат, Бобур, Туроб Тўла (собиқ 9-Январ) ва Олмазор кўчалари шу майдонга туташган. Ўзбекистон Миллий боғи билан ёнма-ён жойлашган.

XIX асрнинг 70-йилларида бу ҳудуддан ўтган шаҳарнинг мудофаа девори бузилиб ташлангач, очилиб қолган жой шу ердаги шаҳар номи билан Бешёфоч майдони деб аталган. Ўтган асрнинг 30-йилларида ҳозирги Миллий боғ дарвозаси ўрнидаги Ҳалимтой мадрасаси бузиб юборилган. Даҳа ўзининг сифатли гиштлари билан машҳур бўлган. Ҳозирги Ўзбекистон миллий боғи ўрнида катта ҳудудни эгаллаган



Бешёгоч майдонида жойлашган Мұқимий театри



Бешёгоч майдонининг умумий күриниши

гишт хумдонлари бўлган. Бу ерда тайёrlанган гиштлар ўтган асрнинг 20-йилларигача шаҳарни гишт билан таъминлаб турган. 1939 йилда гишт хумдонларининг лой тайёrlанадиган каръерлари ўрнида сунъий кўл (ҳозирги Миллий боғ) ташкил қилинганд. 1935 йилда Бешёғоч бозори ташкил қилинганд. Олмазор ва Арпапоя кўчалари туташган жойда 1943 йилда Муқимий номидаги театр биноси қурилган.

Даҳа маҳалла, мавзелар ва ёдгорликлари ҳақида қисқача маълумот

Зангиота маҳалласи Сузук ота, Чуқур кўприк, Чақар ва Захариқ каби маҳаллалар билан чегарадош бўлган. Қадимий маҳалла. Кўп асрлардан, аниқроғи 1258-йилдан бери шу ном билан аталиб келинганд. Маҳаллада XVI аср архитектура ёдгорлиги Хўжа Нуриддин мақбараси сақланганд. Ўрта Осиёлик авлиё, «подачилар пири» Зангиота шу маҳаллада яшаганд. Номи шундан. Шунинг учун бўлса керак қўллэзма асарларда Бешёғоч даҳаси Занги ота номи билан юритилган.

Зангиотанинг таваллуд топган жойи ҳозирги Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги «Зангиота» маҳалласидир. Зангиотанинг туғилган йили номаълум, 1258 йилда вафот этган. Зангиотанинг ҳақиқий номлари Ойхўжа ибн Тожхўжадир. «Занги» ибораси билан нисбат берилиши, у кишининг ранг-рўйлари қорачадан келган бўлишининг рамзий ифодасидир.

Зангиота турк-ислом оламидаги улуғ мутафаккир ҳамда мутасаввуф донишмандларидан бири бўлиб, унинг номи фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Хурросон ҳалқлари орасида ҳам маълум ва машҳурдир. Зангиота (Ойхўжа) ёшлиқ пайтидан падари бузруквори Тожхўжадан таълим олади. Отаси вафотидан сўнг, Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўртингчи халифаси ва содиқ шогирди бўлмиш Ҳаким ота ҳузурига боради. Бир неча йил ул зотнинг мулозиматида бўлиб, ул кишидан «Яссавия» тариқатининг сир-асрорларини, одобларини ўрганади ҳамда илми зоҳирий ва боти-



Чүкүр қишлоқ маҳалласы (узоқда Күйкөлдош мадрасасы)



Бешёгоч күчасы

ний йўриқла ридан воқиф бўлади. Зангиотанинг бутун онгли ҳаёти Мовароуннаҳр ҳалқларининг энг оғир ва даҳшатли даврига тўғри келади. Зотан, XIII асрнинг 20-йилларида мўфул истилочилари Мовароуннаҳрнинг энг йирик шаҳар ва қишлоқла рини култепага айлантириб, оддий меҳнаткаш ҳалқ оммасини қууллик исқанжасига соглан эдилар. Ана шундай оғир вазиятда Зангиота ва унинг ўндан ортиқ халифалари ва шогирдлари бўлмиш буюк мутасаввуф зотлар ҳалқ оммасини қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, адлу инсоф, поклик, яхшилик, тўғрилик, меҳршафқат, художўйлик каби энг олий умуминсоний гоялар билан озиқлантириб, уларни руҳан ва маънан тетик тутиб, уларга илоҳиёт ва иршод йўлларини кўрсатиб турганлар.

Зангиота 656 ҳижрий – 1258 милодий йили вафот этган ва ҳозирги «Зангиота» деб аталаётган қишлоқда дағн этилади. Бу жой нафақат Шош вилояти, балки бутун Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда ги туркий, форсий ва бошқа ҳалқлар учун муқаддас маскан ҳисобланади. Ҳозир эса бутун туман «Зангиота» номи билан аталади.

Зангиота мақбараси Гошкент шаҳри яқинидаги шу номли қишлоқда жойлашган бўлиб, зиёратгоҳлари мақбара ва унга кираверишдаги кичик бир масжиддан иборатdir. Уни Амир Темур қурдирган ва 1420 йилда Мирзо Улуғбек унинг устига ҳозирги пештоқни бино қилдирган. Унинг амри билан пештоқ тошга ушбу «ҳадиси Қудсий» ёзиз қўйилган: «Менинг заминимдаги уйларим масжидлардир. Менинг зиёратчиларим эса уни обод қилувчилардир. Ҳар ким ўз уйинда таҳорат қилиб, менинг уйимда зиёрат қиласа, иззат-ҳурматимга сазовордир». XVII асрда бу ерга мадраса ва жомеъ масжид қурилиб, кўплаб талабалар таълим олганлар. XIX аср охирида Мирзо Рустам номли саховатли киши томонидан мавжуд мезана қурилган.

Зангиотанинг табарру к мақбаралари қадим-қадимдан зиёратчилар билан гавжум бўлиб келган. Урта осиёлик ва афғонистонлик зиёратчиларнинг кети узилмаган. Фақат кейинги 70 йиллик истибдо замонида зиёратгоҳлар ҳам, зиёратчилар ҳам таъқибга учрадилар.



Яңғы маҳалла күчаси (*Абулқосим мадрасасининг
1981 йилдаги күриниши*)



Зангиота мажмуаси

1930 йилда Зангиота зиёратгоҳининг масжиди ёпиб қўйилди. 1945 йилда масжид расман очилган бўлсада, 1946 йилга келиб яна ёпиб қўйилди ва атеистик музейга айлантирилди. Ниҳоят, 1989 йилда мусулмонлар талабига кўра мазкур жомеъ масжиди ҳамда зиёратгоҳ яна қайтадан очилди. Ҳозир бу табаррук масканга Ўрта Осиёнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан зиёратчилар тўхтовсиз келиб турибдилар.

Туроб Тўла кўчаси (1991 йилгача 9-Январ кўчаси) Бешёғоч майдони билан Ўзбекистон шоҳкўчаси оралиғида жойлашган. Кўча шу ерда 1936 йилда қурилган, мутахассислар уйида яшаб ижод қилинган шоир ва драматург Т.Тўла номи билан аталган. Ушбу кўча 1903 йилда кўнка, 1913 йилда трамвай йўли ўтиши муносабати билан вужудга келган. Кўнка ва трамвай Чорсу майдони билан Бешёғоч кўча ва Бешёғоч майдони орқали Тошкент вокзалини боғлаб турган. Кўчанинг 9-Январ дейилганига сабаб, Анҳор каналининг трамвай йўли ўтган соҳилида 1905 йил 9-январда Петроградда бўлиб ўтган қўзғолон (тарихда қонли якшанба номи билан эсланади) иштирокчилари Тошкентга сургун қилинганидан сўнг бунёдга келган пастак уйлардан иборат маҳалла. Январский посёлка деб аталган. Кўча тушгандан кейин 9-Январ номи билан атала башланган.

Камолон — Бешёғоч даҳасидаги маҳалла. Дархон, Эшонгузар, Янги маҳалла, Самарқанд дарвоза, Гулистон маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Хўжакўча ва Фуқаро кўчаларига бўлинган. Хўжа Аъламбардор мақбари ва қабристони бор. Новза, Қозиробод, Дўмбиробод, Қонқус мавзалирида деҳқончилик ва боғдорчилик билан шугулланганлар. Асли «Камонгарон» яъни «Камонсолар» кейинчалик оғзаки тилимизда Камолон талаффузида етиб келган.

Ривоятларга кўра, фотиҳ Кутайба ибн Муслим ва унинг сафдошлари исломни ёйиш мақсадида VIII асрнинг бошлирида Шош мулкига кириб келадилар. Унинг сафдошларидан бир гурухи – яъни комил кишилар Шошнинг ҳозирги Камолон маҳалласи деб аталувчи қисмига жойлашадилар. Камолон, яъни комиллар деб аталувининг боиси шундан,

деган фикрлар ҳам бор. Мұхаммад Солиқ «Тошкентнинг янги тарихи» асарида эслатиб ўтган хиёбон дарвозаси рус ёзма манбаларининг айримларида «Камолон» дарвозаси деб тилга олинган. «Тошкентнинг янги тарихи» асарида эса Камолон маҳалла номи сифатида учрайди.

Хўжа Аъламбардор мақбараси Камолон дарвозаси ёнидаги Хўжа Аъламбардор қабристонида жойлашган. XIX асрда нураб қолган мақбара ўрнига қурилган. Ривоятларга кўра, мақбара Ўрта Осиёда Ислом динининг дастлабки тарғиботчиларидан бири имом Абубакр Мұхаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол Шоший сафдошларидан бири, минг йил илгари вафот этган Хўжа Аъламбардор (байроқдор) шарафига қурилган. Ислом тарихида ислом байроқдорлари энг ҳурматли ва иззатли инсонлар ҳисобланганлар. Ҳозирги мақбара XVIII асрда унинг тахмин қилинган Камолон дарвозаси ортидаги қабри ўрнига қурилган. Энциклопедик маълумотларга қараганда, Ислом фотихлари Шошга келганда лашкарнинг байроқ кўтарувчиси, яъни аламбардори Абдул Азиз Камолон дарвозаси ташқарисига ислом тугини қадаган. Ўша жой ҳозирда Хожа Абдул Азиз Аъламбардор қабристонининг ўртасида бўлиб, кейинроқ ўша жойга сафана қурилган. Аслида Хожа Аъламбардор умрининг охирида Сайрамда яшаб, ўша ерда вафот этган. Демак, мазкур мақбара рамзий бўлиб, унга Хожа Аъламбардор қўйилган эмас. Мақбара ичида ўша вақтда қўйилган ислом байроғи туғи ҳамон сақланади. Туғда «Аллоҳ» ва «Мұхаммад» сўзлари ёзилган.

Самарқанд дарвоза даҳанинг қадимий маҳалларидан бири. Зангюота, Чақар, Захариқ, Камолон маҳаллалари билан чегарадош бўлган, бир чеккаси Чақарариққа ёндашган. Ҳудудида шаҳарнинг 12 дарвозаларидан бири – Самарқанд дарвозаси жойлашган (номи шундан келиб чиқсан). Мустақиллик йилларида дарвозанинг рамзий кўриниши ҳозирги замон транспорт ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда қайта тикланди. Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий шу маҳаллада яшаб ижод этган. Самарқандга бориладиган карvon йўли шу ердан бошланган. Чи-

лонзор туманидаги Қатортол шохкүчаси Самарқанд дарвоза кўчасининг давоми сифатида вужудга келган. Кўча Қатортол қишлоғи ҳудудидан ўтганлиги сабабли кейинчалик Қатортол номи билан атала бошланган. Кўча катта карвон йўли бўлиб қадимда Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва яқин шарқ мамлакатларига карвонлар қатнаган. Ўтган асрнинг 70-йилларида кўчанинг ҳар икки томонига кўп қаватли бинолар қурилган. Кўчада «Илонлиқтепа», «Нўфойқўргон» каби қабристонларнинг бир қисми сақланиб қолган.

Сузукота маҳалласи. Шу маҳалла фаолларидан бўлмиш Асқархожи Обидов тўплаган маълумотларга кўра, маҳалланинг асосчиси Сузукота (Мустафоқул) XII асрнинг ўртаси XIII асрнинг бошида яшаган. Хожа Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Ҳуштоҷнинг кенжা ўғли Мустафоқул 1140 йилда Сайрамда таваллуд топган. Болалик чоғида бобоси Аҳмад Яссавий хизматига боргандга, бобосининг назар мубораклари тушиб, муҳаббат ила «Менинг сузигим (суюклигим), хуш келдингиз!» деб қарши олганлар.

Шу-шу, Мустафоқулни яқинлари Сузук деб атай бошлидилар.

Отаси Аҳмад ал-Қорачуғай Шайхнинг йўлланмаси билан бу маҳаллага келиб, турғун бўлиб яшаб қолган. Кимсазиз, тепалик **ва жарликлардан** иборат бўлган ерларни ўзлаштириш ва обод қилиш учун Сузукота түғилган ютидан қорилар, уста-ҳунармандлар ва яқин биродарларини олиб келиб, уй-жойлар қурдириб, барчага бошпана қилиб берилгач, илм ва ҳунарни кенг оммага жорий қилишни бошлаб юборишган.

Маҳаллани хўжалар маҳалласи, баъзан усталар маҳалласи деб ҳам аташган. Кароматлар соҳиби, аҳолининг доно маслаҳатгўйи, ҳунармандлар устози, толибларнинг пир-муршиди бўлган Сузукота 1240 йили вафот этган. Шундан бери бу жой Сузукота маҳалласи деб аталиб келинган.

Буюк саркарда Амир Темур Тошкентда кўплаб масжид-мақбаралар қурдирганида Яссавийнинг эрка набираси Сузукотага ҳам атаб мақбара масжид ва мадраса бунёд эттирган.

ХХ асрдан бошлаб маҳалла номи бир неча марта «Бауман», «Қахрамон» ва «Обод» деб ўзгартирилган. Мустақилликдан сўнг 1992 йилдан бошлаб қайтадан Сузукота маҳалласи деб атаб келинмоқда. Бу маҳалла таркибига 1945 йилдан кейин «Чақар» маҳалласи қўшилган бўлса, энди атрофдаги «Андижон», «Мирлар», «Миср», «Чўпонота» ва «Чуқур кўприк» маҳаллалари ҳам қўшилди.

Маҳаллада бир қанча кўхна обидалар мавжуд бўлган.
Улар:

1. «Чўпонота» маҳалласи масжиди (XII аср)
2. «Сузукота» жомеъ масжиди (XIV асрнинг охири)
3. «Андижон» маҳалла масжиди (1817 йилда қурилган);
4. «Чақар» маҳалла масжиди (1820 йилда қурилган)
5. «Чуқур кўприк» маҳалла масжиди (1850 йилда қурилган)
6. «Сузукота» мақбараси
7. Шогирдлари дағи этилган сағана-даҳма
8. Йўлбарсли ота сағанасидир.

Бундан ташқари маҳалла ҳудудида қадимий қўшсинчлик, тоқилик уйлар сақланиб қолган.

Сузукота уста-ҳунармандларнинг пири, юзлаб шогирдларга илм бериб, ҳалол меҳнатга ўргатган зотdir. Унинг вафотидан кейин усталар маҳалласи Сузукота номи билан атала бошланган.

Арпапоя Чақардан бир мунча шарқроқдаги жойлар Ўррапоя, яъни «жар қобогининг этаги», деб юритилган. Чунки шаҳардан ташқарида жойлашган бу ерлар жарлиқдан иборат бўлиб, у ерда кейинги асрларда ташкил топган маҳалла тошкентликлар ўртасида Арпапоя номи билан шуҳрат топган (А.Муҳаммаджонов). Ҳозирда Муҳимий номли театр биносидан бошланувчи бир кўчанинг номи Арпапоя номида сақланиб қолган.

Эски Ўрда археологик топилмаларнинг гувоҳлик берисича, XV-XVI асрларда Тошкент жанубга – Бешёочга ҳамда шарққа Шайхонтоҳурга томон кенгайиб боргган. Шу даврда Қоратош ва Олмазор маҳаллалари оралиғида янги ўрда барпо этилиб, унинг атрофи шаҳарнинг обод ва кўркам қисмига айланган.

Шаҳар атрофи янгидан дөвөр билан ўралган. XVII асрнинг бошларида Бухоро хони шаҳар билан Ўрдани бутунлай вайрон қилган. XIX асрда у Эски Ўрда номи билан машҳур бўлган. Эски Ўрдадан ҳозирги рассомчилик коллежи биноси ҳовлисида ўша даврга хос Қоратош ҳаммоми харобалари 2000 йилга ча сақланиб келган. Маҳалланинг қадимги номи шундан. Маҳалла қа рияларининг гапига кўра Тошкент хони ўрдаси **Бу** ҳудудга кўчган даврда шу ердан ўтган кўчага тош ётқизилган. Маҳалланинг кейинги Қоратош номи шундан.

Қоратош ҳаммоми – археология ёдгорлиги (XV-XVI аср). 1981 йил Тошкент археология экспедицияси томонидан Қоратош кўчасида очилган. Қоратош ҳаммоми даҳлиз, миёнсарой, унинг асосий ўқлари бўйлаб жойлашган хоналар қадимги анъанавий шарқ ҳаммомлари тархида қурилган. Деворлар ганч билан, супа тепасидаги деворлар гулдор сирли сопол парчаси билан безатилган. Қоратош ҳаммоми шаҳарнинг нуфузли кишиларига мўлжалланган бўлиб, шу ерида жойлашган ўрда иншоотлари мажмуига кирган. Ҳозир ҳаммом ўрнида республика рассомчилик коллежи қурилган.

Шарқда, хусусан Тошкентда ҳаммом қуришга алоҳида эътибор берилган. Ўрта асрларда ҳаммом нуфузли шахслар учун ўрда таркибида, раият учун жамоат жойларда қурилган. 1865 йилда Тошкентда 8 та ҳаммом бўлган. Чорсу меҳмонхонаси ўрнида Бадалмат ҳаммоми, Табиат музейи (2005 йилгача Чорсу бозорининг шимолий қисмидаги дарвоза қаршисида жойлашган бўлиб ҳозир кўчирилган) ўрнида аёллар ҳаммоми (Пуштиҳаммом), Кайкобус ариғи бўйида Муҳаммадқўл Эроний ҳаммоми, Қашқар маҳалласида Ўрда ҳаммоми (Анҳоркафесининг орқа томонида бўлиб, 1966 йил Тошкент зилзиласига қадар ишлаб турган), Кўкалдош мадрасасининг орқасидаги Жангоб ариғи бўйидаги Муҳаммадкаримхожи ҳаммоми, Чорсу нинг эски Намозгоҳ кўчасидаги Отабой ҳаммоми, Маҳсидўзлик кўчасидаги Регистон ҳаммоми (2004 йилга қадар ишлаб турган) кабилар мавжуд бўлган.

Чақар қадимий Тошкент атрофида, Чақар номи билан машхұр гузарлардан бири бўлган. Ҳозирги даврга келиб, Тошкентнинг икки манзилида Чақар ўрни ва номи аниқ сақлани бўлган. Бири Чифатой (ҳозирги Фаробий) кўчаси ўрга белидан кунботар томонга бироз кўтарилигган баланд тепалик устидаги атрофии чуқур жарликлар ўраган маҳалла. Ҳозир ҳам жарликлар бор. Иккинчиси Чорсу билан Бешёғочни бирлаштирувчи кўчанинг ўрга қисмида, Чуқур кўприк яқинида жойлашган. Чақар топоними мўғулларнинг Цақар қабиласи номи билан боғлиқ деган фикрлар бор. Тарихий манбаларда мўғулларнинг ҳақиқатан ҳам шундай қабиласи бўлғанилиги қайд этилган. Яна туркманларнинг бир уруғи Чақар деб аталган.

Тошкент метроси трассаси бўйлаб, «Бунёдкор» (собиқ Халқлар Дўстлиги) бекатида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида XIV-XVI аср маданий ёдғоликлари топилган моддий -маданият қолдиқларининг гувоҳлик беришига кўра, «Истиқлол» саройидан шимолий-ғарброқда, шаҳарнинг чегарасига яқинроқ жойда илк ўрга асрлар суворийларидан ташкил топган ҳарбий навкар-чокарларнинг қалъаси – Чокардиза жойлашган бўлиб (тадқиқотчи А.Мұхаммаджонов фикрича), кейинчалик бу жойда қад кўтарган маҳалла талафузида маҳаллий аҳоли Чақар тарзида ўзгариб етиб келган.

Ўрта Осиёда илкфеодализм даврида феодалларга қарашли бўлган қуролли кучлар гуруҳи чокар дейилган. Аниқроғи, шаҳарнинг қалъа деворидан ташқаридаги ўралган истеҳқом чақар дейилган.

Янги маҳалла Камолон, Чархкамолон, Бешёғоч маҳаллалари билан чегарадош бўлиб, Бўржар каналига туташ бўлган. Маҳаллада шоир Ҳабибий яшаган. Бешёғоч даҳасининг нуфузли маҳаллаларидан бири ҳисобланган. Шу ерда н ўтган кўча ҳам «Янги Маҳалла» деб аталган. Кўчада 1850 йилда Абулқосим эшон мадрасаси, кейинчалик жанубий-шарқий томонига гумбазли қилиб ҳаммом, шимолий томонига уч хонадан иборат синчкор масжид солинган ва халқ орасида Синчлик масжид номи билан юритилган.

Шимолтомунда Абулқосимнинг файзли ҳовлиси, шунингдек, ўғли Боқихон қози ва набираси Маъдихон қозиларнинг ҳашаматли, нақшинкор уйлари қурилган. 1975 йилга қадар бу уй Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти сифатида фойдаланиб келингган.

Боқихон қози шаҳар қозикалони лавозимига кўтариликан кезлари шаҳар ташқарисидаги мавзеларига чиқишига қийналиб қолган маҳалла аҳли илтимосига кўра қўшимча кичик дарвоза очдириб беради. Дарвоза масъуллиги маҳалла аҳлига юқлатилганилиги сабабли дарвоза ҳам Янгимаҳалла номи билан аталган.

Чорсу Бешёғоч даҳасининг қадимий маҳаллаларидан бири. Маҳалла сифатида XI асрда вужудга келган. Тиканлимозор, Чуқурқишлоқ маҳаллалари билан қўшни бўлган. Унга шаҳарнинг ҳамма дарвозаларидан йўллар келиб тулашган. Кейинчалик XVI асрда Кўкалдош мадрасаси қурилган. 1959 йилдан Охунбобоев майдони деб атала бошлади. Мустақиллик давридан бошлаб яна Чорсу майдони деб атала бошлади. Самарқанд дарвоза, Бешёғоч кўча, Беруний ҳамда А.Навоий шоҳкўчалари оралигида.

Қадимшунос С. Қораев маълумотига кўра Чорсу қадимиий сўз бўлиб, зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да Човурсуқ (тўрт томонлама) шаклида учрайди ва бозор маъносини англатади. Кейинчалик бу сўз «Чоҳарсу» ва ниҳоят «Чорсу» шаклига айланган. Форс тилидаги манбаларда «ҷоҳарбозор» – «чорбозор» деган сўз ҳам учрайди. «Сүқ» сўзи араб тилида «бозор» маъносини англатади. Ўрта аср Шарқ шаҳарларида икки йирик кўча кесишган жой «Чорсу» (форс тилида) дейилган. Одатда бундай жойларда савдо расталари, ҳунармандларнинг дўконлари бўлган.

Маҳаллада Тошкент булоқларидан энг машҳури Уккоша булоги, Тошкент ҳаммомларидан энг йириги ва шифобахшлиги билан ажralиб турадиган, Бадалмат ҳаммомининг ўрнига қурилган Чорсу меҳмонхонаси ёнидаги Чорсу жарининг ён бағрида жойлашган эди (ҳозир бу ерлар «ЖАР» спорт комплекси). Уккошо булоғининг суви шифобахшисобланганилиги учун бу ерга маҳсус шийпон қурилган ва

сув олиб ичиш учун заранг косалар қўйилган. Ёзниг иссиқ кунларида мешкопчилар бу булоқ сувидан олиб Чорсу бозорида сотиб юришган.

Жомеъ Масжиди (1451). Тошкент шаҳрининг ҳозирги Гулбозор маҳалласи ҳудудида бутун Туркистон ва Хурросонда пири муршидлардан бири даражасига кўтарилиган, номи бутун ислом дунёсида улугланган **Хожа Аҳрор томонидан** қурилган. Масжид ўз даврининг салобатли ва муҳташам биноларидан ҳисобланиб унда Жума ва Ҳайит намозлари, хутбалар ўқилган, диний маърузалар тингланган. 1454 йилда яна **Хожа Аҳрор томонидан** жомеъ масжиди рўпарасига мадраса қурдирилган. Мустақиллик йилларида нураб қолган бу масжид биноси бузилиб, ўрнига замонавий янги масжид биноси қад кўтарди.

Хожа Аҳрор Валий (1404-1490). Манбаларда ёзилишича, **Хожа Убайдулло** – **Хожа Аҳрор** 1404 йил март ойида (ҳижрий 906 йил рамазон) Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига қарашли Бөғистон қишлоғида таваллуд топган. **Хожа Убайдулло** **Хожа Аҳрорнинг** насабномасида (шажара) у ота томонидан чоҳорёrlарнинг биринчиси Абу Бакр Сиддикқа (632-634), она тарафдан чоҳорёrlарнинг иккинчиси Умар ибн ал-Ҳаттобга (634-644) бориб туташади дейилган. **Хожа Убайдулло** Аҳрорнинг отаси **Хожа Маҳмуддир**, **Хожа Маҳмуд** **Хожа Шаҳобиддиннинг** ўгли бўлиб, хожа Шаҳобиддин уч ё тўрт авлод билан **Хожа Номийга** туташади. Ривоят қилинишича, **Хожа Муҳаммад Номий** асли **Боғоддлик** бўлиб тошкентлик аллома Ҳазрат Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффоли Шошийнинг муриди бўлган. Ҳазратнинг мулозамати туфайли Тошкентга (Шош) келиб, бу ерда турғун бўлиб қолган. **Хожа Аҳрорнинг** оналари **Хожа Довуднинг** қизи бўлиб, **Хожа Довуд** эса Ҳазрат Шайх Хованд Тоҳурнинг ўғиллариdir.

Хожа Убайдуллоҳнинг болалик ва ёшлиқ даври Тошкентда ўтади. У мактабда ўқиб сабоқ олган ва турли китобларни мутолаа қилган. У тошкентлик марҳум алломалардан Абубакр Қаффол Шоший, Шайх Ҳованди Тоҳур ва Шайх Зайниддиннинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиб, уларнинг

марқадларини зиёрат қилиб турган. У туғилиб ўсиб вояга етган оила аўзолари ўз замонасининг ўқимишли, маърифатли, кишилари эди.

Хожа Аҳрорнинг тоғаси Хожа Иброҳим кенг маълумотли киши бўлиб, у жияни **Хожа Убайдуллонинг** ҳам ўқишини давом эттиришини истарди. Ниҳоят, 1427 йили Хожа Иброҳим жияни **Хожа Убайдуллони Тошкентдан Самарқандга** олиб келиб, мавлоно Қутбиддин мадрасасига жойлаштиради.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётда **Хожа Аҳрор юксак** мавқега эга бўлади ва ниҳоятда мўътабар сиймolarдан бирига айланади. Абу Тоҳир **Хожа ўзининг «Самария»** асарида ёзишича, **Хожа Аҳрор** илм аҳлини эъзозлар, анжумани ҳамиша олимлар билан тўла бўлган. Бинобарин, у илм аҳли учун Самарқандда бир мадраса қурдирди. Бу мадраса «Мадрасаси сафед (оқ)» номи билан машҳурдир. Бундан ташқари Тошкент ва Қобулда ҳам мадрасалар қурдирган.

Бул зотнинг асл исмлари Убайдулло бўлиб, Аҳрор ибораси ҳур, олижаноб маъносидаги лақабдир. Мусулмон дунёси тарихида ўтган 356 нафар авлиёлардан фақат учтасигина «қутб ул-ақтоб» сифатида эътироф этилган. Мазкур уч авлиёнинг бири –**Хожа Аҳрор** бўлган.

Тариқдан маълумки **Хожа Аҳрорни** бир нечта фахрли номлар билан аташган. Зотан, Ҳазрат Алишер Навоий бу зотни «Қутби тариқат» деб эътироф этган бўлса, Абдураҳмон Жомий «Каъбаи мақсаду» деб билган. Заҳриддин Мұхаммад Бобур эса «Ҳазрат **Хожа Убайдулло**» деб ҳурмат билан тилга олган. Бундан маълум бўладики, улар ўргасида яқинлик ва ўзаро ҳамфирлик ҳам бўлган.

Хожа Аҳрор узоқ ва мазмунли умр кўрди. Ул зот 1490 йил 20 февраль, шанба куни тонгда Самарқанднинг Камонгарон даҳасида оламдан ўтадилар. «Рашаҳот» муаллифининг ёзишича, Ҳазратнинг жонлари узилиши билан Самарқандда қаттиқ зилзила бўлиб, ердан чанг-тўзон кўтарилади.

Қозиробод – ҳозир Чилонзор туманидаги маҳалла. Шаҳар қозикалони Боқиҳон қози ёрдамида қўшимча кичик дарвоза очилганидан хурсанд бўлган халқ, мавзеларига борадиган йўлни ободонлаштириш мақсадида катта ҳашар уюштирадилар. Халқнинг бу ташаббусидан илҳомланган қози халқни ҳамма тарафлама қўллаб туради. Чойхона, савдо ва турли ҳунармандчилик дўконлари қурилади. Абулқосим авлодларининг гапларига қараганда, бу кўча ва мавзенинг Қозиробод номини олиши шундан.

Бойкўча маҳалласи. Даҳанинг қадимий маҳаллаларидан бири бўлган. Гилистон, Мўркон, Хўжа маҳалла ва Чақар маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Маҳаллада катта ер эгалари, савдогарлар ва бошқа мулкдорлар яшаган. Номи шундан.


Дўмбирибод ҳозир Чилонзор туманидаги маҳалла (бу жой қадимда даҳанинг мавзеларидан бири бўлган). Айрим маҳалла оқсоқолларининг галига қараганда, дастлаб мавзе гузарида Мирсоат номли қассоб дўкон очиб иш бошлаган. Ҳар мол сўйганида унинг ақли заиф ўғли дўмбира чалиб турган. Дўмбира овозини эшитган аҳоли гўшт олиш тараддутида гузарга отланишган. Шунингдек, Мирсоат ниҳоятда семиз бўлган. Мавзенинг ўёки бу сабабга кўра Дўмбирибод номини олиши шундан.

Чилонзор Бешёғоч даҳасининг мавзеларидан бири бўлган. Чилонзор туманидаги Чилонзор қабристонининг тарихий номи «Жилонота қабристони» деб юритилган. Қабристонда XIII асрга оид Жилонота мақбараси бор.


Ривоятларга кўра, Жилонота табобатдан яҳши хабардор инсон бўлиб, шифобахш ўсимликлар, жумладан, «чилонжийда» (бу ўсимлик меваси қон босими касаллигига даво ҳисобланади) дарахтлари билан бурканган боғ барпо қилган.

Халқимизда чилонжийда, гоҳо талаффузида «Жилонжийда» ҳам учраб туради. Мавзенинг Чилонзор деб аталиши шундан деган фикрлар ҳам бор.

Чилонзор Оқтепа IV-XI асрлар археологик ёдгорлиги. Тошкентнинг жанубий-тарбий қисмида, Бўзсув канали бўйида жойлашган. Ёдгорликнинг баландлиги 15 метрлик тепа-



Абдулла Қодирий уй музейи



Чүпон ота мақбарасы

лик бўлиб, атрофида қадимий қишлоқ харобалари жойлашган (1940 йил А.И.Тереножкин қайдномаси). Қазилмалар натижасига кўра, ундаги иморат ҳом фишт ва пахсадан солинган қаср бўлғанлиги ҳамда оташпаратларнинг истеҳкомли ибодатхонаси эканлиги аниқланган. Мавжуд манбалар Чоҷда аждодлар руҳига сифиниш кенг тарқалганилигидан ва ибодатхона шу мақсад учун мўлжалланганилигидан далолат беради.

Бу жой VII-VIII асрларда Чоҷ вилояти маркази (Мингўрик деб аталмиш археологик ёдгорлиги)нинг атрофида жойлашган истеҳкомларидан бири бўлиб, гавжум бўлган йирик зиёратгоҳлардан бири ҳисобланган. Араб халифалиги истилосидан сўнг бу ер бир қанча вақт зардӯштийлик удумлари бўйича дағн этиш жойи бўлиб хизмат қилган, сўнгра харобага айланган. Бу ерда кичик қишлоқ шаклланган даврда (Х-XI асрлар) харобалар атрофида ҳаёт тикланган.

Тешик кўприк тепа. V-XIII асрлар археология ёдгорлиги. Чилонзор туман Бунёдкор шоҳкӯчаси, метронинг Ҳамза бекати яқинида 1962, 1968 йилларда К.А.Шакурин ва М.И.Филанович томонидан ўрганилган. VII асрда араб истилоси туфайли харобага айланган. IX асрда ҳаёт бироз тикланган. XIII асрда мўғул босқини туфайли ҳаёт бутунлай тўхтаган.

Чўпонота комплекси (Чилонзор массиви 13-квартал). Даҳанинг Чўпонота мавзесидаги архитектура ёдгорлиги (масжид, мақбара, ҳужралари бўлган мемориал комплекс, XVIII аср). Маҳаллий ривоятларга кўра, чўпонлар ҳомийси, Чўпонота шахсига аatab Улуғбек томонидан қурдирилган. Чўпонота шу ерларни обод қилган ва Қатортолдан ариқ қазиб, сув келтирган. Чўпонота сўзи аслида «чўпонлар пири ёки сардори» деган маънони англатади. Мавзенинг Чўпонота номи шундан келиб чиқкан.

Сергели мавзеси шаҳар ҳудудига қўшилган туманлардан бири бўлиб, ҳозирги пайтда Тошкентнинг йирик саноат туманларидан бири ҳисобланади. Йўлдош (Спутник) шаҳарча сифатида шаҳримизнинг Жанубий-Гарб томонида 1966 йилда қурилган. Унинг асосий коммуникация тизимини

умумشاҳар маркази билан боғловчи Янги Сергели шоҳқў-
часи ташкил этади. Туманнинг асосий қисми илгари Бешё-
фоч даҳасининг Нўғайтоштепа (Шоштепа) мавзеси бўлган.
Топонимик манбаларга кўра, қозоқ элатининг таркибида
учта қабила гуруҳлари бўлган. Жумладан, Сергели қабила-
си Катта Жуз уруғи таркибида бўлиб, Тошкент вилояти,
Жанубий Қозогистон, Зарафшон воҳаси ва Жиззах вилоя-
тида яшовчи майда уруғ сифатида шаклланиб ўзбек ва қозоқ
миллатига бўлиниб кетган. Шаҳримиз туманларидан бири
Сергели деб номланиши Тошкент ҳудудида Сергели қабила-
си яшага ғлигидан далолат беради. Туманнинг энг эътибор-
ли жойи Шоштепа (Чоштепа) археологик ёдгорлигидир.

Хайробод эшон комплекси (Қатортол кўчаси). XVIII-XIX
асрлар архитектура ёдгорлиги. Маҳаллий қарияларнинг
ҳикоясига кўра, мақбара ва масжид Хайробод эшон томо-
нидан қурдирилган. Қорахўжа исмли уста раҳбарлигига
қурилиш ишлари олиб борилган. Унинг қурилишига оид
ҳеч қандай тарихий ёки бошқа маълумотлар йўқ. Фақат вақф
ҳужжатларида келтирилишича, 1626 йилда бу ердан фойда-
ланиш учун марҳум Абдуқаюм Хайробод эшон ўз ўғлига
тавсия қўлганлиги ҳақида қисқача маълумот қолдирган.
Ривоятларга кўра, 300 йил илгари бу ерлар дашт бўлган.
Қrim татари бўлган Хайробод тушида оқ тяга ўтириб, тя
йўл юриб, қаерга чўкса, шу ерга қўним топиши айтилган.
Эрталаб уйғонса, эшиги тагида оқ тя турарди, тяга ўлти-
риб, узоқ юради ва ҳозирги масжид, мақбара турган тепа-
ликка келиб чўкади. Ниҳоят, Хайробод эшон, бу ерларни
обод килиб, қўрғон қурдирган.

Нўғойқўрғон шаҳримизнинг Сергели туманидаги маҳал-
ла. Бешёфоч даҳасининг Нўғайтоштепа номли мавзеси ҳисоб-
ланган. XIX асрнинг 20-йилларида чор ҳукуматининг узоқ
муддатли ҳарбий хизматидан қочган татар йигитлари Тош-
кент хони Азизбекдан унинг тилмочи Карамишев орқали
паноҳ излаб, яшаш учун ер сўрайдилар. Хон уларга Салор
арифининг чап томонидаги Қўғайиттепа ҳудудини инъом
қиласади. Хоннинг бу илтифотидан хурсанд бўлган йигитлар
татар Мулла Вали бошчилигига ҳозирги Нўғойқўрғон ма-



Хайрабод Эшон масжид ва мақбараси



Шош тепа археологик ёдгорлиги

ҳалласини барп о қиладилар. Маҳалла татарларининг гапига қараганда улар картошқа, помидор каби сабзавотларни биринчи бўлиб Тошкент бозорларига олиб чиқишган.

Ракат ҳозирги Яккасарой туманидаги маҳалла (Бешёғоч даҳасининг мавзеси бўлган). Шаҳардан жанубга томон кетган катта карвон йўли Роҳикат, яъни кат йўли ёки «шаҳарга олиб борадиган йўл» номи билан машҳур бўлган. Бу йўл ёқасидаги мавзе (кейинчалик маҳалла) ҳозирги вақтда Ракат талафузида юритилмоқда. Шаҳарнинг Бешёғоч дарвозасига олиб борадиган катта карвон йўли бўлган. Ҳозирги Бобур кўчаси.

Шоштепа археологик ёдгорлиги. Мавжуд маълумотларга кўра, ҳозирги Тошкент ҳудудида илк ўтроқ ҳаётнинг бошлиниши милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Бундан иккιя ярим минг йил бурун, республикамиз ҳудудида сакларнинг бир қисми ёки турклар ҳаёт кечирган. Бу қабилаларнинг бир қисми ўтроқ ҳаёт кечириб, қатор манзилгоҳларга асос солди. Шоштепа номи билан машҳур бўлган манзилгоҳ харобалари Тошкентнинг шимолий-гарбий чеккасида (Сергели туманидаги Чоштепа кўчаси) Жўнариқ ёқасида сақланиб қолган.

Шоштепанинг атрофларида ҳам манзилгоҳлар бўлган. Шоштепаликлар ибтидоий сугориш усулида дехқончилик қилишган, чорвачилик билан шуғулланишган. Бронза ва темирдан меҳнат, ов қуроллари ясашган. Шунингдек, кулолчилик, тўқимачилик, тоштарошлиқ ва бошқа ҳунармандчилик ишлари билан шуғулланишган. Албатта, бу жараён шаҳарлаштиришнинг бошлиниши ва ривожланиши эди, десак ҳам бўлади. Бу даврларда Шош воҳасида Юни деб атalgan шаҳар маданияти юзага кела бошлади. Юни ўлкаси Олайдан Фарғонагача бўлган ерларни бирлаштирган.

Археологик қузатувларнинг гувоҳлик беришича, Шоштепанинг қурилиш услублари ҳудудидаги бўлажак шаҳар-созликнинг дастлабки кўриниши бўлиб бу ерга эрамиздан олдинги III-II асрларда келтирилган.

Шоштепада олиб борилган қазилма ишлари жараёнида топилган хорижий ишлаб чиқаришга оид буюмлар Шоште-

па антик ақолисининг Буюк Ипак йўли мамлакатлари бўйлаб савдо, иқтисодий ва маданий алоқада бўлганликларидан гувоҳлик беради. Буюмлар орасида фил суяидан ишланган ёзув чўти ва Парфия ҳукмдорининг бош тасвири туширилган ритон-диний маросимларда ишлатиладиган шох қопламасининг парчаси каби топилмалар учрайди. Ёдгорликда дастлаб археология ҳаваскорлари, сўнг Н.П. Остроумов 1896 йил, Г.В.Григорьев 1934 йил, Н.И.Крашенинникова 1956 йил ва Г.Дадабоев 1970 йил изланиш ва текширув ишлари олиб боришган.

Текширув ва қазиш ишлари 1978 йилдан Тошкент археология экспедицияси ходимлари М.И.Филанович ва В.И.Спришевскийлар томонидан амалга оширила бошланган.

Текширув натижаларидан маълум бўлишича, Шоштепа Тошкент ҳудудида шаҳар маданиятига асос солган энг қадимги турар-жой бўлиб эрамиздан аввалги II-III асрларда мана шу қишлоқ асосида шаҳар типидаги биринчи аҳоли пункти өвужудга келиб, ривожлана бошлаган.

Эрамизнинг бошларида Тошкент воҳаси Салор, Қорасув тармоқларидан суғорилиб, ўзлаштирилди ва уларнинг соҳилларида янгидан-янги, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган аркли шаҳар кўринишидаги маскан қад кўтара бошлади.

III-VI асрлар Шошдаги ҳаётнинг иккинчи йирик жонланиш даври бўлиб, VII-VIII аср бошларида араблар истилоси арафасида анча юксалган шаҳар араблар истилоси натижасида вайрон бўлган. XI-XII асрларда ундаги ҳаёт бироз тикланган. XVI асрдан шаҳар ташландиқ ҳолга келган. Бу ёдгорликнинг топилиши Тошкент ҳудудиаги шаҳар маданияти тарихини ўрганиш имкониятини берди.

Собиқ иттифоқ даврида маҳаллий ҳукумат раҳбарлари Тошкентнинг икки минг йиллиги арафасида бу ерда бир мунча ишлар қилингандек бўлди (асфальт йўли ётқизилди, панжаралар ва чироқлар ўрнатилди), аммо ўша кезлари қаровсизлик оқибатида қилинган ишлардан ном-нишон қолмади.

Республикамиз мустаҳкамлиги йилларида ёдгорлик атрофи ободонлаштирилди, темир панжаралар билан ўраб олинди.

КҮКЧА ДАҲАСИ

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Кўкча номи Кохча, яъни қалъача сўзидан келиб чиққан. Бу атама VI-XI аср археология ёдгорлиги Кўкча оқтепасига нисбатан айтилган. Бу ерда ҳаёт X-XI асрларгача давом этган. Оқтепа ўтган асрнинг 80-йилларида текисланиб ташланган. Даҳада уч дарвоза (Сағбон, Чифатой ва Кўкча), 57 маҳалла, 47 мавзе, 60 масжид ва икки мадраса бўлган. Даҳанинг чорбоглари Назарбек, Кўксарой ва Келес дарёси бўйларида жойларда бўлган. Даҳанинг эътиборли жойларидан бири Кўкча дарвозасидан ташқаридаги Орифон (билимлилар) қишлоғидаги мозоргоҳ ҳудудида 1214 йилда Шайх Зайниддинбобо мақбараси қурилган. Тарихий манбаларда даҳанинг номи Шайх Зайниддин даҳаси деб ҳам юритилган.

Шайх Зайниддин бобо 1164 йилда Боғдод шаҳрида туғилган. Шайх Зайниддиннинг оталари – Шайх Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Сухравардийдир. У киши атоқли олим ва жамоат арбоби бўлиб, «сухравардийя» тасаввуф тариқатини яратганлар. «Аворуф-ул-маориф» номли машҳур китобнинг муаллифи. Бу китоб араб, форс, инглиз, немис ва бошқа тилларда кўп марталаб нашр этилган.

Ривоят қилинишича, Шайх Зайниддин бобо ёшлигига ўз отаси Шайх Шаҳобиддиннинг кўрсатмасига кўра, Богдоддан Тошкентга келиб, Кўкча мавзесидаги эски қабристон ёнида мавжуд бўлган «чилахона»га жойлашади ва шу ерда яшай бошлайди. Ул зот ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлиб, сухравардия тариқатининг солиҳларидан эди. Бинобарин, Тошкент аҳлига тасаввуф илмидан ваъзлар ўқиб маърифатдан сабоқ беради. Шайх Зайниддин бобо чиллахонада яшай бошлагач, аста-секин унинг атрофига одамлар кўчиб келиб маскан қурадилар. Бир неча йиллар ўтгач, Шайх Зайниддин бобонинг зурриётидан тарқаган авлод ҳамда кўчиб келган ихлосмандлар жамоасининг нуфузи орта бориб, қабристон ёнида бир қишлоқ (XII аср) вужудга келди. Мазкур қишлоқнинг номини Шайх Зайниддин бобога нисбат бериб, «Қуий орифон», «Орифлар» қишлоғиги деб атай бошлайдилар.

Шайх Зайниддин бобо табаррук 95 ёшга етиб, 1259 йили вафот этади. Ул зотнинг вафотларидан сўнг унга эҳтиром билан қараган маҳалла аҳли шу ерга мақбара қурганлар.

Шайх Зайниддин бобо мақбараси Тошкентдаги мақбаралар орасида энг ажойиб, салобатли ва муҳташам мақбараlardan биридир. Мазкур мақбара XIV-XV асрларга мансуб бўлган меъморчилик услубига хос ёдгорликдир. Мақбара XI асрда ташкил топган қабристоннинг қия тепалиги устига қурилган. Тарихий манбаларда Зайниддин «сайдларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюги», «орифларнинг қутби ва ишончли раҳнамоси» деб таърифланади.

Мана шундай давлат ва дин арбоби, буюк мутасаввуф олим Сухравардийнинг ўғли Тошкентда кўп савобли ишлар қилган жамият арбоби Шайх Зайниддин Бобо мақбараси юз ийллар ўтибдики, атоқли алломаи фузалолар учун ҳам, арбобу фуқаролар учун ҳам азиз зиёратгоҳга айланган. Чунончи, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз XIV аср охири XV асрнинг бошларида Шайх Зайниддин бобо Тошкандий мақбарасини қайтадан таъмир эттиридилар. Машҳур давлат ва дин арбоби Ҳожа Аҳрор Валий ҳам ушбу мақбарани бир неча марта зиёрат қилганлар. Навоий бобомиз ҳам ўз китобларида сухравардийлар сулоласини ҳурмат билан тилга олганлар. Шуни ҳам айтиш жоизки, машҳур мутафаккир ва шоир Шайх Саъдий «Бўстон» китобида Сухравардийни ўз устозим, деб эътироф этган.

Кейинги вақтларда мақбара анча футурдан кетиб таъмирга эҳтиёжманд бўлиб қолган эди. Истиқлолимиз шарофати билан мақбара қайтадан таъмирланди.

Маҳалла ва мавзелар

Чигатой маҳалласи. Сағбон, Қўшчи, Сақичман, Каллахона маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Чигатой дарвазасини қўриқлаш, шу дарвоза яқинида яшайдиган Чигатой аҳолисига топширилган. Дарвоза, кўча ва маҳалла номлари Чигатой деб атала бошланган.

Чигатой улуси Чингизхон томонидан иккинчи ўғли Чигатой ва унинг авлодларига мерос қилиб берилган вилоятларининг умумий (1224 йилдан) ҳудуди Мовароуннаҳр, Еттисув ва Қашқардан иборат бўлган. 1242 йилда Чигатой вафот этгач, Мунке билан Ботухон Чигатой улусини мулк сифатида тугатишга қарор қилганлар. XIII асрнинг 60-йилларида Чигатойнинг набираси Олғу чигатойлар ҳокимиятини тиклаган ва бу ҳокимият Темурийлар ҳукмронлиги давригача давом этган.

Чигатой ва Чингизхон сўзларидан ҳадиксираган шаҳар маъмурияти ўтган асрнинг 80-йилларида бу кўчани Фаробий номи билан ўзгартирилдилар. Аслида, Чингизхоннинг Чигатой исмли ўғли XIII асрда яшаган, туркий Чигатой қабиласи ундан анча олдин мавжуд бўлган. Чигатой тили, Чигатой адабиёти атамалари ўша қабила номига мансуб.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил 21 февраль сонида Бегали Қосимов томонидан ёзилган Алишер Навоий ҳақидаги мақоласида ёзилишига кўра, XVII асрда Навоийнинг «Сабъай сайдёр» асаридаги «Баҳром ва Дилюром» саргузашти грузин тилида «Барам Гуриани» (Катта Баҳромнома) яратилади. Шу муносабат билан асар муаллифи машҳур грузин шоири Нодар Цициашвили «Навоий бу қиссани («Сабъай сайдёрни») чигатой тилида ёзган. Ким шоирликда бирор кишини у зот билан тенглаштира олади?» деб ёзади.

Сағбон маҳалласи Кўкча даҳасининг қадимий маҳаллаларидан бири. Эскижўва, Қўшчи, Ачавот маҳаллалари ва Чорсу бозорлари билан чегарадош бўлган. Маҳалланинг асосий кўчаси ва маҳалла зиммасидаги дарвоза ҳам Сағбон номи билан юритилган. Маҳалланинг асл номи Сүқбон (арабчада сүқ – бозор, бон – қоровул) бўлган. Чунки дашти Қипчоқдан ҳайдаб келингган отарлар, қорамол ва йилқиларни қўриқлаган ва бозорда жаллоблик билан шуғулланган кимсалар шу маҳаллада яшашган. Маҳалланинг бозорга туаш томонида карвон саройлар, ҳаммом, Москва катта мануфактурасининг савдо дўконлари, Россия тўқимачилик фабрикасининг эгаси Савва Морозовга қарашли банк (2005

йилгача Ўзбекистон табиат музейи биноси) ва савдогар Шамси Асадулла ўғлига қарашли икки қаватли идора биноси (1911 йилда қурилган) сақланиб қолган.

1847 йилги Кўқон хонининг ноиби Азиз парвоначи зулмига қарши кўтарилиган қўзғолон шу маҳалладан бошланган. Шойи тўқиши устахонасининг эгаси Муҳаммад Юсуф хожи қўзғолонга раҳбарлик қилган. Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий билан Абулқосим мадрасаси биносида бўлиб ўтган бир суҳбатда, у «...отам ўзининг «Ўтган кунлар» романидаги Юсуфбек ҳожи мана шу Муҳаммад Юсуф ҳожи тимсолида яратилганлигини айтиб ўтган эди», деб эслаган эди.

Сағбон атамасининг юқоридаги талқини шаҳар топонимик комиссиясининг 1970 йил 22 апрель йиғилишида маъқулланган. Аммо, айрим қадимшунослар бу атамани ўзгача талқин қилганлар. Жумладан:

1- талқин. Сағбон аслида сакбон бўлиб, итбоқар демакдир (сак – ит, бон – бокувчи). Баъзилар ўтмишда Тошкентнинг шимолий чеккасида, яъни Хастимомда мол бозори бўлган, ана шу теварак-атрофда чорва маҳсулотларини ишлайдиган бир қанча ҳунармандчиллик (кўнчилик ва бошқалар) корхоналари вужудга келган. Шу билан бирга, мол олиб сотадиган жаллобларга хизмат қиласидиган итбоқарлар ҳам бўлган. Кўча номи ана шундан келиб чиқкан дейдилар.

2- талқин. Аслида бу ном қадимги оғашпаратлик эътиқоди билан боғлиқдир. Оташпаратлар дунёда 4 нарсани: ер, олов, сув ва ҳавони муқаддас деб билганлар. Шунинг учун ҳам ўлган кишиларни ерга кўмишмаган. Чунки, мурда чириб, ерни ифлос қиласиди, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун, улар ўликини қуш-қузғунлар еб кетсин деб, узоқроқ жойга олиб бориб ташлаганлар, шаҳар ичидаги эса маҳсус жойларда ит боқиб, ўликни ана шу итларга едирганлар. Мурда сукларини эса маҳсус сопол идиш «оссуарий» (остадон)га солиб кўмишган. Сағбон маҳалласида ана шу мақсадда ит боқишишган.

Қадимшуносларнинг бу борадаги талқинлари билан қўшилиш қийин. Маълумки, эрамизнинг 713 йилида Араб



1912 йилда қурилған Асадуллаевнинг савдо контораси




Хастимон майдони

халифалиги босқини туфайли Мадинат аш-Шош вайрон бўлади. Йиллар давомида вайрон бўлган шаҳар қайта тикланга олмайди. IX асрда Араб халифалиги томонидан янги шаҳарни тиклаш мақсадида 2 миллион дирҳам ажратилади. Натижада, Бўзсув сугориш системаси асосида ҳозирги Эскижўва ҳудудида Бинкент ва Тошкент номлари билан янги шаҳар вужудга келади. Бу янги шаҳарга асосан ислом динини қабул қилиган мусулмонлар кўчиб кела бошлайдилар. Сағон маҳалласининг шаклланиши ҳам шу даврларга тўғри келади.

Тошкент ва ундан шимолроқдаги юртларда И мом дарасига ета олган бирдан-бир зот бу – Абу Бакр Мұҳаммад Қаффол Шоший саналарди. Ул зот 976 йилда вафот этгач, Мозорхон маҳалласидаги қабристонга дағн этилади. Мақбара қурилиб, бу ҳудуд Ҳастимом номи билан муқаддас зиёратгоҳга айланади. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бу ерда кийим-кечак бозори бўлган, аммо молбозори бўлганлиги бирон-бир ҳужжатда учрамайди. Инсон суюкларини оссуарийга солиб қўйиш одат бўлган даврларда бу жойлар бўз ерлар эди.

Ҳофиз Куйкий (Ҳофиз Кўҳакий) – Кўкча даҳасининг қадимий маҳаллаларидан. Шу маҳаллада XVI асрда яшаб ижод қилиган буюк олим, ўз даврида алломаи Ҳофиз Тошкандий деган шарафли унвонга сазовор бўлган.

У Мирзо Улугбекнинг шогирди Али Қушчининг набираси. Олим араб ва бошқа шарқ мамлакатларига, шунингдек, Бобурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонга икки марта сафар қилиган. 1528 йилда Заҳириддин Мұҳаммад Бобур томонидан, 1569 йилда Ақбаршоҳ томонидан иззатикром билан кутиб олинган. Унинг «Чингиз авлодлари тарихи», «Тарихи Тошканд» номли асарлари ва бошқа таржималари олим номини агадийлаштирган. Кўҳакий – унинг тахаллуси. У ўзи яшаган маҳаллада мадраса қурдириб, тарих, фиқҳ ва бошқа дунёвий илмлардан талабаларга сабоқ берган. Мадраса ҳозир ҳам сақланган. Ҳозирги кунда бинодан маҳалла масжиди сифатида фойдаланилмоқда. Ёдгорликнинг меъморий ечими, ташқи кўриниши ва қурилиш ма-



Шайх Зайниддин бобо мақбарасы



Хофиз Күйакайы масжид-мадрасасы

териаллари унинг XVI асрда қурилганлигидан гувоҳлик беради. Бино 2008 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Маълумотларга қараганда, унинг қабри Қаффол Шоший мақбасига кираверишда ўнг томонда. Айрим маълумотларга қараганда, у Самарқанд яқинидаги Кўчак (ҳозирги номи Чўпон ота) деган жойдан келган. Тахаллуси шундан бўлса керак, деган фикрлар бор.

Қўшчи маҳалласи даҳанинг қадимий маҳаллаларидан бири бўлиб Чифатой, Ачавот, Сағбон каби маҳаллалар билан чегарадош бўлган. Маҳалла яқинидаги қабристон ҳам Қўшчи номи билан аталган. Қўшчи қабристони ҳудудида Шайх Баҳул мақбаси мавжуд. Ўзбекистон халқ рассоми Жалил Ҳакимов, рассом Т.Тўхтахўяевлар шу қабристонга қўйилганлар.

Қўшчи ўзбек қабилаларидан бирининг номи. XIV-XV асрлар да вомида Даштиқипчоқда яшаб, чорвачилик билан шуғулланганлар. XVI- XVII асрларда ўзбек қабилалари таркибида Мовароуннаҳрга келиб ўрнашганлар ва тез орада ўтроқ ўзбеклар таркибига сингиб кетганлар. Қабиланинг бир уруғи шу маҳалла ҳудудуда яшаган. Маҳалланинг номи шундан.

Шоҳнишин тепа маҳалласи Чақар, Тўқли жаллоб, Чифатой маҳаллалари билтан чегарадош бўлган. Захариқ, Оқтепа, Дамариқ каби мавзеларда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Маҳалла VII-XIII бошларига оид Шоҳнишин тепа археологик ёдгорлиги билан туташиб кетган. Номи шундан.

Шоҳнишин – шоҳ ўтирадиган жой маъносини билдиради. Ривоятларга кўра, Турон подшоси Афросиёб (Алп Эр Тўнга) ўзига тобе бўлган халқни шу ерда қабул қилас экан.

Тўқли жаллоб маҳалласи Тепа, Сурат, Чифатой, Қўштут каби маҳаллалар билан чегарадош бўлган. Маҳалла аҳолисининг кўпчилиги мол савдоси билан шуғулланган. Маҳалла номининг келиб чиқиши шу асосда вужудга келган.

Маҳкамма маҳалласи. Ҳозирги Чорсу бозорининг марказида жойлашган қадимий маҳаллалардан бири бўлган. Маҳалла бозорнинг Бешёғоч, Кўкча, Себзор даҳалари ту-

ташган ҳудудда жойлашган бўлганлиги учун ҳар учала даҳа рўйхатида Маҳкама маҳалласи номи учрайди. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тошкент иккисига бўлинниб, эски ва янги шаҳар номларида бўлган. Эски шаҳар бошқарув маъмуриятининг идораси, яъни маҳкамаси шу маҳалла ҳудудида бўлганлиги учун шундай ном берилган. .-

Маҳалладаги ўтган асрнинг 70-йилларигача мавжуд бўлган масжид Маҳкама масжиди номи билан машҳур бўлган. Масжид биноси буздириб юборилди, ўрнига дориҳона қурилди, дориҳона ҳам бузиб ташланди, ўрнига «Тоҳир ва Зуҳра» савдо маркази қурилди. Савдо маркази ҳам бузилиб, ўрнида ҳозирги ёпик бозор қурилиши бошланди. Ёпик бозор қурилиши кўп йиллар битмай ташлаб қўйилди. Ниҳоят, мустақиллик йилларида ниҳоясига етди.

Бўйра бозор маҳалласи. Чорсу бозорининг Кўкча даҳаси ҳудудидаги маҳалла. Маҳалла аҳлиниң асосий қисмининг иши тўқайдан қамиш ўриб келиб бўйра тўқиши бўлган. Номи шундан. Буйра хонадонларда ердан зах ўтказмаслиги учун палос (шолча, тўшланчи) тагига тўшалган. Ҳозир бўйра тўшалган уйлар деярли қолмаган. Шунинг учун бўйра нималигини кўпчилик билмаслиги мумкин.

Чимбой маҳалласи. Чимбой ўзбек уруғларидан бири, Даشت қипчоқда яшаб XVI асрда ўзбек қабилалари таркибида Мовароуннаҳрга келиб ўрнашганлар ва тез орада ўтроқ ўзбеклар таркибига сингиб кетганлар. Маҳалла ҳудудида Чимбой қабиласининг айрим уруғлари яшаганлиги туфайли номи шундан келиб чиқкан.

Оқилон Кўкча, Жарариқ, Дарвози маҳаллалари ҳамда Бўзсув канали билан чегарадош бўлган. VIII асрнинг бошларида Шошни фатҳ қилишда қатнашган Қутайба ибн Абу Муслим сафдошла рининг бир қисми, яъни оқил кишилар ҳозирги Оқилон деб аталувчи жойни ўзларига маскан қилиб оладилар. Маҳалланинг Оқилон, яъни оқиллар маскани деб аталишининг боиси шундан деган ривоятлар бор.

Оқилон шаҳарнинг мудофаа деворидан ташқаридан жойлашган, бироқ аҳолининг бир қисми муқим яшаган, шунинг



Маҳкама маҳалласи



Маҳкама маҳалласининг бозор қисмига тегишли кўчаси

учун у рўйхатларга ҳам маҳалла, ҳам мавзе сифатида кири-тилган.

Лангар – Кўкча даҳасининг қадимий маҳаллаларидан. Йўловчилар қўниб ўтадиган ва пиру муршидлар кўмилган жой маъносини билдирган. Шунингдек, бу сўз классик ада-биётларда, қабр, ибодатхона маъносида ҳам учрайди. Яна лангар – чўп, кема лангари (якорь) каби омоним сўзлар ҳам бор.


Сақиҷмон – Сақиҷмон ёки Чақиҷмон маҳалласининг номи. Абубакр Қаффол-Шоший мақбараси яқинига кўмилган табаррук зот — шайх Азизи Сақиҷмоний номи билан боғлиқдир, деган фикрлар ҳам бор.

Аллон ҳозирги Собир Раҳимов туманидаги маҳалла ва кўча. 1988 йилнинг ўртала рида Тошкент шаҳар топонимик комиссиясининг мажлисли ридан бирида Аллон кўчаси оқсо-қолларининг кўчаларини бесабаб «Сберкасса» қилиб ўзгартирганлари ва ўз тарихий номини қайтаришларини сўраб ёзган шикоятлари кўриб чиқилди. Шу масала бўйича сўзга чиққан навоийшунос олим Ёқубжон Исоқов икки хил фикрни айтди:

Биринчи фикрга кўра, Маҳмуд Қошғарий ижодида Олон сўзи учрашини ва у шаҳар чеккаси деган маънони билдиришини;

Иккинчи фикрга кўра эса Беруний асарларида II-VII асрларда мамлакатимиз ҳудудида Олон қабиласи яшаганлиги, кейинчалик улар Кавказ томонларга кўчиб кетганлиги ҳақида маълумот борлиги ва ҳозирги осетинлар ўша олон қабиласига мансуб деган фикрларни билдириди. Мажлис қарори билан иккинчи фикр тасдиқланиб, кўчага ўз тарихий номи қайтарилди.

Қомусий маълумотларга қараганда, ҳақиқатан ҳам олонлар Шимолий Кавказнинг маҳаллий этногенезида ҳамда маданиятининг вужудга келишида муҳим роль ўйнаган. Осетин халқининг шаклланишида нафақат олонлар, шунингдек, сарманлар ва скифлар ҳам иштирок этган. Аммо олонларнинг мамлакатимиз ҳудудидан кўчиб борганликлари ҳақидаги маълумот Берунийдан бошқа муаллифларда учрамади.



Шарафиддинбой масжиди



Каллахона маҳалла масжиди

Мұхаммад Солиҳнинг «Тошкентнинг янги тарихи» номли асарида ҳам Олон қабила номи эканлиги эслатиб ўтилған. Баъзи атамашунослар бу Оқилон сўзининг ўзгарган кўриниши бўлса керак, деган фикрни билдирадилар. Ҳатто маҳалла ва мавзелар рўйхатида Оқилон (Олон) тарзида ёзилған.

Ачавот. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларида Ач этномими учрайди. Мавзе яланг жойда бўлганлиги учун Ачиқ-Очиқ шаклларида тилга олинганлиги ҳақида айрим ёзма манбаларда маълумотлар учрайди (С. Қораев). Аҳолиси ўзбек ва лўлилардан иборат Чимбой, Ев, Сағбон каби маҳаллалар билан чегардош бўлган.


Шофайзи қулоқ. Шофайзи исмли киши каналдан қулоқ очиб сув чиқарган. Но ми шундан.

Қурбақаобод (тўғриси Қўриқработ). Қадимшунос А.Мұхаммаджонов Қурбақа обод ўз замонасида Қўриқ рабод деб юритилған. Чунки бу жой даставвал қўриқ ерда қад кўтарған яккаю-ягона аҳоли яшайдиган маскан бўлган. Даштдан келадиган савдо карвоёнлари, мол ҳайдаб келувчи бозорчилар, дайди саёхёлару дарвешлар кеч кириб, шаҳарга етиб боролмай қолса мана шу кўприқдаги работда бошпана топиб, тунаб қолганлар ва субҳидамда туриб шаҳарга кириб борганлар, деб ёзди ўзининг «Қадимги Тошкент» номли асарида.

Каллахона маҳалласи Сағбон, Чигатой, Сақишимон маҳаллалари билан чега радиош бўлиб, бир қисми Эскижўва бозори билан туташ бўлған. Маҳалланинг номи ҳақида турили фикрлар юради. Баъзилар «гуноҳкорлар қатл этиладиган жой», дейишса, баъзилар «асирга тушган босқинчилар шу ерга келтирилиб, қатл этилган», деган фикрни илгари сурадилар ва номи шундан дейишади. Маҳалла зиёлилари эса аслида «Каллонхона сабаби маҳаллада юртни тебратган амалдорлар яшаган», деб фахрланиб юришади. Аммо ёши бир жойга бориб қолган қариялар «Эсимизни танибмизки, янги ёпиқ бозор қурилгунга қадар гўшт бозори шу ерда бўлган. Маҳалланинг ҳар икки хонадонидан бири қассоб бўлган. Бу ерда ҳар бир тор кўчаю-берк кўча гўшт бозори

Эди. Гүшт бозори дейилганда Каллахона, Каллахона дейилганда гүшт бозори тушунилган. Хоҳ кундузи, хоҳ кечаси тўғри келган эшикни тақиллатиб, гўштми, калла-почами олиб кетаверардик», дейишади.

Маҳаллазиёлиларини ранжитиб қўймасак, қарияларнинг гапи ҳақиқатга яқинроқقا ўхшайди. Ҳар ҳолда даштдан ҳайдаб келинган пода Сағбон кўчасидан оралаб келиб, шу ерда сараңжомланган. Маҳалланинг эътиборли жойи Каллахона масжиди ҳисобланади.



Кўкча жомеъ масжиди

СЕБЗОР ДАҲАСИ

Себзор (форсча — «олмазор» деган маънони билдиради). Даҳа ҳудудидан Кайкобус, Шаҳарариқ каби йирик ариқлар ўтганлиги сабаб, соя-салқин жойлар бўлган. XVI асрда бу ерларда шайбонийларнинг дала ҳовлилари жойлашган. Шайбонийлардан бўлган Суюнхўжахон томонидан бу ерларда сўлим боғ барпо қилиниб, у Кайкобус чорбоғи деб аталган.

Даҳада 8 мадраса, 78 масжид, 79 маҳалла ва 65 мавзе бўлган. Тошкентнинг уч дарвозаси (Лабзак, Тахтапул ва Қорасарой) Себзор ҳудудида бўлган. Тарихий манбаларда Имом Қаффол аш-Шоший даҳаси деб ҳам юритилган. Даҳанинг энг эътиборли жойларидан бири Ҳастимом деб атaluвчи Каффол аш-Шоший мемориал комплекси ҳисобланади.

Қаффол Шоший. Ўрта асрларда Тошкентдан етишиб чиққан йирик алломалардан бири бўлиб, машҳур фиқҳшунос, файласуф, ва забардаст тилшунос адаб Қаффол Шоший эди. У ҳижрий 291, милодий ҳисоби билан 903 иили Тошкент шаҳрида дунёга келди.

Қаффол Шошийнинг манбаларда учраган тўла номи Абу Бакр Мұхаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол аш-Шошийдир. Ҳатто бу кишининг ҳурматини бажо келтириш мақсадида исми ёнига «алқабир» (катта, улуг ва муҳтарам маъносини билдирадиган) сўзини ҳам қўшиб айтишган.

Қаффол Шоший ҳунармандлар оиласида дунёга келган бўлса керак, чунки унинг исми бундан далолат қиласди. «Қаффол» – қулфсоз дегани (арабча «қуфл» – бизнинг тилимизга ўтиб бузилган ва «қуулф» шаклида талаффуз қилинади).

Шоший дастлабки таълимни ўз юргида олди, кейин Ўрта Осиё шаҳарларига саёҳат қилди. Самарқандда яшади ва таълим олди. Дастлаб у фиқҳшуносликни ўрганди. Бу фан Шарқда жуда кенг тарқалган ва ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга эди, чунки ҳар бир мамлакатда бу фан соҳибига зарурият катта бўлган. Бу фанни пухта эгаллаган киши жуда қадрланган.

Қаффол Шоший мана шундай илм соҳиби эди. Мерос тақсим қилиш, савдо-сотиқ, олди-берди ё бўлмаса қўйдичиқди каби сон-саноқсиз жанжалли масалаларнингadolатли, тўғри ҳал қилиниши фикҳшуносликка боғлиқ эди. Буни ҳал қилиш учун фаросатли, юксак дид ва зукко, илм-матърифатдан атрофлича хабардор, замонасининг барча масалаларини ўз фикр доирасида сингдира оладиган шахслар бўлиши керак эди. Қаффол Шоший мана шундай фазилатларга эга бўлиш билан бирга, у фалсафа, мантиқ каби фанларни ҳам пухта эгаллади, уларда мунозара қиладиган даражага эришди.

Кейин у илм чашмасидан кўпроқ баҳраманд бўлиш мақсадида Яқин Ўрта Шарқ мамлакатларига саёҳат қилди. Ҳижоз, Бағдод, Дамашқ каби шаҳарларда бўлди ва у ерда замонасининг кўзга кўргинган олимларидан таҳсил олди. Шошийнинг устозларига қараб ҳам унинг қандай фанлар ўрганганлиги ҳақида маълум хуносага келиш мумкин. Тарихий манбаларининг шоҳидлик беришича, Шошийнинг фикҳшунослик ва тарих соҳасидаги устози машҳур олим ва тарихчи ат-Табарий (839-923) эди. Маълумки, Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарий Шарқ мамлакатларининг энг йирик тарихчиси бўлиб, кўп жилдли асарлар ёзган.

Қаффол Шошийнинг иккинчи устози Абул Ҳасан ибн Абу Муса ал-Ашъарий (873-941) эди. Бу киши Шарқда каломчилар оқимининг асосчиси бўлиб, бу тўғрида анчагина асарлар ёзган ва Шарқда ашъария (ҳар иккиси ҳам ислом фалсафаси – муаллиф) оқимининг асосчиси сифатида машҳур. Араб олими Тоғиддин ас-Сабкийнинг ёзишича, илм талабида бўлган «Қаффол Шоший ал-Ашъарийдан қалом илмини ўрганар экан, ўз навбатида, ал-Ашъарий ундан фикҳшуносликни ўрганди».

Қаффол Шошийнинг учинчи устози Абул Аббос Аҳмад ибн Умар ибн Сўрайж (861-928) эди. Бу киши ҳам замонасининг йирик олими бўлиб, тўрт юздан ортиқ асарлар таълиф қилган машҳур аллома эди.

Умуман, Қаффол Шоший кўп ўлжаларга саёҳат қилиб, қайси мамлакатларда зўр олим бўлса, улардан билганларини

Ўрганишга интилар эди. Араб олими Ибн Халликон (1211-1182) ўзининг «Улуг кишилар вафоти» асарида Қаффол Шоший ҳақида шуларни ёзади: Қаффол Шоший ҳадис илмини билган, тилшунос, шоир эди. Ўша вақтда Мовароуннаҳрда у кишига тенг келадиган олим йўқ эди. Бу киши Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва бошқа ўлкаларга саёҳат қилиб, ўз замонасининг машҳур кишиси бўлиб кўп асарлар яратди.

Қаффол Шоший «Адаб ал-қози» («Қози феъл-атвори») деган асар ёзган. Шу билан бирга у «Одоб ал-баҳс» деган асар муаллифи ҳамdir. Бу ҳақида араб олими Ибн Халликон шуларни ёзади: «Қонуншунослардан дастлаб чиқиб «Ҳусни Жадал» («Диалектика ҳусни») деган асар ёзган киши ҳам шу Қаффол Шоший эди».

Бағдодга келгач, Муҳаммад ал-Хоразмий асос солган «Ҳикмат дониш» («Байтул ҳикма»)да илмга машғул бўлади. Орадан бир оз вақт ўтга ч, ўзидағи фавқулодда истеъдод ва чуқур билими билан алломалар орасида шуҳрат қозонади. Айниқса, фиқҳшунослик илмига қаттиқ киришади. Зеро, фиқҳ илми мусулмон оламида кенг тарқалган ва ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият қасб этган фанлардан бири эди. У фиқҳ илмини эгаллаш билан бирга фалсафа, мантиқ, адабиёт каби фанларни ҳам пухта ўзлаштирган эди. У араб, лотин ва ҳинҷ тилларини ўз она тилисидек биларди. Бинобарин, мазкур тилларга оид мукаммал луғатлар ҳам ёзган.

Фиқҳ илмида Қаффол аш-Шоший ўз замонасида Бағдодда ягона аллома бўлиб, маълум муддатларда «Байтул ҳикма»га раҳбарлик қилган. Қаффол аш-Шошийнинг довруғи халифа Мунтасир қулоғига етиб, уни саройга таклиф этиб, вазири аъзамлик лавози мига тайинлайди. Қаффол аш-Шоший бир неча йиллар вазирлик мансабида адолатни мезон қилиб сиёsat юритди.

Манбала рининг кўрсатишича, Бағдодлик Хўжа Муҳаммад Номий деган олим Қаффол Шошийнинг қўлида ўқиган ва ҳатто у билан жуда қалин бўлиб кетган эди. Бу киши ўз оиласи билан бирга Шошийга эргашиб, Тошкентга келади ва умрининг охиригача бу шаҳарда қолиб кетади. Қаффол Шоший 976 йилда Тошкентда вафот этган.

Ҳамша ҳарлари уни илму дониш, адолатли ва фуқаропарварлиги туфайли эъзозлаб, унга мақбара бунёд этадилар. Ул зотнинг қабрлари атрофида Тошкент тарихига дахлдор бўлган машҳур ва мўътабар зотлар абадий уйқудалар.

Ҳозир Тошкентликлар иборасида «Ҳастимом» деб аталаидиган жой шу мўътабар зотга нисбат бериб айтиладиган «Ҳазрати Имом» сўзининг қисқарган шаклидир. 1541-42 йилларда нураб қолган дастлабки мақбара ўрнига ҳозирги мақбара Тошкент ҳокими Бароқхон тахаллуси Наврӯз Аҳмадхон топшириғи билан сарой меъмори Фулом Ҳусайн лойиҳаси асосида қайта қурилган. Мақбара 2007 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилади.

Суюнчхўжахон мақбараси. Бароқхон мадрасаси ҳужралари билан уйғунлашиб кетган икки мақбаранинг бири. Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги мўъжаз мақбара қурилган. Иккincinnиси мақбара мадраса ҳовлиси тўридаги пештоқли хонақоҳдан иборат бўлган бино. Мақбара XVI асрнинг 30-йилларида Бароқхон тахаллуси Наврӯз Аҳмадхон топшириғи билан сарой меъмори Фулом Ҳусайн лойиҳаси асосида қурилган.

Суюнчхўжахон. Шайбонийлардан бўлган Тошкент хони (1503-25) Абулхайрхон ва Улуғбекнинг набираси Робия Сultonbegimning фарзанди (Абулхайрхон 1412-1468 ўзбек улусининг хони). Шайбонийхон Мовароуннаҳри эгаллагач Тошкент ҳукмдорлигини Суюнчхўжахонга берган (1503). Суюнчхўжахон ўз ҳукмронлиги даврида Тошкентнинг Себзор даҳасида, ҳозирги Кайкобус (ҳозирги кунда ҳалқимиз Кайковус дейишиади) канали атрофида ажойиб бир сўлим боғ барпо қилиб, уни Кайкобус чорбоги деб атаган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» («Шарафномайи шоҳий») асарида, XVI асрда Кайкобус канали бўйида (شاҳар қўргони ташқарисида) «Кайкобус боғи» бўлганлиги ва боғда Тошкент султонлари яшаганликлари айтилади. 1515 йилда Тошкентта келган Атишер Навоийнинг шогирди Зайниддин Восифий Тошкент боғларини кўриб лол қолган ва «Тошкент боғ-роғлари васфинда» номли 120 мисрали қасида ёзган. Асарда шоир Тошкент боғларини таърифлар экан:



Қаффол Шоший мақбараси



Суюнчхўжасaxon мақбараси

*Тошкент мулкин букун таърифин этай,
Нуқталар шодасин назмга битай.
Теграсин қуршаган гўзал чорбоглар,
Алардин эрамнинг кўксидা дөглар.*

деб ёзади.

Тошкент боғ-роғларига маҳлиё бўлган шоир умрининг охригача Тошкентда яшаб қолади. У Қафмол Шоший мақ-барасида дафн этилган.

Намозгоҳ (Зарқайнар кўчаси, 45) – Ҳазрати Имом комплекси таркибидағи архитектура ёдгорлиги. 1845-67 йилларда қурилган. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари намозларини ўқиш учун мўлжаллаб қурилгани сабабли шундай аталган. Ўрта Осиёдаги ийрик масжид биноларидан бири ҳисобланган. Ҳозирги кунда бу ерда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Университети жойлашган. 2007 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Тиллашайх жомеъ масжиdi – 1857 йилда қурилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам намозхонлар билан доимо гавжум. Улар орасида масжид қурилишига бошчилик қилган Тиллашайхнинг авлодларини ҳам кўриш мумкин. 2007 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Муйи Муборак 1856 йилда қурилган. Масжиднинг бундай номланиши – Ҳазрат пайгамбаримиз Мұхаммад Мустафо (с.а.в.) нинг соchlаридан тола сақланиб қолганидан бу даргоҳ шундай деб аталган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг асосий кутубхонаси сифатида фойдаланилмоқда. Бугун ислом дунёсига маълуму машҳур Қуръони Қаримнинг нодир, ноёб нусхаси – Усмон мусҳаби шу кутубхонада сақланмоқда. 2007 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Зарқайнар – Себзор даҳасидаги маҳалла ва кўча. Ривоятларга кўра, бир гуруҳ тақводор мўмин-мусулмонлар Қафмол Шоший ҳузурларида бўлиб, дуоларини олиб қайтгандар. Ҳазратнинг дуолари ижобат бўлиб, ўша мўмин-мусулмонлар ҳовлисидан оқиб ўтган ариқларда кичик сув иншотлари бўлмиш «қайнама»ларда олтин кукуйлар сувга қўши-



Намозгоҳ масжиди



Мўйи Муборак масжиди

либ оқа бошлайди. Маҳалланинг Зарқайнар деб номланиши шундан деган гаплар бор.

Лайлакли масжид. Зарқайнар кўчасида жойлашган тарихий иштоот — Охунгузар (халқ тилида «Лайлакқўнди») деб аталган. Масжид қурилган пайтлар унинг катта гумбазига лайлаклар уя қуриб олгани сабабли маҳаллий аҳоли унга «Лайлакқўнди» деб ном берган, кейинчалик у «Лайлакли» номи билан юритилган. XIX аср охирида масжид «Охунгузар» номини олган.

Масжид биноси 1775 йили тошкентлик усталар томонидан бунёд этилган экан. У шунингдек, намоз ўқиб, ибодат қилиш билан бирга, мөҳмонлар учун карвонсарой вазифасини ҳам ўтаган. Масжиднинг умумий саҳни 13x26 метрни ташкил қилиб, шимолдан жанубга қаратиб қурилган.

Таъмирлаш жараёнидаги қазиш ишлари натижасида со-пол буюмлар — нақшлар билан безалган коса, лаган парчалари, археологик жиҳатдан эътиборга молик бўлган сув ўтказувчи бутун қувур топилди. Бу топилмалар XVII-XIX асрларга оидdir.

Шўролар даврида масжиддан жамғарма касса ва омборхона сифатида фойдаланилган. Бу даврда масжиднинг оддини тўсиб туриш мақсадида хўжалик моллари дўкони қурилган. Ёдгорлик зиёратчилар учун ёпиқ бўлган. Масжидда аzon ўқиладиган минора (мезана) ҳам бўлган.

Ночор ҳолатга келиб қолган масжид биносини тиклаш ниҳоятда мураккаб эди. 2005 йил июн ойининг охирида эса лойиҳа асосида таъмирлаш ишлари бошланди. Самарқанд ва Тошкентдан маҳсус таъмирчи усталар жалб қилинди. Республикаимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида масжид пойтахтликлар кўз ўнгига тўлиқ таъмирланиб янги қиёфага кирди. Унинг ёнида барпо этилган саккиз устунли ўймакорли ёғоч айвон ҳам бино ҳуснига ҳусн қўшди.

Ҳозирги кунда Эски шаҳарга ўзгача руҳ багишаётган ушбу тарихий бино ўтмишнинг яна бир ёдгорлиги сифатида узоқ йиллар кўрк қўшиб туришига шубҳа йўқ.


Қорасарой маҳалласи. Қорасарой кўчасида Муйин Халифабобо мақбараси (1845 йил архитектура ёдгорлиги) жой-




Пойтахтнинг кўркам иншоотларидан бири – Олий Мажлис
биноси




“Жар” спорт комплекси




Мұстакиллик майдонидаги фаворалар




Мұхташам Сенат мажмұасы



Юнусобод туманидаги Аквапарк мажмуаси



Маҳаллалар ва замонавий бинолар уйғунылиги




Сайилго ҳ күчаси



Мустақиллик майдонининг бугунги манзараси



Қатағон қурбонлари хотирасига атаб қўйилган ёдгорлик



Тиллашайх масжиди гумбазининг ичкى кўриниши



Абдулла Қаҳҳор ҳайкали



Ўзбек палови – жаҳонга машҳур




Равон йўллар бизни мақсадга етаклайди




Мустақиллик ва әзгулик монументи



Миллий банк биносининг умумий кўриниши



Ўзбекистон Ҳалқлари Тарихи музейи



Ўзбекнефтгаз биноси



Тилгаймайх масжиди



Лайлак құнды масжиди

лашган. Мақбара ичида икки сағана бўлиб, унга халифа-нинг ўзи ва ўғли Умархон дағн этилганлар. Ўзбеклар тар-кибига киргтан қабилалар орасида Сарой қабиласининг катта уюшмаси бўлиб, у бир қанча қабила ва уруғларга бўлинган. Жумладан, Аз-сарой, Қорабоғсарой ва Қорасарой қабилар. Қорасарой номи шундан. Шаҳарнинг Қорасарой дарвоза-сини қўриқлаш қорасаройликларга топширилган. Бу ҳудуд-даги қадимий кўча ҳам шу ном билан аталади. Маҳалла қаби кўча ҳам қадимий ҳисобланади. Кўчада Фойиб ота (1880 йил) қабристони мавжуд.

Эскижўва – Охунгузар, Жангтоҳ, Пуштиҳаммол, Тинчоб, Сағбон маҳаллалари билан чегарадош бўлган ва аҳолиси асо-сан савдо-сотиқ билан шугулланган. Маҳалла ҳудудида, кар-вонсарой, Бекларбеки мадрасаси, масжидлар, жумладан, ўтган асрнинг ўрталарида Шайхонтоҳурга кўчирилган Хотин масжид, Жўваҳона ва бошқа баққоллик дўконлари бўлган.

Ҳозирги Эскижўва маҳалласи ўрнидаги Эскижўва майдони (1956-91 йилларда Калинин майдони) бўлган. Қадим-да маҳалланинг бундай номланиши, бу жойда Жибахона (Ҳарбий аслаҳалар сақланадиган жой, Жиба «совут» деган маънони билдиради) бўлганлигидан. Вақтлар ўтиши билан Жибажўва кўринишини ва янги Жибахона қурилиши му-носабати билан Эски сўзи кўшилган.

Тахтапул Тешикқофқа, Тарновбоши, Кохота маҳалла-лари ва Чилтуғон мавзеси билан чегарадош бўлган, бир чек-каси шаҳар девори билан туташган. Кайкобус ариғига ёғоч кўприк қурилиши муносабати билан маҳалла Тахтапул но-мини олган. Шунингдек, Зарқайнар ва Дарвоза оралигидаги кўча ҳам шу ном билан атала бошланган. Кўча 1960 йил-дан шу кўчада яшаган уруш қаҳрамони генерал-майор Собир Раҳимов номи билан аталган. Ҳозир кўча деярли қол-маган.

Тешикқофқа маҳалласи. Тешикқофқа қабристони ша-ҳар мудофаа деворидан ташқарида бўлган. Шаҳар ташқа-рисидаги мавзеларига ва қабристоннга боришга қийналиб қолган аҳоли аризасига кўра хоннинг рухсати билан, ша-

ҳар мудофаа девори от ва одамлар ўтадиган даражада тешилиб, қопқоқ яни эшик ўрнатилган. Тешикқопқани назорат қилиб турыш шу атроф маҳалла зиммасига юклатилган. Номи шундан.

Тешикқофқанинг яна Дарвишакқофқа деб аталиши, бу тешикнинг Дарвишхон замонида (XVI аср) ва унинг рухсати билан очилғанлигига ишора бўла олади. Айрим олимларнинг фикрига кўра, қофқа душмандан ҳимояланиш мақсадида очилган. Чунки шаҳарда қофқаларнинг борлиги ниҳоятда сир тутилган.

Чувалачи Тешикқофқа, Чигитбоши, Кадувот, Ҳасанбой маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Маҳаллада 100 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси асосан ўзбеклар бўлиб, ҳунармандчилик, бодорчилик ва дәҳқончилик билан шуғулланган.


Чубаланчи қурама ўзбекларнинг Тама қабиласига мансуб Ойтамғали уруфининг шоҳобчаси. Қурамалар ва қипчоқдарнинг Чубаланчи деган уруғи бўлган.

Тожикча «катта қоп», яъни канор маъносидаги сўзидан жувол келиб чиқсан. Яъни «Жўваловчи». Ҳозирги Чувалачи деган ҳудуддан маскан топган қабиланинг асосий касби кори қанор тўқиши бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Жўваловчи оғзаки тилимизда Чувалачи шаклини олган.


Құмлоқ маҳалласи Кайкобус ариғи ва Қорасарой кўчасининг ўнг томонидаги маҳалла. Айрим қадимшуносларнинг фикрича, ариқ қадимда ҳозирги Қорасарой кўчаси бўйлаб тарқоқ ҳолда оққан. Шайбонийлар даврида ҳозирги ўзани бўйича йўналтирилиб, атроф ҳудудда мевазор боғлар барпо қилинган. Құмлоқ ва тошлоқ бўлиб қолган ариқнинг эски ўрнида ҳозирги маҳалла бунёдга кела бошлайди. Маҳалланинг номи шундан.

Жангоб маҳалласи. Эски жўва, Гиштмасжид, Хадра, Чуқурқишлоқ маҳаллалари билан чегарадош бўлган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида шаҳар 4 қисмга бўлинib кетади. Ҳар бир дача (Кўкча, Шайхонтоҳур, Себзор ва Бешёғоч) алоқида ҳоким томонидан бошқариладиган бўлган.

Муҳаммад Солиҳнинг «Тошкентнинг янги тарихи» номли асарида келтирилишича, чорҳокимлик даврининг сўнгги



Дор ўйини



Кураш

йилларида Шайхонтоҳур даҳасида Юнусхўжа, Бешёғоч даҳасида Дониёрхўжа, Кўкча даҳасида Исоқхўжа ва Себзор даҳасида Шоҳбек (Шобек) лар ҳокимлик қилишган.

Даҳа ҳокимлари муҳим масалаларни, айниқса ташқи душман хавфини биргалашиб ҳал қилганлар. Аммо ҳокимларнинг ўзаро низолари кучайиб, кўпинча тўқнашувларга сабаб бўларди. Бундай пайтларда шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Лабзак сувининг икки тарафи жанг майдонига айланарди. Ҳозирги Абдулла Қодирий номли истироҳат боғидан оқиб ўтадиган Лабзак суви Жангоб, сувнинг икки томонидаги майдон эса «Жанггоҳ», яъни жанг майдони номи билан шуҳрат топганди.

Ўзаро жаңгларга шаҳар аҳолиси ҳам жалб қилинарди. Фақат Чорсу бозори бетараф ҳисобланниб, жанглар вақтида ҳам савдо-сотиқ давом этарди. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, 1613 йилда Бухоро хони Имомқул қўзғолон кўтарган шаҳар аҳолисидан ана шу жойда қонли ўч олган. 1847 йилда бу ерда яна катта жанг бўлиб ўтади. Кўён хонининг ноиби Азиз парвоначининг аҳолига ноҳақ солиқ солиши қўзғолонга сабаб бўлган.

Маҳалла ва ариқнинг Жангтоҳ ва Жангоб деб номланиши 1784 йилда Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа томонидан якка ҳокимликни қўлга киритишда бўлган ҳал қилувчи жанг сабаб бўлган.

1932 йилда Жангтоҳ яланглиги ўрнида (14 гектар майдонда) Эски шаҳарда биринчи истироҳат боғи барпо қилинади. Боқقا гарчи дастлаб Ақмал Иқромов, кейинчалик А.С.Пушкин номи берилган бўлса ҳам узоқ йиллар ҳалқ оғзида Жангоб бўлиб қолаверди. Ҳозир маданият ва истироҳат боғи Абдулла Қодирий номи билан аталади.

Регистон маҳалласи. Чорсу бозорининг Себзор даҳаси ҳудудидаги дастлабки маҳаллаларидан бири бўлган. Маҳалла сифатида IX асрда вужудга келган. Жувахона, Жанггоҳ, Гулбозор каби маҳаллалари ва Чорсу бозори билан чегарадош бўлган. Жангоб ариғининг ҳозирги бозор марказидан ўтадиган жойлар пастликлардан иборат бўлганлиги учун сув тошқинлари бу ерларни қўмлоқ ва тошлоққа айлантирган.

Қумлоқ сўзи форсийда «регистон» маъносини англатади. Маҳалланинг номи шундан.


Ўтган асрнинг 40-йилларида бу маҳалла аҳолиси кўчирилиб, ўрнида Спартак стадиони қурилган. Ўтган асрнинг 60 йилларидан стадионнинг бир қисми бозор таркибига қўшилиб кетади, қолган қисмida ҳозирда шаҳар йўловчи транспортларининг шоҳбекати жойига айлантирилган.

Чилтўғон маҳалласи. Қадимда Тахтапул маҳалласининг мавзеси бўлган. Ҳозир Собир Раҳимов туманига қарашли маҳалла. Маҳалланинг дастлабки ва сўнгги номи Чилтўғон. Советлар даврида Красный партизан, Янги ҳаёт ва Абдували Қаюмов номлари билан аталган. Маҳаллада республика санъат музеининг собиқ директори, уруш қаҳрамони, халқ рассоми Сами Абдуллаев яшаган. Маҳалланинг асл номи Чилчўп тўғон бўлиб (қирқта ёғочдан ясалган тўғон маъносида), ўрга асрларда шу ҳудуддан ўтган Кайкобус канали устига қурилган. Себзор даҳаси ва унинг атрофини сув билан таъминловчи сув айиргич бош тўғон бўлган. Маҳалла номи шундан. XIX асрнинг 20-йилларида Қўқон хонлиги ҳукмронлиги даврида мавзе ҳудудида ёнғоқзорлар барпо қилинган.

Юнусобод тумани. XIX асрнинг 50-йилларида Тахтапуллик Юнусхожи исмли савдогар Чинобод, Чоштепа ва Оқтепа деган жойларда бўш ётган бўз ерларни ўзлаштиришни бошлаб юборади. Юнусхожи обод қилиб сув чиқарган ерларида катта-катта токзор ва мевали боғлар барпо қиласди, салобатли қўргонлар, карвонсаройлар қурдиради. Оқтепа арифи (олдинги Алвасти кўприк, Фиштхумдон ҳозирги Шаҳристон) кенгайтирилиб, бутун қишлоқ ерлари сув билан таъминланган. Юнусхожи бўз ерларни ўзлаштириш ишларига Тахтапул ва атрофмаҳаллаларни жалб қиласди. Ошларни наҳорда, бомдод намозидан кейин беришни шахсий намуна сифатида бошлаб беради. Яна далага борадиганларга тушлик учун тугун тугиб беришни ҳам унутмайди. «Одатда тугунда иккита нон орасига солинган ош ва шириналар



Маҳсидўзлик кўчаси



Собиқ Ёш томонлабинлар театри

бўларди. Щу-шу Тошкент ҳудудига наҳорга ош тортиш одат тусига кирған», дея эсларди қариялар. Ҳозирги Чимкент йўлидаги жойнинг Юнусобод ва ўша ердаги археологик ёдгорлиги Юнусобод Оқтепаси деб номланиши Юнусҳожидан ёдгорлик бўлиб қолган.

1971 йилда шимолий турар – жой массиви Юнусобод деб атала бошланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 8-майдаги Қарори билан Киров райони Юнусобод тумани деб ўзгартирилди.

2001 йилда Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳомийлигида Юнусҳожи авлодларидан бўлмиш Сайд Каримнинг муаллифлигида «Юнусобод» номли китобчасининг Академик нашри чоп этилди.

Юнусобод Оқтепаси. Бу кўхна обида Тошкентнинг ўтмишига оид ёдгорликлардан бири ҳисобланади. У асрда бу ерда ўз даврига монанд қалъа – шаҳар қад ростлаган. У асосан пахса ва ҳом гиштдан тикланган. Деворлари сопол плиталар билан Безатилган. Марказий қароргоҳ, мудофаа иншотлари ва ҳарбий мезаналар воситасида мустаҳкамланиб, теварак атрофи сув тўлдирилган хандақлар билан ўраб олинган. Шаҳарчада ҳунармандчилик, меъморчилик ва боғдорчилик ривожланган. Аҳолининг аксарият қисми меҳнат ва жанг қуроллари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқ билан шуғулланган.

Ёдгорликни қазиши ишлари Иккинчи жаҳон уруғийилларида ёки бошланган. Бу тарихий ёдгорлик қадимги Чочнинг илгари маълум бўлмаган саҳифаларини очиб берди. Қазишималар пайтида Чочнинг илк ўрга асрларга оид турли моддий-маданий буюмлари, металлдан ишланган меҳнат қуроллари ва қурол-аслаҳалар, шиша ва сопол идиш – товоқлар, безаклар, ўйинчоқлар ҳамда тангалар топилган.


Арк пештоқи ва минора панжарасини безаб турган архитектура деталлари – сопол кунгурулари, нақшинкор безак парчатари ҳам топилган. Тангалар, кучли ёнғин изларига қараганда арк VIII аср чорагида араб халифалигининг Чочга қилган истилоси вақтида вайрон бўлган. Арк атрофидаги қишлоқ азалдан мудофаа деворлари билан



Юнусобод Оқтепасини қазыш ишларидан кейинги лавҳалар



Юнусобод оқтепаси



Консервация лойиҳаси

ўралмаганлиги учун шаҳарга айланиб улгурмасдан ҳало-
катга учраган. Шаҳар харобалари ўрнида ҳаёт VIII аср-
нинг иккинчи ярмида қайта жонланган. IX-XII асрларда у
Бинкаг вилоятининг мустаҳкамланмаган қишлоқларидан
бiri бўлиб, мўғул босқини туфайли XIII асрда инқирозга
учраган.

Кейинги юз йилликларда эса табиий кучлар таъсирида
батамом нураб, ўн икки тепаликлардан иборат харобалар-
га айланади. Шунга қарамай, ўз тарихий-маданий аҳамия-
тини йўқотмайди. Зеро, Оқтепа ва ундан топилган қазилма
ёдгорликларнинг қадр-қимматини ҳеч қандай бойликка тенг-
лаштириб бўлмайди.

Мустабид тузум кулфатидан Оқтепа ҳам бебаҳра қолма-
ди. Уни табиий сақлаб қолишга ҳеч қандай эътибор берил-
мади. 1966 йилда Тошкент зилзиласидан кейин унга тегиши-
ли майдоннинг бир чеккаси шаҳар чиқиндиҳонасига айлан-
тирилди. Рост, бу ёдгорликни сақлаб қолишга бир-икки ури-
ниш ҳам бўлди. Тегишли қарор қабул қилиниб, зарур чора-
тадбирлар белгиланди. Чунончи, Тошкентнинг 2000 йиллик
юбилейи муносабати билан у юбилей иншоотлари сирасига
киритилди. Таассуфки, эзгу мақсадлар йўлида бошланган
иши ўлда-жўлда қолиб кетди. Ҳозирги пайтда «Олтин Ме-
рос» ҳалқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими
то монидан ёдгорлик атрофида ободонлаштириш, қадимиий
Ҳасанариқни тиклаш, айланма ва сўқмоқ йўлларни қуриш,
ахлатхоналарни йўқотиш каби бир қанча ишлар амалга
оширилиб, бу кўҳна замин тупроғида мевазор боғлар яра-
тила бошланди.

Ёбу, Жобу – ўзбек уруғларидан бирининг номи. Ўзбек-
лар орасида кичик гуруҳни ташкил этган. Ёбулар қозоқлар
та рикибида ҳам мавжуд бўлган. Чорвачилик билан шуғул-
ланганлар. Чорвачилик билан шуғулланадиган мавзелари
ҳам шу ном билан аталган. Манбаларда ёбулар жангари ҳалқ
бўлганлиги қайд этилган. Бу борада Шайбонийнинг қуиди-
даги мисралар билан бошланувчи шеъри эътиборга сазо-
вордир:

*Сүгд ичидә ўлтирурлар ёбулар,
Ёбуларнинг минган оти ёбулар,
Ёбуларнинг илгидан эл тинмади.
Ёбулар турсин бу элда, ё булар.*

Бу туюқда ёбуларнинг Сүгдда яшаганликлари ва уларнинг ёби от миниб, бошқаларнинг тинчини бузганликлари ҳикоя қилинади .

ШАЙХОНТОҲУР ДАҲАСИ

Шайх Умар Богоистонийнинг ўғли, илоҳиёт ва тариқат илмининг йирик намоёндаларидан бири, улуғ валиуллоҳ Шайх Ҳованди Тоҳур (XIV аср) номи билан аталади.

Даҳада шаҳарнинг учта дарвозаси (Қўймас, Қўқон ва Қашқар) бўлиб, улар Янги ўрда қурилган вақтда ўрнатилган. Шаҳар ташқарисидаги ерлар (Оққўрғон, Ялангоч, Қорасув, Бўз, Шўргепа ва бошқа мавзелар)да деҳқончилик ва боғдорчилик қилинганди. Даҳа 70 масжид, 5 мадраса, 70 маҳалла, 31 мавзе ва Чорсу бозорининг бир қисмини ўз ичига олган.

Даҳанинг асосий тарихий аҳамиятга эга бўлган қисми Шайхонтоҳур комплекси. Энг қадимий кўчаси ҳозирги А.Навоий номидаги шоҳкӯча.

Шайхонтоҳур меъморий ансамбли. Меъморчилик иншоотлари туркумидан ташкил топган, 600 йилдан ортиқроқ тарихга эга сабиқ Шайх Ҳованд Тоҳур қабристони номи билан аталувчи зиёратгоҳга ҳозирги Алишер Навоий номли кўча орқали Тархи чортоқ шаклидаги дарвазадан кириларди.


Дарвоза 1892 йилда салобатли, кўркам гумбазли, баланд пештоқ қилиб, пишиқ фиштдан қурилган бўлиб, ичидан айланма зина билан томга чиқилган. Ҳайит ва Наврӯз байрамларида дарвоза томида чалинган карнай-сурнай ва ногора садолари шаҳар аҳлини Шайхонтоҳур зиёратгоҳида ўтадиган миллий байрам сайтига чорлаб турган. Дарвозанинг қўштабақали ёғоч эшигига ўзбек миллий санъатининг сўнгги ютуқлари мужассамлашган эди. Ўтган асрнинг 40-йилларида А.Навоий кўчасининг кенгайтирилиши муносабати билан дарвоза олиб ташланган.

Илгари шаҳарнинг энг гавжум ва файзли жойларидан бири бўлган бу зиёратгоҳ ҳудудида ўнлаб меъморчилик ёдгорликлари, атрофи баланд дараҳтлар билан ўралган шифобахш булоқли лангар ҳовуз ва савдо-сотиқ расталари зиёратгоҳга файз бағишилаб турган.

Зиёратгоҳ 1924 йилда шўролар томонидан ёпиб қўйилган. Шайхонтоҳур дарвозасининг ўнг томонида Тошкент



Шайхонтоҳур қабристони



Шайхонтоҳур ва Қалдирғочбий мақбаралари

ҳокими Лашкар бегларбенинг тўнгич ўғли Эшонқул дод-хоҳ номи билан аталувчи мадраса (XIX асрнинг 40-йилларида) бунёд этилган. Мадраса ўтган асрнинг 60-йилларида А.Навоий кўчасининг кенгайтирилиши туфайли бузиб ташланган. Мадраса биносида 1884 йилда рус-тузем мактаби очилган. Шўролар даврида бинога киностудия жойлаштирилган. «Алишер Навоий», «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин Бухорода» каби бадиий фильмлар шу бинода суратга олинган.

Шайхонтоҳур зиёратгоҳига кираверишда ўнг томонда Занжирлик масжид (масжид Шайхонтоҳур даҳа Занжирлик маҳалласига тегишли бўлган) жойлашган. Шу томонда Лангар ҳовуз ёнида Хотин масжид бўлган. Масжид 1947 йилга қадар Эскижўва майдони рўпараси, Сагбон кўчасининг бошланиш қисмида бўлган. 1947 йилда 1-троллейбус айланасининг қурилиши муносабаги билан бузилиб Шайхонтоҳур зиёратгоҳига кўчириб келтирилган. Масжид 1966 йилгача болалар кутубхонаси вазифасини ўтаган, ўзининг нодир ўймакорлиги, нақшлари билан архитектура ёдгорлиги сифатида қимматли бўлган ва 1967 йилда бузиб юборилган.

1908-10 йилларда Намангандик Ҳожимат эшон томонидан Қалдирғочбий ва Шайх Хованд Тоҳур мақбараларини бирлаштириб. Оврат масжид қурдирган. 1966 йилги Тошкент зилзиласи туфайли вайронна ҳолга келиб қолган масжид биноси 1975 йилда Шайхонтоҳур меъморий ансамблини ободонлаштириш муносабати билан бузиб юборилган. Юнусхон мақбарами ёнида шу ном билан аталувчи мадраса, мадрасанинг ўнг томонида Фариббой ва Сайдазимбойлар томонидан ким ўзарга қурилган бир-биридан муҳташам зиёратгоҳ кўринишининг файзига файз қўшиб турган. Тошкентнинг энг салобатли мақбараларидан саналган Юнусхон мақбарамининг шарқий қисмида «Кўк йўтал ота», «Қабз ота» мақбаралари яқинида шифо излаб келган зиёратчиларнинг кети узилмаган. Бу обидалар ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида буздириб юборилган.


Эндилиқда Шайхонтоҳур меъморий ансамблидан фақат учта мақбараларгина сақланиб қолди. Булар: Шай Хованди Тоҳур, Қалдирғочбий ва Юнусхон мақбаралари.



Хотин масжид ва Лангар ҳовуз



Үнгда Оврат масжид




Шайхонтохур зиёратгоҳи дарвозаси

Шайх Хованд Тоҳур. Мамлакатимиз қолаверса, Марказий Осиё халқлари учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ сифатида маълум ва машҳурдир. Бу муқаддас ва эъзозли даргоҳ Тошкент шаҳри тўрт даҳасининг бири ҳисобланиб, қадимдан Шайх Хованд Тоҳур даҳаси деб аталган. Мустақилликка эришилгунга қадар бу дағоҳ жуда кўп тарихий воқеа ва ҳодисаларни бошидан кечирди. «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт булоқларидан оққан томчилар») номли асарда ёзилишича, Шайх Хованд Тоҳур илоҳиёт ва тариқат илмининг йирик намояндаларидан бири бўлган. Шайх Хованд Тоҳур асли Бўстонлиқ туманидаги Бофистон қишлоғидан бўлиб, бофистонлик машҳур мутасаввуф Шайх Умар Бофистонийнинг ўғлидир.

Шайх Хованд Тоҳур ўша давр ислом оламида ўз йўналишига эга бўлган «Яссавия» тариқати йўлидан бориб, мазкур тариқат маслакдошларидан бир нечтаси билан мулоқотда бўлиб, фойдали йўл-йўриқлар олади. Ул зот кўп йиллар давомида бузруквор алломалар мулозиматида бўлиб, илми зоҳирий ва илми ботиний сир-синоатларидан воқиф бўлади. Ўзининг илмий етуклиги жиҳатидан кароматгўй алломалар орасида юксак ма вкега эга бўлади. Шайх Хованд Тоҳурнинг таваллуд топган йиллари ҳақида ҳозиргача манбаларда аниқ маълумот учрамайди. Аммо ул мўътабар зотнинг вафот этган йилларига қараб, ҳар ҳолда XIII асрнинг охирларида таваллуд тогиган бўлсалар керак, деб тахмин қилса бўлади. Ривоят қилинишича, буюк аллома Шайх Умар Бофистоний кўп йиллар давомида фарзанд кўрмай, кунлардан бир кун ўз завжайи муҳтарамлари билан бирга Имом Абубакр Қаффол Шошийнинг муқаддас мақбаралари – ҳозирги Ҳазрат Имом мақбарасига зиёратга келишиб, Оллоҳ таолодан фарзанд ато этишни илтижо қилиб сўрашган экан. Шундан сўнг улар фарзанд кўришган экан. Бола туғилгач Шайх Умар Бофистоний чақалоқ билан Имом Абубакр Қаффол Шошийнинг мақбараларига яна зиёрат қилиш учун келгланлар. Улар мақбарарага яқинлашган ҳамоно мақбара томига қўниб ўтирган бир гала кабутарлар бараварига учиб ҳавога кўтарилишган уларнинг қанот қоқиб учишидан «Ат-



*Күёвнавкарлар. Зарқайнар күчасидан
Эски Жұва майдонига циқиша*



Шайх Хованди Тоҳур мақбараси

Тоҳур» деган овоз садоси янграган. Шайх Умар Богоистоний бу овозни айни вақтда башиборат деб билиб, чақалоққа Хованд Тоҳур деб исм қўйган эканлар. Хованд Тоҳур – пок шайх деган маънони билдиради. «Рашаҳот»да ёзилишича, Шайх Хованд Тоҳур тасаввуфга оид айрим иборалар, жумладан, «тавҳид» ва бошқа муаммоларни шарҳлаганлар, шунингдек, шеърлар ҳам ёзганлар.

Шайх Хованди Тоҳур мақбараси. Шайх Хованди Тоҳурнинг вафот этган йили 1355 йилга тўғри келади.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳожа Аҳрор Валий Шайх Хованд Тоҳур қабрлари устига икки бўлимдан иборат мақбара қурдиради. Дарвоҷе, Ҳожа Аҳрор Валийнинг оналари Ҳожа Довуднинг қизлари эди. Ҳожа Довуд эса Шайх Хованд Тоҳурнинг ўғиллари эди. Аммо мазкур мақбара замонлар ўтиши билан путурдан кетиб, нураб бизгача етиб келмаган. Ҳозирги мақбара эса эски мақбаранинг тархи ва лойиҳаси асоси да XIX асрда қайтадан қуриб тикланган. Мақбара ўзини нг кўриниши ва ҳажми жиҳатидан кичик ҳамда камтаронга безакка эга. У ҳам икки бўлимдан иборат бўлиб, усти гумбаз билан қопланган. Мақбаранинг чап томонидаги тошқотиб қолган сарв дараҳти бу ер дастлаб усти очиқ қабр бўлғанлигидан далолат беради.

Гўрхона ичига Хованд Тоҳурдан бошқа – ул зотнинг илоҳиёт ва тариқат илмидан сабоқ олиб, етук каромат соҳиби бўлиб етишган Довуд исмли ўғиллари, 1810 йили вафот этган Тошкент ҳокими Юнусхўжа ва унинг ўғли Тошкент ҳокими Султонхўжаларнинг ҳам қабрлари жойлашган. Шайх дафн этилган мозор тез орада зиёратгоҳга, мақбара атрофида эса аста-секин янги-янги сафана ва қабрлар пайдо бўлиб, шаҳарнинг энг катта ва муқаддас қабристонига айланди. Шаҳардаги нуфузли кишиларнинг жасадларини мазкур қабристонга қўйиш одат тусига кирган. Бу қабристондан ўрин олган марҳум ва марҳумалар юксак даражада эъзозланган. Жумладан, Тошкентта бостириб келган рус босқинчилариға қарши бўлган, жаңгда маҳаллий қўшинларга қўймондонлик қилган ва 1865 йилнинг 9-майида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Султон Сайднинг лашкарбошиси

Алимқұл ўлыми олдидан илтимосига күра Шайхонтоқұрга дағын этилади.

Мақбара 1980 йилда қисман, мустақиллик йилларида тұлық таъмирдан чиқарылған.

Юнусхұжа Шайх Хованд Тоқур мақбараси ичидә Хованди Тоқур ва ул зотнинг Довуд исмли ўғилларидан ташқары XIX асрнинг бошида вафот эттан Тошкент ҳокими Юнусхұжа ва унинг ўғли Тошкентнинг сүнгги ҳокими Султонхұжсаның ҳам қабрлари жойлашган. Зоро, Юнусхұжа Шайх Хованди Тоқурнинг авлодларидан эди.

XVIII асрнинг иккінчи яриміда Тошкент «Чоржокимлик» номи билан мағлум бўлған бу даврда даҳалар ўртасидаги ўзаро низолар шаҳар хўжалигини, унинг ташқи ва ички савдосини издан чиқарған.

Даҳа ҳокимларининг узлуксиз давом этган ўзаро урушлардан тинкаси қуриган ва бу қурашдан Шайхонтоқұр даҳасининг ҳокими Юнусхұжсаның құли баланд келаётганини кўрган шаҳар аҳолиси шаҳардаги бошқа ҳокимларни ағдариб, Шайхонтоқұр хўжаларидан бўлған Юнусхұжани шаҳар ҳокими қилиб кўтарди. Бу воқеа XVIII асрнинг 80-йилларида юз берди. Шу тариқа Тошкентда ягона сиёсий ҳокимият ўрнатылди.

Шайх Хованд Тоқур ҳудудида бир неча юз йиллик азamat чинорлар бўлиб, улар остида шийпонлар, чойхоналар, ҳар хил ширинлик ва турли-туман матолар билан савдо қилалигдан дўйконлар, ошхоналар ҳамда томошабинлар учун махсус қурилган болохоналар ҳам бўлған. Дастлаб Юнусхұжанынг роғийиши ва истаги билан Шайх Хованд Тоқур майдони шаҳарликларнинг энг мұқаддас зиёратгоҳи, ҳайит, байрам ва сайилларда турли-туман ўйин-кулгу ва кўнгилочар томошалар ўтказиладиган сайилгоҳга айланади.

Шаҳар девори қайта тикланади ва Тошкентни Россия шаҳарлари билан боғлайдиган шимолий-ғарб тарафдаги шаҳар, қишлоқ ва Катта Жуз элатларини бўйсундиришга киришилди. Бир неча юришлардан кейин 1796 йилга келиб улар Чимкент, Сайрам, Олтинтепа, Қорабулоқ, Сарапан ва бошқа ўнга яқин қишлоқлар, шунингдек, Катта Жуз уруғла-

ридан Усун, Санчиқли, Сара, Сергели ва бошқалар бўйсундирилди.

Орадан яна уч-тўрт йил ўтиб, Юнусхўжа Катта Қозоқ Жузи устига қилган юришларини тугатди. Туркистон ва унинг атрофидан то Чув дарёсигача бўлган ҳудуд Тошкент ҳукумати тасарруфига ўтди. Тошкент вилоятининг шимолий-ғарбий чегараси Чув дарёси яқинидаги Қоракўл деган жойдан белгиланади.

Юнусхўжа ўзига тобе бўлган Катта Жузда хонлик мансабини тугатиб қозоқ уруғларини идора қилишни улардаги бий ҳамда йирик феодал вакиллари топширади. Шу йўл билан у қозоқ феодаллари орасида ўзига ишончли таянч кучлар яратади. Чунки, Юнусхўжа марҳаматига ноил бўлган ва маҳаллий ҳокимиятни қўлга олган қозоқ феодаллари Тошкент ҳукуматини ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватларди. Катта Жуз уруғлари Тошкент ҳукуматига закот тўлаши, айниқса, Юнусхўжа қўшинида хизмат қилишга мажбуриги шу жиҳатдан муҳим эди.

Юнусхўжа қўшинининг алоҳида бўлинган ҳар бир қисмida 200 дан 1000 тагача сипоҳ бўлган. Ҳар қайси қисмida турли рангли ипак газмолидан тикилган байроқ бўлиб, уларга ҳоким томонидан қўйилган хўжа мутасаддилик қилган. Ҳоким бош қўмондон ҳисобланган.

Қўшин ўқ-ёй, наиза, қилич билан қуролланган. Шунингдек, уларда 5 та замбарак, 20 га яқин чўян ва темирдан ясалган, туяга ортиб юрилиб унинг устида турган ҳолда отиладиган кичик тўплар ҳам бўлган.

Қўқон хонлигининг Россия билан алоқа ўрнатишида Тошкент ғов бўлиб қолган эди. Тошкент ғов бўлиши ҳамда муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган Тошкент вилоятини эгаллаш зарурияти Норбўтабий (1774-1799) ва сўнгра Олимхон (1799-1809) олдидা муҳим вазифа бўлиб турар эди. 1799 йилда Қўқон хонлигининг Хонхўжа етакчилигидаги қўшини Тошкентга қарши юриш бошлади. Бундан хабар топган Юнусхўжа ўз қўшинлари билан қўқонликларга қарши чиқиб, Чирчиқдан узоқ бўлмаган Қорасув ёнида уларга қаттиқ зарба берди. Хонхўжа бошлиқ 70 дан ортиқ Қўқон ҳарбий бош-

лиқларини асир олиб қатл эттиради. Фалабадан сўнг Тошкент вилоятининг Сирдарё бўйларидан то Чув дарёси бўйлагача бўлган ерларни қамраб олди. Юнусхўжа 1800 йилнинг кузидга Қўқонга қарши юриш бошлайди. Сирдарё бўйидаги Фурумсарой яқинидаги тўқнашувда Юнусхўжа катта талофатга учраб бир гуруҳ яқинлари билан Тошкентга қайтади.

Тошкент тарихига оид муҳим манба ҳисобланган «Тарихи жадидайи Тошканд» асарининг муаллифи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг ёзишича, Юнусхўжа мағлубиятга учраган ҳарбий юришларидан сўнг сил касалига мабтало бўлган, орадан кўп ўтмай вафот этган. Шундан сўнг ҳокимлик таҳтига унинг катта ўғли Султонхўжа кўтарилди. Юнусхўжа вафотини эшитган Олимхон укаси Умархон бошчилигида Тошкентга қўшин юборади. Улар тўғридан-тўғри ҳужум қилмасдан шаҳар атрофидаги қишлоқларни талаш ва экин майдонларини паймол қилишга киришади. Икки ўргадаги уруш ҳаракатлари узоқ давом этиб, 1809 йили Тошкент Олимхон томонидан бўйсундирилиб, Қўқон хонлигига қўшиб олинади.

Тошкентнинг чорак асрлек (1784-1809) сиёсий мустақиллик даври шу тариқа ниҳояланади ва у то Россияга қўшиб олингунга қадар Қўқон хонлигига қарам бўлди.

Тошкент вилоятида чорак асрлек ўрнатилган тинчлик, осойишталик, энг муҳими, қўлга киритилган мустақиллик жойларда, хусусан Тошкент шаҳрида ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш имконини берганди.

Юнусхон мақбараси Шайх Хованд Тоҳур мақбарасининг шимоли-гарбий тарафида яна бир мақbara Юнусхон (1416-1487) мақбараси мавжуд. Бу мақbara қурилиш услуби жиҳатида и нафақат Тошкентда балки Республикамиз ҳудудида Темурийлар даврига оид бўлган энг қадимий ва камёб обидадир. Мақbara Юнусхон шарафига унинг кичик ўғли Султон Аҳмад томонидан 1487-1502 йиллар мобайнида қурилган. Мақbara 1975-80 йилларда қисман ва мустақиллик йилларида тўлиқ таъмирдан чиқарилган.

Юнусхон (1485-1487) – Тошкент ҳокими. Мўгулистон хони Вайсхонинг ўғли, Бобурнинг онаси Қутлуг Нигорхо-



Юнусхон мақбараси



Занжимирлик масжиди

нимнинг отаси, яна бир набираси Хўб Нигорхонимнинг ўғли Мирза Муҳаммад Ҳайдар Қашқарда, сўнг Каширида Бобурйлар номидан ҳукмронлик қилган. Холаваччаси Бобурга ўхшаб Бобурноманинг давоми сифатида «Тарихи Рашидий» номли тарихий асар ёзган. Асар Абдурашидхон ибн Султон Сайдхон ибн Юнусхонга атаб ёзилган. Шунингдек, «Жаҳоннома» номли географик асар ёзгани ҳам маълум. Тадбирли лашкарбоши бўлган.

Юнусхон Хурросонда Шарафуддин Али Яздийдан таълим олган. Али Яздий вафотидан сўнг Ироқ ва Эронда касб-ҳунар эгаллаган. Шерозда яшаб уламолар мажлисларида қатнашган. Бу ерда у «Уста Юнус» номи билан машҳур бўлади. Абу Сайд Мирзо Юнусхонни чақиририб Жетикент, Фарғона ва Еттисув ҳудудини бошқаришни топширади. 1462 йилда акаси Эсон Буғахон ўлимидан сўнг Мўгулистон таҳтига ўтиради. Ўзаро таҳт талашишлар натижасида оғир аҳволда қолган Юнусхонга Ҳожа Аҳрорнинг аралушуви билан Тошкент шаҳри ва вилоятини бошқариш олиб берилади. Қисқа мuddатли ҳукмронлиги даврида у Тошкентда масжид ва мадрасалар, мустаҳкам истеҳкомлар қурдиради. 1487 йил вафотидан сўнг таҳтга ўғли Султон Маҳмудхон ўтирган.

Қалдирғочбий мақбараси. Шайхонтоҳур қабристонининг шимолий томонида жойлашган бу мақбара қачон, ким томонидан қурилганлиги-ю, бу ерга ким ва қайси даврда дафн этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолмаган.


Фақат «Абдулланома» асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бужорийнинг берган маълумотига қараганда, Қалдирғочбий Ҳожа Аҳрор Валийнинг авлодларидан бўлиб, у Мўгулистонда ҳукмронлик қилган. Лекин археологик маълумотларга қараганда, ёдгорлик XIV асрда қурилган, деб таҳмин қилинади. Албатта, ким, қачон кўмилганлиги но маълум обида тўғрисида турли хил ривоятлар тўқилиши табиий. Шу сабабли ёдгорликнинг номи ҳам Қалдирғочбий, Қалдирғочбиби, Қалдирғочбой ва бошқа турли номлар билан аталиб келинган. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ёнига юридик институт қурилади. Мақбарадан тур-

ли мақсадларда фойдаланилади. Натижада мақбарадаги ўрнатылған нақшинкор арабий ёзуви мартартош чиқариб ташланади. Шу билан қимматбақо маълумот изсиз йўқолади. 1966 йилда мақбара зилзила туфайли қаттиқ шикастланади, 1970 йилда таъмирланиб ўз ҳолига келтирилади.

Кейинги йилларда қозоқ биродарлар, бу ерда Тошкентта 12 йил ҳукмронлик құлған қозоқ миллатига мансуб Тұлабий құмилған деган дағвони құлмоқдалар. Бу соҳада күп йиллардан бері изланиш олиб бораётган архитектура фанлари номзоди Абдужаббор Яхёевнинг кузатишиларича, «Қозоқ совет энциклопедияси»да ёзилишига кўра Тўлаб Алибек ўғли 1663 йил ҳозирги Жамбул вилоятидан туғилган. 1756 йил Чимкент вилоятининг Лангар овулида вафот этган. 1972 йилги археологик изланишларда қайд этилишига кўра қабр очиб қўрилганда сафана остидан уч эркак ва икки аёлнинг суюклари чиққанлиги қайд этилган.

Алишер Навоий кўчаси. Даҳанинг энг қадимий кўчалардан бири. Илгари Катта кўча, Тош кўча, Шайхонтоҳур, Файзулла Хўжаев номлари билан аталиб келинган. 1946 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан кўчага улуғ шоир номи берилган. Кўча ўз даврининг кўркам кўчаларидан ҳисобланиб, кечқурунлари фонус билан ёритилган. Кўчадан 1903 йилда кўнка, 1913 йилда трамвай қатнай бошлиған. 1883 йилда шаҳар думаси шаҳарнинг 17 кўчасига расмий равишда ном беради: Шайхонтоҳур, Тахтапул, Чифатой, Бешёғоч, Қорасарой каби кўчалар шулар жумласидандир. Кўча ҳозирги Хадра майдонидан Анҳор каналигача (аниқроғи Ўрда деб аталадиган жойгача) давом этган. Анҳор каналидан ҳозирги Амир Темур (илгари-ги Московский) кўчасигача бўлган қисми Обуховский кўчаси деб аталган.

Тарихдан маълумки, 1864 йил 4 октябрда Чор армиясининг подполковниклари Рерих ва Обух бошчилигига Тошкентнинг Қўқон ва Қашқар дарвозалари орқали шаҳарга бостириб киришга ҳаракат қиласидилар. Беомон жанг бўлади. 100 дан ортиқ аскаридан айрилиб чекинишга мажбур бўладилар, аммо подполковник Обух ўлар ҳолатда жаро-



Алишер Навоий күчаси (үнгда Шайхонтохур мадрасаси)



Алишер Навоий (1865 йилда қурилған Үрда күпірги)

ҳатланган эди. У қочолмай жони узилади. Унинг жасади шошилинч равишда ҳозирги Навоий кўчасидан Буюк турон (собиқ Катта кўча, Большая, Романовский, Ленин) кўчасига бурилишда чап томонга кўмилади. У кўмилган жой ҳатто 1966 йилгача ҳам Обуховский сквер (хиёбони) деб аталарди. Ўз даврида кўчанинг **Обух** номи билан аталиши шундан.

Советлар даврида 1966 йилгача кўча тожик шоири Абдулқосим Лохутий номи билан аталган. 1966 йил 26 апрел Тошкент зилзиласидан кейин бу кўча ва Хадрадан Чорсу майдонигача бўлган кўча **А.Навоий** кўчасига қўшиб юборилди. Бу **А.Навоийнинг 525** йиллик юбилейига бўлган яна бир туҳфа эди.

2008 йилда Усмон Юсупов кўчаси ўзгартирилиб Шайхонтоҳур номи билан аталадиган бўлди.

Даҳанинг маҳалла ва мавзелари

Қашқар тахминан ҳозирги жасорат монументи атрофи. 1830 йилда Қўйкон хони Мұҳаммад Алихон даврида ўз ватани Қашқардан қувилиб, Қўйкон хонлиғидан паноҳ топган мусулмонлар жойлашган маҳалла. Ўтган асрда бу ерда жойлашган Турк-Янги шаҳар, Ила ва Тожик маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Бир чеккаси Янги шаҳарга туташ бўлган. Аҳолиси Қашқардан кўчиб келганлар билан бирга ўзбеклардан иборат бўлган бўлиб, савдо-сотиқ ва деҳқончилик билан шуғулланишган. Шаҳар ташқарисидаги Оқкўрғон, Бўз, Яланғоч мавзела рида ерлари бўлган. Қашқар маҳалласида Ҳамза мактаб очиб бир муддат ишлаган. Черняев бошлиқ рус қўшинлари дастлаб 1864 йил 4 октябрь куни Тошкентга шу томондан ҳужум қилган, лекин кўп талофат бериб чекинган. 1865 йилда Тошкент рус қўшинлари томонидан босиб олингач, эгасиз қолган хонадонларга рус қўшинлари жойлашиб олган. Шунингдек, 1867 йилнинг кузида Туркистон ўлкасини босиб олиш манзаралари албомини тайёрлаш учун таклиф этилган ва кейинчалик ўзи ҳам шу қатлиомнинг фаол иштирокчисига айланган рус рассо-

ми Верещагин шу ерда яшаган. Маҳалла тахминан «Туркистон» концерт зали ва «Анҳор» кафеси яқинида бўлган.

Калтатой маҳалласи. Шимолдан Бешофайни, шарқдан Ҳовузлик, фарбдан Могол кўча, жанубдан Жар кўча маҳаллалари билан чегараланган. Шайхонтоҳур даҳасининг қадимий маҳаллаларидан эди. Ривоятларга кўра, авлиё Бузрук ота шу маҳаллада яшаган, унинг думи калта йўргаси бўлганидан маҳалла Калтатой номини олган. Аслида Калтатой ўзбек уруғларидан бири. Калтатойлар ўзбеклар таркибидағи «турк» деб аталувчи этник гуруҳнинг бўлинмаларидан бири бўлган. Калтатойлар яна бир қанча уруғлар (муаззамини, маҳонтори, мирзо, калтатой)га бўлинган. Калтатойлар кўп сонли уруғ бўлганлиги учун Ўрта Осиёning барча ҳудудларига тарқалиб кетишган. XIX аср охири ва XX аср бошларида калтатойлар батамом ўтроқлашиб, ўз уруғлари номини унутган. Республикализнинг Жиззах, Қашқадарё каби вилоятларида Калтатой номли қишлоқлар ҳам сақланиб қолган.

Қиёт – Фарбдан Қорёғди (Қаръятдех) маҳалласи, Шимолдан Шайхонтоҳур кўчаси, Шарқдан Анҳор канали билан чегараланган. Дала ҳовлилари Миробод, Қорасув, Олтинтепа, Оққўргон, Бўзва Чилдухтарон мавзеларида бўлган. Аҳолиси асосан ўзбекларнинг қиёт уруғига мансуб бўлган. Улар VIII-X асрларда Даشتি қипчоқда яшаб, чорвачилик билан шуғулланганлар. 92 томирли ўзбек қавмлари қаторида тилга олинган уруғлардан бири Ўғузлар давлати емирлигач Қиёт қабиласи тарқаб кетган. Даشتি қипчоқ чўлларида, қолган қисми кейинчалик ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ халқлари таркибий қисмларидан бирини ташкил қилган. Қиётлар асосан XX аср бошларидан ўтроқлашиб, чорвачилик ва дәҳқончилик билан шуғулланганлар. Тошкентнинг Қўйкон дарвозасини қўриқлаш қиётликларга топширилган. Россия империяси кўшинлари 1865 йил 14-16 июнь кунлари Тошкентга бостириб кирганида Қиёт ҳимоячилари Абдураҳмон ясовул бошчилигига душман аскарларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. «Пахтакор» стадиони қурилиши муносабати билан маҳалла бузилиб кетган. Айрим атама-

шунослар Бўзсув сойининг тик ва баланд қирғоғи ёки тоғдан оққан сел маъносидаги «қиёён» сўзининг кўплиги бўлиши керак деган фикрни билдирадилар. Яна бошқа маълумотларга қараганда, Хоразмнинг Қиёт қишлоғидан кўчидан келган бир оила шу ерга кўчиб келиб яшай бошлаган. Шушу бу жой Қиёт номини олган.

Қорёғди — Шайхонтоҳур даҳасидаги маҳалла. Қиёт, Занжирлик маҳалласига чегарадош. А. Навоий (Шайхонтоҳур) кўчасига тулаш бўлган. X-XI асрларда шаҳар (Бинкат) ташқарисида вуждудга келган янги қишлоқ бўлган. XIV асрда шаҳар кенгайгач, қорёғди унинг таркибиға кирган. Бу маҳаллада машҳур тарихчи Муҳаммад Солиҳ туғилган ва яшаган. Унинг туғилган жойи — «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида «қорабоғди» деб ёзилган. Аслида Қариядеҳ, яъни «қишлоқ» деб аталиб, сўнгра ҳалқ тилида Қорёғди бўлиб кетган. Атамашунос С. Қораевнинг фикрича, маҳалла хотин-қизларнинг Қорёғди байрами шарафига қўйилган. Биринчи марта қорёқкан куни кечқурун хотин-қизлар маҳаллани айланиб чиқиб пул, ширинлик йигишар, кейин бир ерга тўпланишиб ўйин-кулги қилиша ркан. Қорёғди деган аза маросими ҳам бор. Киши ўлгандан кейин биринчи марта қорёқканда қорёғди маросими ўтказилган.

Хадра маҳалласи Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги қадимги мураккаб чорраҳаларидан бири ҳисобланади. Шаҳристон билан чегарадош, Фарбда Чорсу билан боғланган кўча, Шимолда Эскижўва томонга борадиган кўча, Шарқ томондан шаҳарни ўрда билан улайдиган тошкўча, Жануб томон эса Бешёғоч даҳасига олиб борган. Шунинг учун олимлар Хадра номи Хадироҳ, яъни кўчанинг энг чеккаси, тугалланган жойи сифатида (Хад –чегара, роҳ – кўча) талқин этишган. Сайдазимбой шу маҳаллалик бўлган. Айrim маълумотларга қараганда унинг ерлари Қўймас дарвозасидан Қўйлиққача етган. Маҳалланинг чорбоғлари Кўкча тарафида бўлган.

Дарҳон — олимларнинг фикрича, мўғулча — «дарҳон» — «мажбуриятдан озод қилинган» демакдир. Маҳалла Пуштибог, Орқакўча, Оқмасжид каби маҳаллалар билан чегара-

дош бўлган. Манголиянинг шимолидаги шаҳар (1963) ҳам Дархон деб аталади. Катталиги ва саноатининг аҳамияти жиҳатида н Улан-Батордан кейин иккинчи ўринда туради. Бу ном шаҳримизнинг 2-3 жойида учрайди.

Баландмасжид – Оқмасжид, Девонбеки, Говкуш, Қатортерак ва Каттакўча (ҳозирги А.Навоий кўчаси) билан чегарадош бўлган. Навоий номли кўчада, яқин-яқинларгача ўймакор устунли, шипига жимжимадор гуллар солинган, 1875 йилда мемор Мўъминжон қурган Баландмасжид қад кўтариб турган. Советлар даврида ундан дорихона сифатида фойдаланилган. Рассом Д. Валежев Баландмасжид ва шу жумладан, Сайид Азимбой, Карим Азиз уйларининг расмини чизган. Д. Валежев томонидан чизилган бу расмлар П.Ш. Пашинанинг 1868 йилда Петербургда босилиб чиққан «Ташкент в 1868 году» номли китобидан ўрин олган.

Занжирлик маҳалласи Мерганча, Падаркуш, Қудуқбоши маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Шайхонтоҳур ариғидан сув ичилган. Маҳаллада 5 та масжид (энг каттаси Сайдазимбой масжида) ва Эшонқули додхоҳ мадрасаси (мадрасада 1884 йилнинг 19 декабрида рус-тузем мактаби очилган) бўлган. Маҳалла аҳолиси Аския мавзесида деҳқончилик билаң шугулланишган. Ҳозир маҳалла ўрнида Тошкент телестудияси, «Ёш томошабинлар» театри ва Шоирлар хиёбони жойлашган. Маълумотларга кўра, шу яқиндаги Шайхонтоҳур зиёратгоҳига кираверишдаги сайил вақтида ёқилалигиган фонарлар занжирлиқ бўлган. Маҳалла номи шундан.

Ўқчи — Тепақишлоқ, Олмазор, Мерганча маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Тупроққўргон қалъасига туташган. Маҳалла ҳудудида Қўймас дарвозаси бўлган. Акмал Икромов шу маҳаллада яшаган. Қадимда Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи Бинкат орқали ўтиб, халқаро савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Айниқса, Бинкатда ясалган ўқ-ёй бутун Шарқда «Камони Шоший» номи билан машҳур бўлган. Узоққа отиладиган ва нишонга бехато урадиган камонлар шарқ адилари асарларида таърифланган. Жумладан, Заҳириддин Мұхаммад Бобур «Бобурнома» номли асарида «Тошкентда

камон ва камон ўқи ясайдиган усталарнинг маҳорати бутун вилоятга тарқалган. Улар патли ва патсиз камон ўқларини ясаганлар» деб ёзади. Ўша вақтларда камон ва унинг ўқини ясаш маҳорати жуда тақдирланган. 1797 йил маълумотларига қараганда, Тошкентда шаҳар ҳокими Юнусхўжа ҳисобидан маош олган 2000 га яқин доимий аскар бўлган. Улар ўқ-ёй, пилта милтиқ, қилич ва қалқон билан қуролланган махсус бўлинмалардан тузилган. Юнусхўжа кўшинларида 20 га яқин тўп бўлган. Ўқлар асосан Тошкентнинг ўзида, Ўқчи маҳалласида қўйилган.

Маҳаллада «Телов» номли берк кўча ҳозир ҳам сақланган. Телов – қурама тоифасининг 5 та уруғидан бири.

Мирза Юсуф Шайхонтоҳур даҳасининг мавзеларидан бири. Мавзенинг номи 1865 йилгача Қўргонча (Ниёзмуҳаммад номли шахс томонидан қурилган қўргонга нисбатан номланган) бўлган.

1864 йилда Тошкентга яқинлашиб келган чор армиясининг генерали Черняев кўп талафотлар кўриб чекинишга мажбур бўлади. Бундай шармандали талафот унга тинчлик бермасди. 1865 йилнинг апрель ойида навбатдаги Тошкент қамалига йўл олган Черняев Россия билан савдо алоқаларидан манфаатдор бўлган Мирсолиҳбой, Саидазимбой, Мирза Юсуф ва Черняевга муҳим хабарларни етказиб турган Муҳаммад Соатбой, шунингдек, сотқинлиги фош бўлиб Черняевнинг пинжига кирган Чувалачилик юзбоши Абдураҳмонбек Шодмонбек ўғли каби сотқинларнинг маслаҳати билан Ниёзбек қалъаси вайрон қилинади. Тошкентни сув билан таъминлаб турган Чирчиқ тўғони бузиб ташланади.

Қирқ уч кунлик сувсизлик ва очликдан силласи қуриган шаҳарликлар 1865 йилнинг 14–16 июнь кунлари бўлган жангларда душман тўпларига дош бера олмай Черняевнинг тинчлик сулҳига рози бўлиб, Абулқосим мадрасасига йигиладилар. Қатор шаrtlар билан шартнома тузилади. Мирза Юсуф томонидан шошилинч равища тайёрлатилган Тошкент 12 дарвозасининг олтиндан ясалган рамзий калитлари тантанали равища Черняевга тақдим этилади.

Тошкентни ишғол қилишда ёрдам берган сотқинлар, жумладан, Мирза Юсуф ҳам чор ҳукуматининг нуфузли мукофотлари билан тақдирланадилар. Алоҳида хизматлари учун Мирза Юсуфни ўзига котиб қилиб олади ва Шайхонтоҳур даҳасининг Қўргонча мавзеси (ҳозирги Бодомзор микрорайони)ни туҳфа этади. Мавзе кейинчалик маҳалла, ўтган асрнинг 50-йилларигача бу ҳудуд Мирза Юсуф номи билан аталиб келинган. Ҳозирда Бодомзор микрорайонидаги масжид Мирза Юсуф номи билан аталади. Аслида бу масжид Ниёзмуҳаммад томонидан қурилган бўлиб, унинг ўғли Ёқубжон томонидан 1913-14 йилларда қайта қурилган. Шуларни эътиборга олиб, Тошкент топонимик комиссиясининг таклифига биноан, шаҳар ҳокимиятининг қарори билан ўз даврида қарvonсарайлар, фиштин кўприклар ва работлар қурдирган Ёқубжон Ниёзмуҳаммад ўғли номи Бодомзор 4-торкӯчасига берилди.

Шибли (Чипли, Чибли, Шивли) – Бўз сувдан бошланадиган бир сойнинг номи Чоули, шу сой ёқасидаги маҳаллардан бирининг номи Шибли (Шивли) деб аталган. Атамашунос олим Суюн Қораев – бу икки ном бир сўз бўлиб, Шайх Шиблий номи билан аталишини ёзади. Шу маҳалла га туташ бўлган қабристон Шибли ота қабристони деб аталган.

Маълумки, ўзбек миллати таркибига кирган Минглар қабиласининг «Чибли» номли уруғи ҳам бўлган. Чоувли эса ўзбекларнинг «Қўнғирот» қабиласи таркибидаги уруғнинг номи.

Бу номлар ўша уруғлар номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шибли отани эса Чибли уругининг отаси, яъни оқсоқоли деб тушунмоқ керак. Чибли сўзи вақтлар ўтиш билан Шибли кўринишини олган. Хўш, унда Шайх Шиблий ким?

Шайх Шиблий. Қомусий маълумотларга кўра, Шайх Абу Бакр Шиблий Ироғнинг Дажла дарёси ёнида жойлашган Самарра шаҳрида 861 йилда тугилган. Отаси халифанинг бош хожиби, амакиси Искандарияда амир ул-умаро бўлган. Шиблийнинг ўзи халифа ал-Муваффавнинг котиби вазифасида ишлаган. Ҳуқуқий ва Қуръон илмларида айрим

олимларнинг фикрича, шу соҳанинг кучли алломаларидан қолишмаган, ҳатто улардан устун турган.

Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сида, Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» каби асарларида бу улуф шайх номи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади.

Бобур Мирзо Ҳазрати Ҳожи Убайдулло Аҳрор қаламига мансуб «Рисолаи волидия»си («Оталик рисоласи») таржимаси хотимасида Шайх Шиблий номини Жунайд Бағдодий номи билан

*Ҳожсалар Ҳожсаси ул Ҳоҷси Убайд
Ходим-у Чокарий Шиблий-ю Жунайд,*

деб зикр этади.

Абубакр Шиблий (859-946) ўз даврининг кўзга кўринган уламоларидан бўлган. У аввал Мансур Халложнинг (858-922) шогирди бўлган. Кейин Жунайд Бардодий (вафоти 911) қўлида таълим олган.

Ҳазрати Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да шайх Абу Жаъфар Ҳаддоддан қўйидаги сўзлардан иқтибос келтирган: «Агар ақл киши суратига кирса эрди, Жунайд сурати бўлғай эрди». Ана шу донишманднинг суюкли ва мартабали шогирди Абубакр Шиблий халқ орасида фиқҳ олими сифатида машҳур бўлган.

Алишер Навоийнинг ёзишича, Жунайд ўз шогирдига бундай баҳо берган: «Ҳар бир қавмнинг тожи бор, бу қавмнинг тожи эса Шиблайдур!»

Абубакр Шиблий сұҳбати, ҳатто уни кўришнинг ўзиёқ замондошларига фурур бағищлаган. Унинг айтган ҳикматлари, шариат қонунларига оид фикрларидан Шиблий дунёдан ўтганидан кейин ҳам машойихлар далил сифатида фойдаланганлар.

Шайх Шиблий дарвеш либосида бозорга келиб, нонвойдан Худо йўлига бир нон сўрабдилар. Нонвой эса «Қайси бирингфа берай, бор, йўлингдан қолма», деб у кишини ранжитиби. Иккинчи нонвой эса шеригига «Шайх Шиблийнинг кўриш истагинг ёлғон экан-да?» дебди. Қилмишидан

пушаймон бўлган нонвой Шайхни дарҳол топиб, бу гуноҳини ювиш учун халойиқقا «худойи» деб ош берибди. Шайх Шиблий ҳам зиёфатга ташриф буюриб, тўрда ўтирган эканлар. Маърака охирида жамоанинг ҳалфаси Шайхга қараб нонвой ҳақи бир дуои хайр тилабди. Шунда Шайх Шиблий: «Бу нонвойга дуонинг ҳожати йўқ, у дўзахийдир. Зоро, у Худо йўлига бир нонни раво кўрмади. Шиблий учун шунча зиёфат берди», деган эканлар. Қиссадан ҳисса шуки, хайр-эҳсон, меҳру мурувват шунчаки «хўжакўрсинг» учун эмас, чин дилдан, Худо йўлига савоб учун бўлмоғи керак.

Ҳазрат Жомий нақл этурлар: «Шиблий замона имоми эрди. Ундан олдин ҳам машойихлар ўтган, аммо у ҳаммадан улуғроқ эди... Жунайд келди-ю, бу илмни тартибга солди ва қутуб қилди, чун Шиблий келди, бу илмни минбарга чиқарди ва ҳалқа ошкор этди».

Шайх Шиблий: «Эртага бугунги вақтни қайтариб бермагай, ихтиёрингдаги ҳозирги дамни ганимат бил, ундан баҳра олгин», деган эканлар. Ушбу ҳикматнинг ҳаққонийлиги, ҳаётйлиги ўз-ўзидан аён. Шу билан бир қаторда, аллома мураккаб фалсафий ақидаларни ҳам илгари сурган.

Шиблий ўз таълимоти билан ваҳдати вужудга йўл очган. Унинг фалсафасида инсофли, фамхўр бўлмоқ, ҳалол меҳнат билан ризқу-рўз топмоқ, борига шукр этмоқ, ўз имкониятидан келиб чиқиб орзу қилмоқ ва ҳамиша Худони юракка жо этмоқ зарурлиги таъкидланади.

Шайх Шиблий ҳикматлари, пандлари ҳикоятлар шаклида «Қобуснома»да, Шайх Саъдийнинг «Бўйстон»ида зикр этилган. Улар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маълумоларга кўра унинг Боғдоддаги қабри ҳамон сақланган ва бугунги кунда ҳам зиёратгоҳ саналади.

Шўртепа маҳалласи. Дегрез, Ҳовузбоғ, Гулбозор ва Катта кўча билан чегараланган. Маҳалланинг айrim тепалик қисмлари шўртак бўлганидан маҳалла Шўртепа номини олган. Маҳалланинг чорбоғлари Кўкча ва Роҳикат мавзеларида бўлган. Маҳалла кенгая бориб кейинчалик икки қисмга ажralган. Иккинчи қисми Подачи номини олган. Ҳар икки маҳалланинг ўз элликбошилари бўлган.

Құрғонтеңи маҳалласи. Бу маҳалла Эски ўрда рўпара-сидаги (Шайхонтөхур даҳаси ҳудуди) хон сарбозлари истиқомот қылган. Құрғон яқинида, пастлиқда жойлашганидан шундай ном олга и. Маҳалланинг дәхқончиллик билан шуғулланадиган ерлари Яланғоч ва Пасра мавзеларида бўлган.

Марайимхалифа маҳалласи. Аниқроғи Мұхаммад Раҳим Халифа. Шарқдан Калтатой, жанубдан Оқмачит, фарбдан Раискӯча ва шимолдан Себзор даҳасининг Қоратут маҳалласи билан чегараланган. Маълумотларга кўра, қўқонлик эшон Мұхаммад Раҳим Халифанинг муридлари шу маҳаллада яшаган. Ҳар гал эшон қелганида шу маҳалла масжидида муридлари билан зикр тушишган. Номи шундан қолган. Маҳалла нинг чорбоғлари Янгитарнов мавзесида бўлган.

Падаркуш маҳалласи. Шимолдан Орқа кўча, шарқдан Қудуқбоши, жанубдан Дукчи, фарбдан Пуштибог маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Маҳалла аҳолиси асосан бўз тўқиши билан шуғулланишган. Шунинг учун маҳалланинг дастлабки номи Бўзчи маҳалласи деб юритилган.

Айрим ривоятларга кўра, бир вақтлар эл орасида обрў-эътиборли оқсоқол ўз ўғли томонидан ўлдирилиши воқеасига нисбат берилиб, маҳалла номи Падаркуш бўлиб кетган.

Пуштибог маҳалласи. Жарқучча, Ширин қудуқ, Дархон, Оқ масжид маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Ривоятларга қараганда, маҳалланинг кўпчилик хонадони ҳовлиларининг орқа тарағида сўлим боғлари бўлган. Маҳалланинг Пуштибог деб номланиши шундан. Маҳалла чорбоғлари Яланғоч ва Чўпон ота мавзеларида бўлган.

Олмазор маҳалласи. Шимолдан Эгарчи, шарқдан Мерганча, жанубдан Девонбеги, фарбдан Бешёғоч даҳасининг Қоратош маҳалласи билан чегараланган. Маҳаллада бирбиридан муҳташам масжидлар бўлган. Улардан бири Пансод масжиди дейилган. Масжид 1882 йилда Мұхаммадкаримхожи томонидан қурилган бўлиб, Олмазор ва Қоратош маҳаллалари оралиғида қурилган.

Ҳовузбог маҳалласи. Шимолдан Жангоб, шарқдан Катта кўча, фарбдан Хадра, жанубдан Қаландархона маҳаллалари

билин чегарадош бўлган. Маҳалла ўрнида ўтган асрнинг 80-йилла ригача трамвай депоси бўлган. Ҳозирги кунга келиб бу ерларда туарар-жой ва маъмурий бинолар қурилган. Маҳаллада бир қанча сероб ҳовузлардан иборат боғ-роғлари бўлгани учун ҳовузбог номини олган.

Эгарчи маҳалласи. Гарбдан Девонбеги, шарқдан Тарлоқ ва Мерганча, жанубдан Олмазор, шимолдан Қатортерак маҳаллалари билан чегараланган. Эскижўва бозорининг Шайхонтоқур даҳасига тегишли қисмида жойлашган қадимий маҳаллалардан бири бўлган. Эгарчилик ҳунармандчиликни нг қадимий ҳунар турларидан бири бўлиб, асосан шаҳарларда ривожланган. Ўтмишда эгар-жабдуқ оддий кустар усулида махсус дўконларда тайёрланган. Маҳалла аҳолисининг асосий қисми эгарчилик қасби билан шуғулланган. Маҳалланинг номи шундан.

Тарновбоши маҳалласи. Шайхонтоқур қабристони, Тахтапул, Қатортерак, Себзор маҳаллалари билан чегарадош бўлган. Маҳалла баланд-пастликлардан иборат бўлганлиги учун қўтарма, қайнима, чархпалак каби сув иншоотларидан фойдаланиш билан бирга айрим жойларда ёғочдан тарнов ясад, чуқурлик жойлардан сув олиб ўтишган. Кўпинча чархпалак орқали олинган сув новлар орқали хонадонларга ўтказилган. Тар-сув, нов-ариқча. Маҳалланинг номи шундан.

Шатак маҳалласи. Шимолдан Ганчтепа, шарқдан Турк Олмазор, жанубдан Турк Янгишаҳар каби маҳаллалар билан чегарадош бўлган. Маҳалла паст-баландликдан иборат бўлганлиги учун қишли-қировли кунларда от-араваларнинг юриши қийинлашиб, қўшимча от-уловлар ёрдамида шатакка олиб чиқарилган. Маҳалла номи шундан. Ҳозирги ўрни А. Қодирий кўчасининг бир қисми.

Хўжа Рўшноий маҳалласи. Шимол ва шарқдан Оқ масжит, Жанубдан Говкуш, гарбдан Дероз каби маҳаллалар билан чегараланган. Чорбоғлари Миробод, Чилонзор ва Кўкча мавзеларида бўлган. Ривоятларга кўра, Хўжа Рўшноий жувозкашларнинг пири бўлган. Шу маҳаллада яшаган.

Девонбеги маҳалласи. Шимолдан Баланд масжит, жанубдан Олмазор, шарқдан Эгарчи каби маҳаллалари билан

чегараланган. Чорбоғлари Қумқұрғон ва Чивинтепа мавзеларида бўлган. Маҳаллада ҳоким девонида ишлайдиган мирза яшаган. Маҳалла номи шундан.

Говқуш маҳалласи. Шимолдан Дегрез, шарқдан Баланд масжит, жанубдан Катта кўча (Навоий) билан чегараланган. Маҳалла ҳовлилари Шайхонтоҳур ариғидан сугорилган. Чорбоғлари Отчопар, Товкат тепа мавзеларида бўлган. Говқуш номи «мол сўйиш» маъносини билдиради.

Тожик маҳалла. Фарбдан Қашқар, шимолдан Турк Янгишаҳар, шарқдан Янгишаҳар билан чегараланган. Қўқон хонлиги даврида сўнгги Шуғноқлик бек вақтида бу ерга унинг ватандошлари бўлмиш тожик миллатига мансуб кишилар кўчиб келиб ўтроқлашишган. Маҳалла номи шундан.

Яланғоч мавзеси Ҳозирги Мирзо Улувбек туманининг маҳаллаларидан бири. Илгари Шайхонтоҳур даҳасининг мавзеларидан бири бўлиб, Қашқар маҳалласининг дехқончилик билан шуғулланадиган қисми. Маҳалла аҳли ёз ойларини шу ерда ўтказғанлар.

Ўзбеклар таркибиға кирган қабилалар орасидаги Сарой қабиласининг катта гуруҳи таркибидаги уруғларидан бири Жланғоч сарой **Яланғоч** номида сақданиб қолган. Яланғоч ота- ўтмишда ўзбек ва қозоқ ҳалқарида шамол ҳомийси Ялонғочга эътиқод қилиш Тошкент атрофлари ва Жанубий Қозоғистонда яшовчи ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган.

«Муштум» сатирик журналининг ўтган асрнинг 30-йилларидаги сонларидан бирида Абдулла Қодирийнинг «Яланғоч эшон ёхуд Яланғоч эшшак» номли мақоласи босилган. Мақолада муаллиф Яланғоч эшон номи билан шу мавзедаги Яланғоч қабристонида фирибгарлик қилиб юрган шахс билан атайлаб бориб, суҳбатлашганлиги ҳикоя қилинади.

Оққұрғон – қадимги Тошкент атрофидаги мавзеларнинг бири. Оққұрғон ҳудуди Оққұрғон ва Дархон (Дархонотасой) ариқларидан сугорилган.

Ўрта аср вақф ҳужжатларида Оққұрғон ерлари Хожа Аҳрорга қарашли бўлиб, кейинчалик Хожа Аҳрор мадрасасининг вақф ерлари ҳисобланган. Шаҳарнинг шу мавзега

қараган Оққўргон дарвозаси (1830 йилдан Қашқар дарвозаси) деб аталган. Оққўрғонда Шайхонтоҳур даҳаси маҳаллалари аҳолисининг дала ҳовлилари бўлиб, халқ ёз мавсумини шу ерларда ўтказган.

1865 йил 9-майда Черняев аскарлари билан амир лашкар Али мқул қўмондонлигидаги Тошкент мудофаачилари ўртасида бўлиб ўтган беомон жанг (ҳозирги Мустақиллик кўчаси X. Олимжон метроси бекати) мана шу Оққўргон ҳудудида Черняевни чекинишга мажбур қилган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳ ҳам шу жангда қатнашиб, жанг тафсилотларини ўзининг «Тошкентнинг янги тарихи» асарида тасвирлаган. Ҳозирги Оққўргон ўрнида Оққўрғон, Улуғбек, Дархон ва бошқа маҳаллалар мавжуд.

Қўйлиқ даҳаси Миробод (1-4 даҳалар) ва Сергели (5-7 даҳалар) туманларининг турар-жой ҳудудига киради. Тошкент аэропорти, Файзобод кўчасининг шимолий томони ва шаҳар автомобил ҳалқа йўлининг жанубий қисми билан чегараланган. Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари 1967 йил бошланган. Қўйлиқ ўрнидаги мавзе қадимдан мавжуд бўлган. Бу ердан илгари карvon йўли ўтган. Чирчиқ дарёсининг шу жойида кечув бўлган. Тошкент Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган даврда хон Тошкентга ташриф буюрганида шаҳар ҳокими (бекларбеги) қозикалон ва бошқа аъёнлар аҳолини ўша ерга йиғиб хонни тантана билан кутиб олардилар.

Қўқондан бошланувчи йўл Қўйлиқ кўпригигача, Қўйлиқ кўпригидан бошланган Фарфона йўли кўчаси шаҳарнинг Қўқон дарвозасига келиб туташган. Қўйлиқ атамаси хусусида турли фикрлар юради. Уларга кўра:

— Мўғул саркадаларидан бирининг исми Қўйлиқ бўлган. Тошкент унинг назоратида бўлган.

— Қўйлиқ «қўйилиқ», яъни пастлик сўзининг ўзгарган кўринишидир.

— Бу ерлар қўй-қўзиларга сероб жой бўлган. Қўйлиқ бозорида қўй-қўзилар согилган.

— Қўйлиқда масжид қурдириб имомлик қилган Ҳофиз Шаих Қўйлиқий, яъни Қўйлиқ ота номи билан боғлиқ деган фикрлар ҳам бор.

Тарихдан маълумки, 92 бовли ўзбек қабилалари таркибида Кўкчулак, Кўйли каби бирқанча ургуларни бирлаштирган Дўрмон қабиласи бўлган. Қабиланинг Кўйли уруғи XV асрда Даشت қигитчоқдан кўчиб келиб, шу ҳудудда ўрнашиб қолган. Жой номи шундан деса қаҳиқатга яқинроқ бўлади. Ҳофиз Кўйлиқийни эса Кўйлиқлик деб тушунмоқ керак.


Кўйлиқ ота. Хўш, унда Кўйлиқ ота ким? Ҳофиз шайх Кўйлиқий бўлиб, самарқандлик ҳазрати Нўғай ота авлодларидан, яъни азиз шайхлар сулоласидандир. У киши амир Имомқули Баҳодирхон даврида Самарқандда аълам (имомларнинг имоми) Бўлган олим шайхнинг она томонидан Тошкентдаги бобоси эдилар. Оналари қадимги Бонукент (Нўғай-қишлоқ – ҳозирғи Ўзгариш) қишлоғига келин бўлиб тушганлар, ислом дини илмидан анча хабардор бўлганлар.

Оталари, оналари ва Нўғойқўрғондаги боболаридан тасаввуф сultonни Ҳожа Аҳмад Яссавий тариқатига оид «Жаҳрийи Яссавий»ни ўрганганд Ҳофиз Шайх Кўйлиқдаги масжидда имомлик қилиш билан бирга ўзи қурдирган хонақоҳда зикр гушиш, иймон ва эътиқодга оид мавзуларда суҳбатлар ўтказиш билан Бирга машшоқлар ва ҳофизлар иштирокида Қуръон оятлари ҳамда Аҳмад Яссавий ҳикматларини куйга солиб, қўшиқ айттирганлар.

Айниқса, ўша даврдаги Қуръон суралари ва оятларини баъзи юзаки шарҳловчиларга нисбатан чориёrlар улуглигини исботловчи далиллар билан ул зот Кўйлиқий тахаллуси билан рисолалар ёзганлар.

Кўйлиқ ота вафот этганларидан кейин тахминан ҳижрий 893 (милолий 1475) йили ҳозирги Кўйлиқ бозори ёнидаги даҳмага дағн этилганлар. Ҳозирги янги мақбара 1994 йилда маҳсус ло йиҳа асосида қурилди.

Миробод – XIX асрнинг бошида Қўқон хони Тошкентни босиб олгандан кейин шаҳар ҳудуди бирмунча кенгайди. Хуллас, Қўқон хони нинг собиқ ўрдасига қарашли Анҳор билан Салор ўргасида Қашқар, Мингўрик, Миробод каби ўнлаб маҳалла ва мавзелар вужудга келди. Янги жойлардаги туб аҳоли сиқиширилиб, бу ерлар деярли бошқа жойлардан келганларга жумлладан, Миробод мавзесининг ҳудуди Қўқон



Külük ota mausoleum

хонлигининг юқори имтиёзли мирларига берилди. Мавзенинг Мирбод дейилиши шундан. 1992 йил май ойидан Темирйўлчилар райони бўлиб келган туман, Мирбод тумани деб номланди.

Мингўрик – Шайхонтоҳур даҳасининг мавзеси. Ҳозирги Тошкентнинг айнан марказида, темирйўл вокзали яқинида, Салор соҳилидаги «Мингўрик» деб аталувчи археология ёдгорлигининг атрофи. 1930 йилларда Қўқон хонлигининг ҳукмронлиги даврида бу ерларда ўрикзорлар барпо қилинган. Археологик ёдгорлик ва мавзенинг «Мингўрик» деб аталишининг сабаби шундан.

Мингўрик археология ёдгорлиги. Ушбу ёдгорлик I-XIII асрларга оид бўлиб, Тошкентнинг айнан марказида, Тошкент темирйўлининг шимолий вокзали яқинида, Салор канали соҳилидадир. Маҳаллий аҳоли ўртасида Афросиёб тепаликлари номи билан машҳурdir ҳамда у қадимда Шошнинг пойтахти бўлган. Шаҳар қолдиқларининг ўрни ва шу атрофлар 1865 йилга қадар Шайхонтоҳур даҳасининг хушманзара мавзеларидан бири бўлган. Бу тепаликларда халқ сайллари ўтказилган, шаҳар ярмаркалари бўлиб турган. Айниқса, Наврӯз байрамлари кенг нишонланган. XIX асрнинг 70-йилларида шаҳар қурилишларининг жадал суръатлар билан авж олиши Мингўрик ҳудудининг олдинги рельефи ва ёдгорликнинг маданий қатламларининг бузилиб кетишига сабаб бўлган. Унинг бир қисмигина сақланиб қолган, холос.

Ёдгорлик дастлаб 1896 йилда, сўнг 1912 йилда ҳаваскор археологлар томонидан қайд этилган. 1920 йилларда Е.М. Массон ёдгорлик топилмаларини ўрганиб, бу ерда Чоч давлатининг туркий ҳоқонлари қароргоҳи жойлашган бўлиши мумкин, деган хулосага келади.

Ривоятларга қараганда, бу ерда ҳашаматли сарой бўлган. 1950 йилларда ҳозирги Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўрни ва «Тонг» ҳиссадорлик жамияти ҳудудидаги археологик қазишлар, ривоятлар ҳақиқатга яқинлигидан далолат берди. 1968 йилда Тошкент археологик экспедицияси томонидан археологик изланиш ишлари давом этирилди.

Мингүрик қазилмалари вақтида энг чуқур қатламлардан эрамизнинг биринчи асрига оид бўлган гиштии деворли истеҳомлар, деворлар ичидаги эса темир найда учлари, идиштовоқларниң чиқиндилари топилган. Топилмаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, V-VI асрларда шаҳар тез суръатлар билан ривожланган. Бу ерда кучли турк ҳокимияти вужудга келган. Ҳатто, Хитой давлати ҳам бу давлатга ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлган. VII -VIII асрлар шаҳарнинг энг юксалган даври бўлган. Барча меъморий қурилиш услублари, комплекс ички безакларида ҳашаматли деворий тасвир ва нақшлардан фойдаланиш, уй-рўзғор асбоб-ускуналари Шош пойтахтининг умумсўғд маданияти асосида ҳунармандчилик, савдо-сотиқ маданият ва маърифат марказига айланганлигидан, шунингдек, бу ерда топилган хорижий давлатларга мансуб ашёвий далиллар шаҳарнинг Юонон-Рим дунёсини Узоқ Шарқ ва Хитой билан боғловчи манзил бўлганлигидан далолат беради.

Шаҳар қурилиши кенгайиб боргани сари эски қалъа деворлари торлик қилиб, унинг ҳаробалари устига эски Шаҳристон ўйларига нисбатан салобатли саройлар қурилган. Саройда супа ва нақшинкор устунли ҳашаматли ибодатхоналар ва бошқа хоналар бўлган. Санъат ва маданият ривожланган. Манбаларда қайд этилишича, мусиқа ва рақс санъати юксак пофонага кўтарилган. Шаҳарда танга зарб этилган. Расмий ёзма ҳужжатлар сўғд ёзувида битилган.

Шаҳар атрофида олтита шаҳарча ҳалқаси бўлиб, у гарнizon ҳароргоҳи ҳамда воҳа деҳқонлари билан чорвадорлар ўртасида савдо алоқалари юргизиладиган жой вазифасини ўтаган. Шунингдек, Тошкент миңтақаси орқали чўлларга ва умуман Шарққа ҳалқаро Буюк Ипак йўли очилган.

Милоднинг VII асли ва VIII аср бошларида Шош пойтахтида илк феодал даври маданияти гуллаб-яшнади. Аммо унинг гуллаб-яшнаш пайти узоқча бормади. Саккизинчи аср бошларида Араб халифалиги босқини туфайли барбод бўлди. Аҳолининг асосий қисми шаҳарни ташлаб кетди.

Манбаларда «Чоч мадинаси» деб юритилган. Араб манбаларида тилга олинган «Мадинат аш-Шош» аёвсиз қирғин-

лар, ўт-ёнғиңлар оқибатида ҳароб бўлди. Шаҳарнинг Арк ва Шаҳристони, мудофаа деворлари очилганда VII аср бошларида бу ерда Бўлиб ўтган фожиалардан гувоҳлик берди.

IX асрда Араб халифалиги Чоч сув манбаларини қайта тиклаш учун 2 миллион дирҳам ажратганидан сўнг Бўзсув сугориш тизими асосида аввалги ўрнидан 4-5 километр шимолий-гарбда Анҳорнинг ўнг томонида (яъни, ҳозир Эски шаҳар деб аталадиган ҳудудда) янги шаҳар қад кўтара бошлиди. Бу янги шаҳар Араб манбаларида Бинкат деб тилга олинади. Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Бинкат шаҳримизнинг Себзор, Кўкча ва Бешёгоч даҳалари тулашган ҳудудда жойлашган.

Шундай қилиб, Мингўрик харобаси кўп асрлар мобайнида ер остида қолиб кетди. Кўхна шаҳар қолдиқлари қазилма ишлари натижасида яна ҳаёт юзини кўриб, Тошкентнинг ўрта асрлардан қолган ёдгорлик пойтахти бўлиб қолди.

Кўхна ва навқирон шаҳримизга оид миллий қадриятлар дастури доирасида Ўзбек давлатчилиги, Тошкент шаҳрининг тарихан шаклланиши билан боғлиқ Сергели туманидаги Шоштепа, Юнусобод туманидаги Оқтепа археологик ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан 2008 йилда бу ёдгорлик атрофи ободонлаштирилиб, консервация қилиб қўйилди.



Минг ўрик археологик ёдгорлиги

ТОШКЕНТ ЎРДАЛАРИ

Ўрда – Туркий ва мўғул халқларида ҳарбий-маъмурий манзилгоҳ, Ўрта асрларда олий ҳукмдор қароргоҳи, арки. Йирик Туркий ва мўғул давлатлари ҳамда кўчманчи қабилялар иттифоқлари (Олтин ўрда ва Нўғой ўрда кабилар)нинг номи шундан келиб чиққан. Подшоҳ, хон ёки бирор олий мартабали шахснинг саройи. Айрим ҳолларда «арк» ҳам деб аталган.

Мавжудмалумотларга кўра, қадимиј Тошкентнинг бешта ўрдаси ўрни аниқланган:

1. Шаҳримизнинг ҳозирги Мовароуннаҳр, Саид Барака, Моштабиб ва Фарғона йўли (аввалги Пролетар, Павлов, Клара Цеткина ва Куйбышев) кўчалари оралиғида каттагина майдонни эгаллаган қадимги Шошнинг пойтахти харобаларидан бизнинг давримизгача фақат 100x40 метрли кичик бир қисмигина сақланиб қолган Мингўрик деб аталган тепаликда ўтказилган археологик қазилматар натижасида бу ерда қадимги Шош давлати пойтахтининг 0,5 гектарга тенг ўрдаси эканлиги маълум бўлди. Ўрда мудофаа деворлари ва ўз шаҳристонига ҳам эга бўлган. 713 йилда Чочга кириб келган араб қўшинлари гомонидан шаҳар вайрон қилинган. 1830 йилларда Кўқон хонлиги даврида шаҳар қолдиqlари ўрнида ўркиззорлар барпо қилинган. Ёдгорликнинг «Мингўрик» деб аталишининг сабаби шундан. Мингўрик Шайхонтоҳур даҳасининг мавзеларидан бири бўлган. Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан консервация қилиб қўйилди.

2. Тошкентнинг иккинчи ўрдаси ҳозирги Эскижўва майдони ҳудудида бўлган (IX-XVI асрлар). X аср тарихчилари Ибн Хавқал, Мақдисий, Истархий қолдирган маълумотларга кўра, Тошкентнинг ўрдаси алоҳида девор билан ўралиб, 2 дарвозадан иборат бўлган, биридан работга, иккинчисидан шаҳристонга чиқилган. Ўрда ичида хон саройи, зарбхона ва қамоқчона жойлашган бўлиб, ўрда деворига ташқаридан жомеъ масжиди туташган. Умумий майдони 1 гектар атрофида бўлган. Шаҳристон аркка қараганда катта

худудни эгаллаб, у ҳам девор билан ўралган. Шаҳристоннинг Абул Аббос, Гумбаз, Қаср номли уч дарвозаси бўлган. Дарвозалардан бири ҳозирги Аброр Ҳидоятов номли театр биноси олдида жойлашган. Шаҳристонда ҳунармандларнинг маҳаллалари, мулкдорларнинг кўшк ва қўрғонлари, савдо дўконлари бўлган. Шаҳристоннинг Гулбозор маҳалласида бутун Туркистонда ва Хурсонда пири муршидларнинг бири мақомига кўтарилиган, номи ислом дунёсида улуғланган Ҳожа Аҳрор Валий ҳазратлари томонидан жомеъ масжиди ва мадрасаси қурилган (XV аср).

Шаҳристоннинг жанубий-ғарбий қисмида кейинчалик Кўкалдош мадрасаси қурилган.

3. XV-XVI асрлар шаҳар ҳудуди Бешёғоч ва Ўрда томонларининг кенгайиши муносабати билан Бешёғоч даҳасининг Қоратош ва Олмазор маҳаллари ҳудуди ўрнида Янги ўрда қурилган. Шаҳар атрофи янгитдан ягона девор билан ўралган. Ўрда ҳудудида маъмурий бинолар ва хон саройи бўлган. XVII аср бошларида Бухоро хони шаҳар билан ўрдани бутунлай вайрон қилган. Натижада, марказий бошқарилаётган катта шаҳар инқизотга юз тутиб, тўрт даҳага бўлиниб кетган, ҳар бир даҳада алоҳида-алоҳида хонлар шаҳарни ўз ҳолича бошқара бошлаган (бу давр чорҳокимлик номи билан тарихда қолган). XIX асрда Бу ердаги маҳалла Эскиўрда маҳалласи номи билан машҳур бўлган. Эски ўрдадан ўша даврга хос Қоратош ҳаммоми харобалари сақланиб қолган эди.

4. Тўрт даҳа (Бешёғоч, Себзор, Кўкча ва Шайхонтоҳур) хонликлари ўртасида тез-тез низолар чиқиб турарди. Чорсу бозорини кесиб ўтган Жангоб ариғи бўйларида ва Жангогоҳ маҳаллалари ҳудудларида (ҳозирги А. Қодирий номли истироҳат боғининг бир қисми) даҳалар ўртасида очиқ жанглар бўлиб ўтди. Бу жангда Шайхонтоҳур даҳасининг ҳокими Юнусхўжа ғолиб кела бошлади ва шаҳар, вилоят ҳокимлигини қўлга киритади. XVIII асрнинг 80-йилларида Юнусхўжа Шайхонтоҳур даҳасида мудофаа деворлари билан ўралган кичик ўрда қурдиради. Айрим маълумотларга қараганда, бу ўрда Анҳорнинг ўнг соҳилидаги Қишлоқ Хўжалиги вазирлиги биноси атрофларида бўлган.

XIX асрнинг бошларида Қўқон хони Олимхон томонидан Тошкент босиб олингач, бу ўрда ҳам вайрон қилинади.

XIX асрнинг 30-йилларида Қўқон хони Анҳор каналинг чап соҳили (тахминан ҳозирги Мустақиллик майдони ўрнида) янги ўрда қурдиради. Ўрда ичида мустаҳкамланган қаср, гарнizon казармалари, қурол-яроғ омборлари, ҳаммом ва маъмурий бинолар жойлашган эди. Ҳаммом 1966 йилда бузилган («Анҳор» кафесининг орқасида эди). Ҳаммом деворлариниг фиштлари 1985 йили Абулқосим мадрасаси таъмирига ишлатиш учун олиб келинган.

Ўрда қалъаси 10 минг аскар сифишига мўлжалланган эди. Ўрда шаҳар ва вилоят ҳокими учун маҳсус қўргон-қароргоҳ бўлган. Кейинчалик қўшимча мудофаа деворлари қурилиши билан шаҳар таркибига киритилган. Қўқон хонининг Тошкентдаги нойиби – бекларбегининг маҳкамаси ва хон саройи ҳам шу ерда эди. Қўқон хони Тошкентга келганида жуда дабдаба билан кутиб олинарди.

Тошкент Россия қўшинлари томонидан босиб олингач (1865), Черняев ўз штаби билан ўрдадаги хон саройига, босқинчи аскарларнинг бир қисми сарой ёнидаги сарбозлар ётоқхонасига жойлаштирилди. Офицерлар эса ўрда ташқарисидаги эгасиз қолган Қашқар маҳалладаги хонадонларга жойлаштирилади. Лекин мустамлакачилар ўша йили зудлик билан қурилган Тупроққўргонга кўчиб ўтадилар. Ўрдадаги хон саройи, мудофаа деворлари кейинчалик бузиб ташланади ва янги шаҳарга қўшиб юборилади.

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ

Тошкент мұхым географик үринде – Шарқ ва Фарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўлида жойлашғанлиги туфайли бу ерга узлуксиз савдо карвонлари келиб-кетиб турган. Бу эса шаҳарни етти иқлим билан туташкан масканга айлантирган.

Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар каби Тошкент ҳам X асрда баланд мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Маълумкі, шаҳар қадимда бирор режа асосида қурилмаган. У табиий равишда бозор атрофидан ҳар томонга кенгая борган. Шаҳар ўсган сари деворлар сурилиб, катта йўлларга туташкан жойларда янги дарвозалар қурилиб, уларнинг сони ҳам орта борган. Шунингдек, айрим дарвозалар номи ҳам ўзгариб борган. Ҳар бир дарвозадан ташқарида қабристон бўлган. Албатта, бунинг ўз рамзий маъноси бўлган. Шаҳарга кирган ва чиққан кишиларнинг қалбida қабристонни кўриб, ёвузлик ўрнига яхшилик ҳисси уйғонган.

Шаҳардаги мавжуд қабристонлар шаҳар дарвозасидан ташқарида жойлашғанлиги, шаҳарнинг чегарасини аниқлаб беради. Жумладан, ҳозирги кунда шаҳарнинг марказий қисмига тўғри келиб қолган Шайхонтоҳур зиёратгоҳи (қабристони) ўрта асрларда шаҳарнинг шарқий дарвозасидан ташқарида жойлашган. Археологик текширувлар бу жойларда боғ-роғлар бўлганлигидан далолат беради.

Ҳозирги Пахтакор стадиони ва А. Навоий номидаги санъат саройи ўрнида 1956 йилгача Қорёғди номли маҳалла бўларди. X-XI асрда шаҳар ташқарисида вужудга келган бу турар жой «қариядех», яъни қишлоқ деб аталган. XVI асрнинг иккинчи ярмида маҳалла сифатида шаҳар таркибиға кирган. Шаҳар таркибиға киргач «қарядех» «қорёғди» кўрининишини олганди. XIX асрнинг ўрталарида, яъни Кўқон хонлиги даврида хоннинг Тошкентдаги ноиби Бекларбеки томонидан Тошкент мудофаа деворлари ва дарвозалари таъмиранади, шунингдек,

қўшимча мудофаа деворлари қурилиб, янги дарвозалар ўрнатилади. Бу пайт дарвозалар сони «Тешикқофқа» ва «Янги маҳалта» каби ўтиш жойларидан ташқари ўн иккитаға етади. Булар Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чифатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар каби дарвозалари бўлган. Булардан Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймас каби дарвозалар Шарқ томондан кейинчалик шаҳарга қўшиб олинган қисмига қурилган, айримларининг ўрни сурилган. Ўрни сурилиши муносабати билан номлари ҳам ўзгарган. Шаҳар дарвозалари қоронги тушиши билан ёпилган ва эрталаб тонг саҳарда очилгунга қадар ҳеч ким шаҳарга киритилмаган, ҳеч ким шаҳардан чиқиб ҳам кетолмаган. Дарвозахоналар устида маҳсус қоровулхоналар ва дўмбираплар сақланадиган хоналар ҳам бўлиб, хавф-хатар сезилгандага дўмбираплар чалиниб халойиқ огоҳлантирилган. Ҳар бир дарвозада шаҳарга кирувчи ва чиқувчи карвонларни қайд қилиб турувчи божхона бўлган. Дарвозалар олдида амалдорларни кутиб олиш маросимлари ҳам бўлиб турган.

Дарвозалар одатда арча, қайрағоч дараҳтлари ёғочидан ясалиб, усти темир ҳошия билан қопланган, турли зулфинлари бадий нақшлар билан безатилган. Дарвозаларнинг юқори қисми кўпинча панжарали бўлган. Шаҳар, қалъа, сарой кабила рининг дарвозаларини маҳсус дарвозабонлар кўриқлаб турган.

Амир Темур даврида дарвозалар масъуллиги шу яқин атрофда яшайдиган маҳалла зиммасига юқлатилган. Шунинг учун кўп ҳолларда дарвозалар шу маҳалла номи билан аталган: Қашқар, Сағбон кабилар. Айрим ҳолларда дарвозалар йўналишларга қараб номланган: Қўқон, Самарқанд кабилар. 1865 йилда Тошкент мустақиллиги тугагач дарвозалар бирин-кетин бузиб ташланди.

Бешёғоч дарвозаси Қўймас ва Камолон дарвозалари оралигига бўлган, XV-XVI асрларда Тошкент Бешёғоч ва Ўрда томон кенгайиб боради. Жумладан, Тошкент хонининг эски шаҳарнинг ҳозирги Гулбозор маҳалласидаги ўрдасидан Бешёғоч даҳасининг ҳозирги Қоратош маҳал-



*Тошкент мудофаа дөвөрининг Бешёгоч
дарвозаси га яқин қисми*

ласи ўрнида қурилган янги ўрдасига кўчиши муносабати билан шаҳар ҳудуди кенгайтирилиб, мудофаа дөворлари қурилади. Шу муносабат билан Бешёгоч маҳалласи ҳудудида, жанубга олиб борадиган катта карvon йўлига янги дарвоза қурилиб, шу маҳалла маъсуллигига топширилди. Номи шундан. XIX асрнинг 70-йилларида дарвоза ва мудофаа дөворлари бузилиб, ўрнида Бешёгоч майдони барпо бўлган.

Камолон дарвозаси Бешёгоч даҳасининг қадимий дарвозаларидан бири бўлиб, Бешёгоч ва Самарқанд дарвозалари оралғида, Камолон маҳалласи ҳудудида ва маҳалла масъуллигига бўлган. Номи шундан. Муҳаммад Солиҳ «Тошкентнинг янги тарихи» номли асарида Камолон маҳалла сифатида тилга олинган бўлиб, дарвоза эса Камондарон кўринишида ёзилган. Шунингдек, камондаронларнинг Бузуқ қабиласидан бир тоифасига мансублиги кўрсангиб ўтилган. Табиийки, маҳаллада яшаган бу тоифанинг асосий касб-корлари камон ва камон ўқи ясаш бўлган. Камондарон (камонгорон) яъни камонзорлар, кейинчалик оғзаки тилемизга Камолон талаффузида етиб келган. Тарихдан маълумки, Тошкентда ясалган ўқёйлар Шарқда «Камони Шоший» номи билан машҳур бўлган ва Шарқ адиллари асарларида таърифланган.

Самарқанд дарвозаси Бешёгоч даҳасининг қадимий дарвозаларидан бири. Камолон ва Кўкча дарвозалари ора-

лиғидаги Самарқанд йўли кўчасида бўлган. Дарвоза масъуллигини олган маҳалла ҳам шу ном билан, яъни Самарқанд дарвоза номи билан аталган. Самарқанд дарвоза кўчасининг давоми Чилонзор туманидаги Қатортол кўчаси бўлиб, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмга олиб борадиган катта Карвон йўли бўлган. Маҳаллада ўзбек романчилик мактабининг асосчиси А. Қодирий яшаган.

Қашқар дарвозаси даврига, йўналишига қараб, Хитой, Оққўргон, Шайхонтоҳур номлари билан ҳам аталиб келинган. Шунингдек, ушбу маълумотлар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйфотиши табиий.

– Дарвозанинг Хитой деб номланиши Тошкентнинг географик жойлашиши билан боғлиқ бўлиши керак, чунки Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи шаҳарнинг шу қисмига яқин жойдан ўтган.

– Оққўргон дейилишига сабаб, Хожа Аҳрор мадрасасининг вақф ерлари Оққўргон деб аталган. Оққўргонга шу дарвоза орқали ўтилган.

– Шайхонтоҳур дейилишига сабаб, дарвоза XIV-XV асрларда Тошкент мудофаа деворларининг кенгайтирилиши муносабати билан, дарвоза Шайхонтоҳур қабристонига яқин жойда таҳминан А. Навоий ва Б. Зокиров номидаги кўчалар кесишиган жойда бўлган. XVII асрнинг иккинчи ярмида шаҳар ҳокими Юнусхўжа ҳукмронлиги даврида дарвоза Тошкентнинг тўртингчи ўрдаси қурилиши муносабати билан Анҳор каналининг ўнг тарафида, таҳминан ҳозирги Қишлоқ Хўжалиги вазирлиги биноси яқинида ўрнатилган. Номи Шайхонтоҳурлигича қолган.

Тошкент Қўқон хонлиги тасарруфига ўтганидан кейин шаҳар ҳудуди кенгайтирилиши муносабати билан 1820 йилларда Анҳорнинг чап тарафига дарвоза қурилди. Дарвоза Лабзак ва Қўқон дарвозалари оралиғида, Қўқон хони ўрдаси ва Қашқар маҳалласини ажратиб турувчи ҳозирги А. Навоий кўчасининг Буюк Турон кўчаси билан кесишиган жойида бўлган. Дарвоза 1829 йилда Қўқон хони Муҳаммад Алихон даврида ўз ватани Қашқардан қувилиб, Қўқон хонлигидан паноҳ топган мусулмонлар жой-

лашған маҳалла масъуллигига топширилган. Дарвозанинг Қашқар деб номланиши шундан.

Қўқон дарвоза Қашқар ва Қўймас дарвозалари оралиғида Қўймас ва Маҳрам номларида келган ҳозирги Ўзбекистон ва ҳозирги Буюк Турон кўчалари кесишиган жойда бўлган (Бу кўча қадимда карvon йўли бўлиб, катта кўча дейиларди. Манбаларда 1875 йилгача Большая, кейинроқ Базарная, 1918 йилгача Д. И. Романовский, 1992 йилгача Ленин номларида келган). 1820 йилларда Қўқон хонлиги томонидан қурилган бу дарвоза шаҳарнинг бошқа дарвозаларига нисбатан анча ҳашаматли бўлиб, табақалари төмیر ва мис билан қопланган. Кандакорлик безаклари билан безатилган. Дарвозадан фақат ўрдага кирилган. Қўқон хони Тошкентга келганида дарвоза олдидаги карнай-сурнайлар билан тантанали кутиб олинган.

Қўймас дарвозаси Қўқон хони ўрдаси билан Бешёоч дарвозалари оралиғида, Анҳорнинг чап томонида, Қўймас (манбаларда Тали қўймас тепалиги) истеҳкоми харобалари ёнида бўлган. Истеҳком ташки душмандан шаҳарни ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнаган. Номи шундан. Машхур қадимшуносляримиздан Яҳё Фуломов ўз маъruzalariдан бирида 1485-87 йилларда Тошкент ҳокими Юнусхон томонидан қурдирилган истеҳкомлардан бири бўлиши керак деган фикрни айтган эди. Дарвозанинг ўша давргача бўлган ўрни Анҳорнинг ўнг томонида бўлган. Айрим қадимшунослярнинг тадқиқотларига кўра, бу дарвоза Темур даврига хос дарвозалар рўйхатида Қатагон дарвозаси деб аталган. Қатагон ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалардан бири.

1865 йилда Россия томонидан Тошкент босиб олингач, Черняев бу «Таликймас» тепалигини тўрт тарафидан девор олдириб, қўргон қурдирилган. Эл оғзида бу жой Тупроқ-қўргон номи билан қолган. Бу қўргоннинг тўплари Эскишаҳарга қаратилган бўлиб, шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмини мудофаа қилиб турган. 1867 йилдан 1883 йилгача бу қўргондан ҳар куни соат 12.00 да тўплар отилиб, гёё маҳаллий халқни даҳшатга солиб турган. Маҳаллий халқда «Тўпотар» ибораси шундан келиб чиққан.

Кўкча дарвозаси қадимий дарвозалардан бири бўлиб, Чигатой ва Самарқанд дарвозалари оралиғида, ҳозирги М. Уйғур кўчасининг тўхташ жойида (бекатида) бўлган. Дарвозанинг масъуллигини олган маҳалла номи ҳам Дарвоза деб аталган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Кўкча номи Коҳча, яъни қальъача сўзидан келиб чиққан. Бу атама V-XI аср археологик ёдгорлиги Кўкча оқтепасига нисбатан айтилган. Бу ёдгорлик ўтган асрнинг 80-йилларида текисланиб ташланган.

Сағбон дарвозаси Кўкча даҳасининг қадимий дарвозаларидан бири бўлиб, Чигатой ва Қорасарой дарвозалари оралиғида, Сағбон маҳалласи ҳудудида бўлганлиги учун шу маҳалла масъуллигида бўлган. Номи шундан. Асл номи Суқбон («суқ» – арабчада «бозор», «бон» – «қоровул»), яъни бозор қоровули. Маҳалла аҳлининг асосий тирикчилити Даشت қипчоқдан ҳайдаб келинган отарлар, қорамол ва йилқиларни қўриқлашган. Шунингдек, жаллоблик билан ҳам шуғулланишган.

Чигатой дарвозаси Кўкча ва Сағбон дарвозалари оралиғида, Кайкобус ариғи бўйида, Чигатой маҳалласи ҳудудида ва шу маҳалла масъуллигида бўлган. Номи шундан. Чигатой улусини идора этган сулола (1224-370) Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой (1242 йилда вафот этган) номидан келиб чиққан деган сабаб билан ўтган асрнинг 80-йилларида маҳалла ва кўча номлари ўзгартирилган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Туркий Чигатой улуси ўзбеклар таркибидаги йирик қабилалардан бири бўлиб, Чингизхоннинг ўғли Чигатоидан анча илгари ҳам мавжуд бўлган. Чигатой тили, Чигатой адабиёти каби атамалар шу қабила номига мансуб.

Қорасарой дарвозаси Себзор даҳасининг қадимий дарвозаларидан бири Сағбон ва Тахтапул дарвозалари оралиғида Кайкобус аригининг бўйида, Қорасарой маҳалласи ҳудудида ва шу маҳалла масъуллигида бўлган. Номи шундан. Дарвозадан ташқарида Қорасарой қабристони бўлган.

Тахтапул дарвозаси Себзор даҳасининг Қорасарой ва Лабзак дарвозалари оралигига, Кайкобус аригининг бўйида, Тахтапул маҳалласи ҳудудида бўлган. XVIII асрнинг 80-йилларида Тошкент ҳокими Юнусхўжа ҳукмронлиги даврида шаҳар ҳудуди бирмунча кенгайтирилиб, янги мудофаа деворлари ва қўшимча дарвозалар қурилади. Жумладан, Себзор маҳалласидаги кичик дарвоза ва мудофаа деворлари бузилиб, ўрнига Кайкобус ариги бўйида янги мудофаа девори, дарвоза ва Кайкобус аригига Тахта кўпприк қурилади. Дарвоза, маҳалла ва кўчанинг Тахтапул (Тахтакўприк) деб номланиши шундан.

Лабзак дарвозаси Себзор даҳасининг уч дарвозасидан бири бўлиб, Тахтапул ва Қашқар дарвозалари оралигига жойлашган эди. Манбаларда ўзбеклар дарвозаси деб ҳам юритилган. Маҳалла ҳудудидан ўтган ариқ Бўзсув тармоқлари бўлмиш Анҳор ва Кайкобус каналларига яқин бўлганлиги сабабли сув доим тўлиб-тошиб оққан. Шунинг учун, ариқ бўйлари нисбатан заҳроқ бўлган. Маҳалла, ариқ ва дарвозанинг Лабзак (яъни, заҳ ариғининг бўйи) деб номланиши шундан. Дарвоза 1820 йилларда Қўқон хонлиги ҳукмронлиги даврида шаҳар ҳудудининг кенгайтирилиши муносабати билан қурилган.

Тошкент тарихида юқорида номлари келтирилган шаҳарнинг 12 дарвозасидан ташқари Наршахий ва Мақдусий каби қадимий тарихчиларнинг асаларидан ўрин олган қадимий Тошкент ўрдасининг икки дарвозаси ва шаҳристонининг Абул Аббос, Каср (Кеш), Гумбаз (Жунай) номлари билан келган уч дарвозаси бўлиб, булар ҳозирги Эскижўва бозори, Зарқайнар, А. Навоий ва Чорсу кўчалари оралигига бўлган. Бу дарвозаларнинг баъзилари тахминан ҳозирги А. Ҳидоятов номли театр ва Кўкалдош мадрасасининг орқа томонида бўлган. Шунингдек, ҳозирги А. Навоий (илгариги номи Шайхонтоҳур) кўчасидан Шайхонтоҳур зиёратгоҳига киришдаги машҳур Шайхонтоҳур дарвозаси бўлган. Дарвоза ўтган асрнинг 40-йилларида Навоий кўчасининг кенгайтирилиши муносабати билан буздириб юборилган.

ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИ

Тошкент Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўрта Осиёning қадимий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлган. Шаҳар муҳим географик ўринда – Шарқ ва Фарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ йўлида жойлашганилиги сабабли, бу ерга ҳар йили юзлаб савдо карвонлари келиб турган.

Тошкентни истило қилишда қатнашган рус рассоми В. Верещагиннинг ёзишича, «Мен кўрган Шарқ шаҳарларининг ҳеч бирини кенглигиги жиҳатидан Тошкентликларнинг бозорига тенглаштириб бўлмайди. Ундаги дўконлар кичкина бўлсада, сон-саноқсиз. Айтиш қийин, Тошкентда дўкондорлик ҳунари билан шуғулланмайдиган бирон-бир киши бормикан? Тушда бозор роса қизийди, савдо ишлари янада жонланади, одам жуда тиқилинч бўлиб кетади, кўчаларда эшак, от ва туяларнинг кўклигидан юриш қийинлашиди. ...»

«Умуман савдо масаласига келсак, – деб ёзади Верещагин, – Тошкентнинг рақиби йўқ. У Ўрта Осиёning асосий савдо йўли устида жойлашган бўлиб, Бухоро ва Кўқондан Россияга ва аксинча, ўтадиган карвонлар тўхтаб ўтадиган шаҳардир».

1813 йили Тошкентда бўлган элчи Филипп Назаров эса шаҳарни турли мамлакатлардан тинмай карвонлар келиб-кетадиган йирик савдо пункти деб таърифлайди.

Рус тарихчиси В. Масалский Эскишаҳар бозорининг 1908-1910 йиллардаги кўринишини қуйидагича тасвирлайди. Бир қисми тимдан иборат бозорда 4500 та дўкон, чойхона, ошхона, устахона ва карвонсарой борки, улар бозор кунлари ниҳоятда тиқилинч бўлади. Бозорга туташган кўчалар ва бозорнинг ўзи шаҳарликлар, даладан келган деҳқонлар, тuya карвонлари, отлиқлар, аравалар билан шу қадар тўлиб кетганки, юришга илож бўлмай қолади. Аллофу қандолатчи, каллапазу кабобпаз, бazzозу сомсапаз, мисгару чилангар, новвою ҳолвафурушларнинг бақир чақириғи, гадоларнинг хайру садақа тилаши, қаландару маддоҳларнинг қироатли ўқишилари, туяларнинг бўкиришию, эшакларнинг ҳанграши

аралаш-қуралаш бўлиб кетадида, бу маҳобатли гулдурос бо-
зордан олис-олисларгача эшитилиб турди.

Бозор фақат савдо-сотиқ билан хизмат қилибгина қолмай,
шаҳар халқи ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам эди. Шаҳар ҳоки-
мининг турли фармоңлари масжидларда маълум қилингандан
ташқари, яна бозорда жарчилар томонидан эълон қилинار-
ди. Ўрта Осиёning бошқа йирик шаҳарларида бўлгани каби
бу ерда ҳам, ҳайит ва рўза кунлари бозоршаб (кечки бозор)
ўтарди. Бозоршабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири
ёки майдони безатилиб, кўчанинг икки четидаги чойхона ва
дўконлар олдига чорпоялар қўйилиб, ҳар хил мева-чева, озиқ-
овқатлар сотилган. Карнай-сурнай ва ноғоралар чалиниб,
маҳсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаб турган. Бир
тomonда дорбозлар, масхарабозлик ва қўғирчоқбозлик, бир
tomonda кураш ва ўргатилган ҳайвонлар томошаси бўлиб тур-
ган. Чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, қизиқчи ва рақ-
қослар ўз ҳунарларини намойиш қилганлар.

XIX асрнинг ўрталарида Россия ва бошқа Европа савдо-
гарларининг Тошкент бозорига интилиши натижасида Эс-
кижўва бозори янада гавжумлашади. Натижада, турли сав-
до фирмалари бу бозорда ўз идора ва магазинларини қура-
дилар. Жумладан, савдогар Яушевларнинг Маҳсидўзлик
кўчасидаги маҳаллий фирмаси ва улар билан иш олиб бор-
ган (2005 йилда бузилиб кетган) Эмиль Цинделнинг газлама
фирмасининг идораси учун қурилган биноси кабилар. Бино
кейинчалик халқ орасида «Синдел дом» номи билан машҳур
топган. 1928 йилда «Циндел» фирмаси жойлашган бинода
«Ёш томошабинлар театри» ташкил қилинди.

Шунингдек, Эскижўва бозори ҳудудида Граховский, Ни-
кифров, Заҳо, Ю.Давидов ва Шамси Асатулла ўғиллари-
нинг турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи магазинлари
ва идоралари ўз ишларини бошлайди. Эскижўва бозори дав-
рига қараб турли номлар билан аталган. Қуйида ана шу
Эскижўва бозорининг турли даврдаги номларини изоҳлаш-
га ҳаракат қиласиз:

Регистон (форсча) – Ўрта Шарқ шаҳарларидағи майдон.
Туркійда қумлоқ маъносини англатади. Номига кўра бу


бозорнинг дастлабки номи. Чунки Ўрта Осиёда одатда бозорлар унумсиз құмлоқ ва тошлоқ жойларда ташкил қилинган. Лабзак ёки Жангоб ариғининг ҳозирги бозор марказидан ўтадиган жойлар пастлик ва тошлоқ жойлар бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиё шаҳарларида марказий майдонлар Регистон деб юритилган. Бу бозор ҳақида X аср тарихчиси Мақдусийнинг ёзишича, «Тошкентдан бошқа шаҳарларга темир буюмлар, эгар-жабдуқлар ва бошқа ҳунармандлик маҳсулотлари олиб кетиларди, Тошкент камонлари ва нафис идиш-товоқлари билан шуҳрат қозонган эди».

Қўшбозор. XV-XVI асрларда шаҳар ҳудуди ҳозирги Ўрда ва Бешёоч томон кенгайиб боради. Бинкат номи билан келган Тошкентнинг шаҳристони нураб борарди. Натижада, ўз даври талабларига жавоб бера оладиган янги хон ўрдаси ва шаҳристони ҳозирги Қоратош ва Олмазор маҳаллалари ўрнида қурилади. Бўшаб қолган эски ўрда ва шаҳристон ўрнида янги бозор вужудга кела бошлайди. Янги бозорда кулоллар, мисгарлар, тақачилар, тўқимачилар каби қатор устахоналар жойлашиб, Регистон бозори билан параллел равишда савдо-сотиқ ишларини давом эттира бошлайди. Бу ҳар икки бозор қўшилиб, бир қанча муддат Қўшбозор номи билан атала бошланган.

Чорсу – дастлаб Бешёоч даҳасининг қадимий маҳаллаларидан бири бўлган. Маҳалла сифатида XI асрда вужудга келган. Унга шаҳарнинг асосий дарвозаларидан йўллар келиб тулашган.

Ўрта аср шарқ шаҳарларида 2 йирик кўча кесишган жой – Чорсу дейилган. Бундай жойларда одатда савдо расталари, косибларнинг дўконлари жойлашган. Табиийки, бозор билан чегарадош бўлган бу маҳалла ўз-ўзидан Регистон бозорига қўшилиб кетган. Қадимий манбаларда Човурсук (тўрт томонлама), Чорсук, Чорбозор кўринишларида ҳам учрайди. Суқ сўзи арабчада бозор маъносини англатган. Кейинчалик оғзаки сўзлашувда Чорсу шаклини олган.

Эскижўва Себзор даҳасининг қадимий маҳаллаларидан бири бўлган. Маҳсидўзлик кўчасида маҳалла ҳунармандларининг асосий қисми жойлашган бўлиб, савдо-сотиқ қай-



Чорсу бозоринин *г* турли күринишилари

наган жойлардан бири ҳисобланган. Вақтлар ўтиб бу қадимий маҳалла ҳам марказий бозорнинг бир қисми ва кейинчалик бозорнинг асосини ташкил қилиб, Эскижўва номи билан атала бошланган.

Профессор Х.Х. Ҳасанов «Эскижўва» – маҳалла номи, ҳарбий аслаҳалар омбори (жўвахона) бўлганидан бу жой шундай ном олган дейди. Ҳақиқатан ҳам жиба «совут» деган сўз (С.Қораев).

Қадимшунос олима В.А. Булатова эса таниқли олима О.Смирнова асарларида «эски» – сўзи сўфд тилида «баланд» деган маънони англатишини учратиб қолганлигини ёзади. Бу термин қадимий Тошкентга жуда мос деган хulosага келиб, Эскижўва – «баланд бозор» дегани дейди ва исботи тариқасида «Тошкент» етти сой ва етти тепалиқдан қад кўтартган, деган афсонани келтиради.

XVI асрда Тошкентнинг ўрдаси эски шаҳар қисмидан Бешёғоч тарафга кўчирилди. Табиийки, унинг қурол-аслаҳа сақлайдиган омбори ҳам янги жойга кўчирилади. Эски омборхона эса эски жиба, яъни эски омборхона номида қолади. Вақтлар ўтиши билан жиба, жўва кўринишини олиб Эскижўва деб атала бошланган.

Пастбозор. Бозорни халқ ҳозирги кунларда ҳам «Пастбозор» деб айтади, сабаби бозор пастликка жойлашган. Қадимий туркий тилимизда сувлоқ пастлик ерни «Чоч» деб аташган, шаҳарнинг Чоч деган номи ана шу ҳолатдан келиб чиққан, деган хulosага келади тадқиқотчи А.Иброҳимов.

Октябрь бозори. Шўролар даврида бозорнинг қоқ ўртасидаги ресторан Октябрь номи билан аталди. Сўнг Эскижўва маҳалласи ўрнида Калинин ҳайкали ўрнатилиб, майдон номи Калинин номи билан ўзгартирилган эди. Хуллас, бозор номи ҳам Октябрь номи билан атала бошланди. Аммо 70 йил давомида бу ном халқ онгига сингмади. Барibir Чорсу, Эскижўва ёки Пастбозор номи билан аталиб келинаверди.

Олой бозори (Амир Темур кўчаси). Дастрлаб бир неча йиллар давомида норасмий кичик чакана бозор сифатида чорва ва деҳқончилик маҳсулотлари билан олди-сотди қилинаверди.



Пиён бозор

ниб турган жой. 1928 йилдан Олой бозори номи билан расмий равища бозорга асос солинган ва кейинги мустақиллик йилларида замонавий бозор тариқасида қайта қурилган.

Айрим қадимшуносларнинг фикрича, XIX асрнинг 80-иyllарида Ўрта Осиё аёлларидан биринчи бўлиб «доддоҳ» унвонини олган, «Олой маликаси» номи билан машҳур бўлган, Олой вилоятининг ҳокими Қурбонжон доддоҳ ўз ўғиллари билан мустақилликка эришиш мақсадида «Пўлатхон» қўзголони иштирокчилари томонига ўтади. 1876 йил 25 апрелда М.Д. Скобелев қўшинига кучли зарба берган, бироқ, кейинчалик хоинлик натижасида мағлубиятга учраган. Одамларининг айримлари асирга тушган, айримлари турли томонларга қочишга мажбур бўлган. Шуларнинг бир қисми ҳозирги Тошкентнинг Олой бозори ҳудудидан манзил топган ва савдо-сотиқ билан шуғулланишган. Бозорнинг Олой деб номланиши шундан.

Аммо, айрим ҳаваскор атамашунослар матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларида келтиришларича, Олой сўзи Алоэ ўсимлиги номидан келиб чиқсан дейишиди. Айтишларича, бир вақтлар бу ерда алоэ ўсимлиги би-

лан савдо қилишган. Шу сабаб бўлса керак, Олой бозори, яъни «Алайский рынок» бўлиб кетган, деган фикрни билдирадилар.

Пиёнбозор – 1866 йилда ўша даврдаги шаҳарнинг руслар яшайдиган қисми чеккасида Якшанба бозор (Воскресенский базар) очилади. Савдонинг асосий қисмини спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар, майхоналар ташкил қилган. Маҳаллий аҳолининг айрим бойваччалари бу жойга келиб кайфу сафо қилиб туришган. Маҳаллий ҳалқ ибораси билан Пиён бозор деб номланиши шундан. Бозор 1930 йилгача мавжуд бўлган. Кейинчалик бу ҳудудда Алишер Навоий номли театр қурилган. 1947 йилдан бу ҳудуд Театр майдони номи билан атала бошланган.

Қаймоқбозор – Эскижўва бозоридан кейинги энг катта бозор ҳисобланган. Тошкент ҳокими Юнусхўжа ҳукмронлиги даврида қурилган ва 1810 йилда Қўқон хонлиги босқини даврида вайронага айлантирилган Кичик ўрда деб номланувчи ўрда вайроналари тепалиги ўрнида бўлган. Шайхонтоҳур дарвозасига яқин бўлган. Асосий савдоси чорва маҳсулотлари бўлган. Бозорнинг «Қаймоқбозор» деб номланиши шундан. Бозор тахминан Шайхонтоҳур, А.Навоий, А.Қодирий ва Анҳор канали оралиғида бўлган.

ТОШКЕНТ СУВ ТАРМОҚЛАРИ

Афсоналарда айтилишича, Тошкент етти сой ва етти тепалик бор жойда қад күтарган. Кўпинча афсона ва ривоятлар мазмунида **рационал маънo** ва халқ фантазиясининг реал асослари ҳам ётади. Ҳар ҳолда Тошкент Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарларга қараганда сувга сероб ва боғ-роғларга бурканган шаҳар бўлган. Халқимиз сугориш маданиятида усталик даражасига эришган. Бу борада бундан 1200 йил бурун **Нил дарёси** сувини ўлча йидиган «Миқёс-ул-жадид»ни яратиб, минг йиллар давомида мисрликлар ечолмаган муаммони ечиб берган Аҳмад ал-Фарғоний билан фаҳрлансанак арзиди.

Тошкентда сугориш шохобчалари яхши йўлга қўйилган лигини кўлчилик ёши улуғларимиз яхши биладилар: шаҳарда оқар сувли ҳовузсиз маҳалла ёки гузар бўлмаган. Бу ҳовузлар сув таъминотини яхшилаш билан бирга жазира-ма ёз чиллларида шаҳар ҳароратини яхшилаб турган. Маълумотларга қараганда, шаҳарда 500 дан ортиқроқ ҳовуз бўлган. Баъзи ҳовузларнинг номи ҳамон эслатиб турилади. Катта ҳовуз, Ҳовузбоғ, Лангар ҳовуз ва бошқалар. Нисбатан баландликда жойлашган маҳаллаларга ҳам физика фанидаги туташ идишларда сув сатҳи бир текисликка кўтарилади, деган қонун бўйича кўтарма ва қайнама деган сув иншоотлари ўтказилган ёки чархпалак сув узатгичи ўрнатилган. Ҳар бир тошкентлик, ёшу қари сувни муқаддас билиб, унга туфламаслик, ҳовли ёки кўча супурилганда эҳтиётлик билан ариқ томондан бошлашган. Сувга нисбатан бундай ҳурмат ва фойдаланиш усуllibарига лол қолган дўсту душманларимиз ўзларидан қолдирган хотира ёки асарларида тан **Беріб** эътироф этишган. Жумладан, А. Добромислов 1912 йилда ёзган «Ташкент в прошлом и в настоящем» асарида кўп нарсада жумладан, сугориш системасида ўз ҳайратини яшира олмаган.

Қадимшунос олим академик Яҳё Фуломовнинг ташаббуси билан 1966 йилда ташкил қилинган Тошкент археологик гуруҳининг тадқиқотларига кўра, бундан уч минг йиллар

илгари аждодларимиз Чирчиқ дарёсини тўсиб, кетмон билан ариқ қазиб Тошкентга сув олиб келганлар, воҳани обод қилганлар.

Қуйида аждодларимиз томонидан бунёд қишишган сув манбалари атамаси ҳақида маълумот беришга ҳаракат қиласиз.

Чирчиқ – Сирдарёning ўнг ирмоги. Абдулахон тарихида Чир дарёси Чирчиқ номи билан машҳур дейилади. Бобур бу дарёни Чир суйи деб тилга олган. Чирчиқни Сир-чиқ, яъни «Кичик сир» (дарё) деб изоҳлаш тўгриди, деб ёзади атамашунос олим С. Қораев. 713 йили Араб халифалиги босқини туфайли гуллаб яшнаётган Чоч катта талофат кўрди. Суғориш шоҳобчалари, шаҳар вайрон бўлди. IX асрда Араб халифалиги Чоч суғориш шоҳобчаларини қайта тиклаш учун 2 миллион дирҳам ажратгандан сўнг Тошкент тикланана бошланди. Янги Бўзсув суғориш системаси асосида қайта вужудга келган шаҳар Бинкент ва Тошкент номлари билан атала бошланди.

Бўзсув – Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги магистрал канал. Чирчиқ шаҳрида Чирчиқ дарёсидан сув олиб, Чиноз шаҳри ёнида Сирдарёга қўшилади. Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманлари ҳудудидан ўтади. Бўзсув – лойқа, сариқ тусли сув дегани. Дарё юмшоқ жинсларни ювиб оққанда сув бўз рангда бўлади. Ривоятларда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Барзий деган дәҳқон номи билан боғлиқлиги ҳикоя қилинади.

Захариқ – Чирчиқ дарёсидан сув оладиган канал. Ҳужжатларда Зоғариқ, баъзан Золариқ шаклида учрайди. Халқ орасида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тасвирланган Зол номли глюсонинг номи билан боғлиқлиги ҳикоя қилинади.

Кайкобус – Бўзсувнинг ўнг тармоғи. Шайхонтоҳур ва С. Раҳимов туманлари ҳудудидан ўтади. VIII асрда Бўзсув канали кенгайтирилиб, ундан Кайкобус ариғи чиқарилган ва Қорақамиш жарлигигача етказилган. Шайбонийлардан бўлган Суюнчхўжаҳон XVI асрда Тошкентнинг Себзор даҳасида, ҳозирги Кайковус канали атрофида ажойиб бир сўлим боғ барпо қилиб, уни Кайкобус чорбоги деб атаған.

Халқ орасида Кайкобус ариғи (сўзлашувда Калковуз) қадимиий Эрон Қаёнийлар сулоласидан бўлган подшо Кай-

кобус томонидан қаздирилган деган ривоятлар ҳам юради. Номи шундан.

Салор – Тошкентнинг шарқ ва жанубий қисмидан ўтган Бўзсув каналидаги Салор ГЭСидан бошланиб, Чирчиқ дарёсига қўшилади. Хожа Аҳороннинг вақф ҳужжатларида бу канал Рудак (тожикча – дарёча) номи билан юритилган. Салурлар Хитойнинг Цинхай вилояти Сюнхуа туманида яшайдилар. Аҳолиси 90 минг кишини ташкил қиласиди. Ўзбек урф одатларини сақлаб қолганлар. Қибрай туманидаги 1978 йилда барпо қилинган шаҳарча ҳам Салор деб аталади. Республикаиз ҳудудида Салор номли туркий қабила бўлган. XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрдан Хитой томонларга кўчиб кетишган. Мазкур атама Ўғузлар хони Дегихоннинг олтинчи ўғли Салур номи билан боғлиқ. Салор сўзи – форсийда лашкарбоши маъносини ҳам англатади.

Бўрижар – Бўзсувнинг чап тармоғи. Оқтепа ГЭСи юқорисидан бошланиб, Салор каналига қўйилади. Чилонзор ва Яккасарой туманлари ҳудудларидан оқади. Каналнинг ўзани чуқур бўлиб, қирғоқлари тикилги ва атрофи кенг чакалакзор бўлганлиги туфайли ёввойи ҳайвонлар ҳам учраб турган. Бўрижар деб номланиши шундан.

Қорасув – Бўзсувнинг сўл ирмоғи. Бўзсув ГЭСининг пастки қисмидан бошланади. Тошкентнинг жанубий шарқини сув билан таъминлаб турган. Топонимик терминларда Қора ер қуруқлик маъносида келади. Шунга кўра, Қорасув (ердан чиққан сув), яъни сизот суви, деб тушунмоқ мумкин. Қадимдан халқимиз сизот сувлар ва булоқлардан ҳосил бўлган сой ва анҳорларни «Сиёҳ-об», ёки қисқартириб Сиёб, яъни Қорасув деб юритиб келган. Археологик маълумотларга кўра, қадимда Чирчиқ дарёси тошқинлар ва сизот сувларидан Салор, Қорасув, Жўнариқ каби табиий сув манбалари ҳосил бўлган деган маълумотлар учрайди.


Қомусий адабиётларда эрамиз бошларида Сибирь ва Қозоғистон, қисман Ўзбекистон ҳудудларида Қорасуг (сўзлашувда Қорасув бўлиб кетган бўлиши ҳам мумкин) қабиласи яшаганлиги ва Ўрта Осиё халқлари билан маданий алоқада бўлганниклари ҳақида маълумотлар бор.

Дархон – Салор каналининг ўнг қирғоғидан бошланувчи қадимий ариқ. Ўтган асрнинг 50-йилларида юқори ўзани текислаб юборилгач, қолган қисми Оққўрғон каналининг чап шоҳобчасига айлантирилган. Шайхонтоҳур даҳасидаги Дархон маҳалласининг боғлари шу ариқ ёқасида бўлган. Шу сабаб ариқ маҳалла номи билан Дархон деб аталган. Тошкентда Дархон номли маҳаллалар бошқа даҳаларда ҳам учрайди. Айрим қадимшуносларимизнинг фикрига кўра, Дархон мўгулча сўз бўлиб, мажбуриятлардан озод қилинган демакдир. Қозоқ ургуларидан бирининг номи ҳам Дархон деб аталган.

Чоули – Тарихчи Муҳаммад Солиҳ «Тошкентнинг янги тарихи» асарида Шайх Шибли (Чоули) ариғи Ўзбеклар дарвозасидан (Лабзак дарвозаси М.Солиҳ даврида шу ном билан аталган бўлиши керак) шаҳарга кириб, Қиёт дарвозасидан ташқарига оқиб чиқади, дейди. Айрим рус қадимшунослари «Шиблини руслар човли деб ўзлаштирганлар», деган фикрдалар. Айрим атамашунослар бу қабила номи билан аталиб келган деган фикрдалар. Чунки ўзбекларнинг Қорахитой ва Қўнғирот қабилалари таркибида Чоййули уруғи бўлган.

Анҳор – (арабча «наҳр» – дарё, деган сўзнинг кўплиги) – катта канал, ариқ. Шаҳримизнинг Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари ҳудудидан оқиб ўтадиган бу сув оқими Бўзсувнинг ўнг тармоғи бўлиб, узунлиги 9,1 км. 1865 йилда янги турдаги бежамдор кўприк қурилган. Кўприк 1913 йилгача Тошкентнинг эски шаҳар қисмини янги шаҳар қисми билан боғлаб турган. 1913 йилда Трамвай йўли қурилиши муносабати билан гишткўприк, 1940 йил ҳозирда ҳам фойдаланиб келаётганимиз темир-бетон кўприк қурилган.

Жўнариқ. Салор ва Қорасувнинг тармоги бўлмиш бу ариқ Сергели туманидаги Шоштепа ва унинг атрофини сув билан таъминлаб турган. Ҳозирги пайтда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ариқ, баъзан кичикроқ канал ҳам «Жўй» деб аталади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу сўзнинг кичрайтирилган шакли – «Жўяқ» сақланиб қолган. XVI асрларда шаҳар доирасидаги сув тармоқларининг айримлари Жўйи ариқ (тоҷикча), яъни «шаҳар ариғи» дейилган. Бу атама ҳалқ тилида Жўнариқ бўлиб кетган деган фикрлар бор.



Сенат биносининг асосий қисми



“Чорсу” меҳмонхонаси ва унга туташ замонавий бинолар



Чархпалак – умр рамзи



Алишер Навоий ҳайкали Наврўз тантанаси либосида



Юз йилдан күпроқ тарихга гувоҳ бино – ҳозирги Вестминстер университети




Темурийлар тарихи музейи ичидаги улкан панно




Шымолий темир йўл вокзали



Бешик – миллий қадриятимиз ва бахтли келажагимиз нишонаси



Гүзал меморлиг ечими – “Интерконтинентал” меҳмонхонаси



Катталиги бүйича Марказий Осиёдаги ягона цирк биноси



Алишер Навоий Опера ва Балет театри



Темурийлар тарихи Давлат музейи




Кўркам бош спорт майдони – “Пахтакор” стадиони



“Гранд Мир” меҳмонхонаси




Амир Темур ҳайкали




Ўзбек Милитий Академик Драма Театри биноси




Фарзандларымиз – бизнинг эртамиз, келажагимиздир



Замонавий спорт комплекси – теннис корти



Замонавий күринишга эга Дедеман меҳмонхонаси




Пойтахтимиз Ҳамза туманидаги намунали «Бобур» маҳалла фаоллари йигини



Навоий күчасидаги бизнес маркази биносининг
узоқдан кўриниши



Хотира вә қадрлаш маңдонаи доим одамлар билан гавжум



Меъморий обидаларимиз – пойтахтимиз кўркидир




“Марказий” меҳмонхона



Пойтахт фахри – телеминора



Ўзбекистон проспекти




Ўзбекистон меҳмонхонаси



Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат
Техника Университети биноси



Анхор канали



Шаҳидлар хиёбони. Бўзсув канали

ТОШКЕНТНИНГ СОБИҚ ЯНГИ ШАҲАР ДЕБ АТАЛГАН ҚИСМИ

Тошкент Россияга қўшиб олингандан кейин Анҳор билан Салор каналлари оралиғидаги ерларда, яъни Шайхонтоҳур даҳасига қарашли Оққўрғон, Миробод, Мингўрик каби мавзелар ҳудудида янги шаҳар қурилиши авж олиб кетди. Қўқон хонлигининг ўрдасига қарашли ҳудуд ҳам янги шаҳар доирасида қолди. Чор ҳокимиятининг амалдорлари мустамлакачилик тузумининг абадийлигини ва ўзгармаслигини ҳар томонлама таъкидлашга ҳаракат қилди. Янги қурилган шаҳар кўчалари ва майдонларига Николай, Духовский, Романовский, Константин, Черняев каби истилочи генераллар номи, ҳарбий қисмлар жойлашган кўчаларга Сапёрная, Конвойная, Стрелковая каби номлар, Туркистонни истило қилиш даврида босиб олганлари шарафига ўша шаҳарларнинг номлари билан Асакинский, Хивинский, Самарқанд, Жиззах Маҳрам, Зирабулоқ деб атала бошлади. Шунингдек, Тупроққўрғон атрофидаги кўчаларга 1865 йилгacha босиб олган шаҳарлари номи билан Чимкентская, Туркестанская, Аулиятинская деб атала бошланди.

Тошкентта бирин-кетин рус капитали кириб келаверди ва шу тариқа саноат ривожлана бошлади. Биринчи завод эгалари ва фабрикантлари пайдо бўлди. Янги пайдо бўлган «Тошкентлик» бойлар жойларга ўз номларини қўйиб хотира қолдиришарди. Рядов, Ляхтин, Косянов, Первушин, Иванов, Давидов кабилар шулар жумласидан эди.

Совет даврига келиб, юқоридаги номлар шўро ҳукуматининг асосчилари номлари билан алмаштирилди. Бу янги номлар орасида ҳам маҳаллий халқни ҳурмат билан эслатувчи номлар деярли йўқ эди.

Шаҳар маъмурлари бутун эътиборларини янги шаҳарн обод қилишга ҳаракат қилиб келди. Эски шаҳарга деярли маблағ ажратмади. Натижада Эски шаҳар аввалги файзли қиёфасини йуқотиб бораверди.

Мустақиллик (Собиқ Соборный, Ленин) майдони. Тошкент Россияга қўшиб олинганининг дастлабки йилиданоқ



Собиқ Российской (жозирги Мовароуннахр) күчаси



Собиқ Филипп Каплан дорихонаси



Собиқ Оқ уй

Анҳор бўйидаги Қўқон хонининг ўрдаси бузилиб, ўрнига Туркистон генерал-губернаторининг резиденцияси қурилди ва у Оқуй деб атала бошланади. 1888 йилда Оқуй яқинида Спасо-Преображенский собори қурилади. Натижада шаҳарнинг бош майдони, яъни эски ва янги шаҳар чегараси бунёдга келади. Майдон шу бино номи билан «Соборный» деб атала бошланади. 1930 йилда бу бино бузиб ташланади. Совет даврида шаҳарни реконструкция қилиш бош режасига асосан бу ҳудудда ҳукумат уйи қад кўтаради. Мустақиллик йилларида майдон томоман бошқача тус олиб, ҳалқимизнинг севимли зиёратгоҳига айланди.

Амир Темур хиёбони. XIX асрнинг 70-йилларида ҳарбий муҳандис Макаров лойиҳаси асосида бу ерда марказий майдон ташкил қилиниб, у Константин майдони деб атала бошланди. Майдонни кесиб ўтган Российский ва Кауфманский кўчалари майдонни тўртга бўлиб турган. Кейинчалик бу ҳар икки кўча 4 алоҳида кўчаларга бўлинниб кетади. Булар:

- марказий майдондан шимолий вокзалгача бўлган қисми (Российский, совет даврида Пролетарский), ҳозирги Мовароуннаҳр;
- марказий майдондан Юнусобод йўналишидаги қисми (Московский, совет даврида Ф.Энгелс), ҳозирги Амир Темур шоҳ кўчаси;
- марказий майдондан Мустақиллик майдонигача (Кауфманская, Соборний, совет даврида К.Маркс), ҳозирги Сайилгоҳ кўчаси;
- марказий майдондан Салор йўналишидаги қисми (собиқ Саларская, Ҳамза, Мусахонов, Паҳлавон Маҳмуд), 2008 йилдан Тараққиёт деб номланди.

1883 йилдан бу майдон ўрнида марказий хиёбон барпо қилиниб, генерал губернатор Кауфман номи билан атала бошланди. Шу билан бирга хиёбон атрофидаги айланма йўлдан бошқа янги кўчалар пайдо бўла бошлайди. Жумладан:


- Мустақиллик кўчаси (собиқ Лагерний, Пушкин);
- Матбуотчилар кўчаси (собиқ Петроград, Ленинград);
- Истиқлол (собиқ Воронцов, Сталин, Братская, Х.Сулеймонова);



Собиқ Спасо-Преображенский собори (1888 й.)




Марказий май-дон (1883 й.)



Фон Кауфман ҳайкали



Үроқ ва болға (1917 й.)



Революциянинг 10 йиллигига
қўйилган монумент



Сталин ҳайкали



Амир Темур хиёбони

- Фарфона йўли (собиқ Куйбышев, Қўйлиқ).
- Хиёбон марказида:
- 1913 йил 4 май генерал губернатор Кауфман ҳайкали;
- 1918 йил Озод меҳнат ёдгорлиги (ёғоч ва фанердан ишланган);
- 1927 йил Октябрнинг 10 йиллиги ёдгорлиги;
- 1950 йил Сталин ҳайкали 1954 йилда олиб ташланган;
- 1968 йил К.Маркс бюстси;
- Ниҳоят Президентимиз ташаббуси билан марказий майдонда Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди. Майдон Амир Темур номи билан атала бошланди. Майдон чеккасида Темурийлар даври музейи барпо этилди.

Марказий хиёбон агрофидаги бинолар

1817 йилда хиёбон қаршисида ҳозирги Мустақиллик ва Ҳамза кўчалари оралигида почта канторисининг биноси қурилади.

1887 йил 1 июлда почта кантораси телеграф билан бирлаширилади ва у «биринчи даражали Тошкент почта-телеграф кантораси» деб аталадиган бўлди. Ҳозир бу бино ўрнида «Ўзбекистон» меҳмонхонаси жойлашган.

1881 йилда Российский ва Петроград кўчалари оралигига полковник Тартаковскийнинг 1870 йилда қурилган уйи Туркистон ўқитувчилар семинариясига олиб берилади. Охириги йилларда бузилгунга қадар бу бинодан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси фаолият олиб борган. XIX асрнинг 90-йилларида архитектор Бенуа лойиҳаси асосида ўқитувчилар семинарияси биноси қаторига семинарлар церкови қурилади. Бу церков биноси ҳозир ҳам мавжуд.

1882 йилда хиёбон қаршисида Қўйлиқ ва Россия кўчалари оралигига 7,5 гектар жойни эгаллаган шаҳар боғи барпо қилинади. Кейинчалик боғ ҳудудида Хава, Турон каби ёзги кинотеатрлар ва яшил театр қурилади. 1890 йилда Тошкентнинг Россия томонидан босиб олинганининг 25 йиллиги муносабати билан боғда кўргазма ташкил қилинади. Город-



Собиқ Аёллар семинарияси биносы



Собиқ Тошкенит Марказий по чта ва телеграф контораси

ской сад, Горький, Меҳржон номлари билан келган бу боғ ўрнида ҳозир Тошкент шаҳар ҳокимиятининг биноси жойлашган.

XIX асрнинг 70-80 йилларида ҳозирги сайилгоҳ кўчасининг ҳар икки томонига, хиёбонга қаратиб эркаклар ва аёллар гимназияси қурилади. Бинолар ҳозир ҳам мавжуд. Унда Тошкент Давлат Юридик институти жойлашган.

1895 йилда хиёбон рўпарасида, ҳозирги Амир Темур ва Мустақиллик кўчалари оралиғида давлат банки биноси қурилган. Банк ҳозир ҳам мавжуд.

Сайилгоҳ (1912 йилгача Соборный, 1918 йилгача Кауфманский, 1992 йилгача Карл Маркс кўчаси). Соборний, Константин майдонларини боғлаб турганлиги учун кўча Соборний деб аталган. Соборний кўчаси ўша пайтларда ҳам Тошкентли кларнинг сайилгоҳ кўчаларидан бири бўлиб келган.

Кўчада Дорожновнинг газлама магазини, Соберейнинг китоб магазини, Савдогар Д.Т.Захонинг гастрономик магазини, шаҳар думаси аъзоси Орифхўжабой Азизхоновнинг катта савдо растаси бўлган. Бу бино XIX асрнинг охирида бутун Россияда расм бўлган «немис уйғониш даври» деб аталган устубда қурилган бўлиб, нафақат Тошкентда, балки бутун Ўрта Осиёда катта ва кўркамлиги бўйича ягона ҳисобланган. 1966 йил Тошкент зилзиласига қадар Тошкентнинг Бош универмаги вазифасини ўтаб келган.

XIX асрнинг 80-йилларида Соборная кўчасининг Романовский кўчаси билан кесишган қисмининг чап томонида князь Л.А.Романовга атаб сарой қурилади. Бу бино архитектор И.С.Гейнцельман томонидан роман устубининг деталларидан фойдаланиб электrik устубда қурилган. Саройнинг олд томони ўзбек миллий устубида ишланган бўлиб, унинг ҳамма безаклари маҳаллий халқ усталари томонидан ясалган. Бинода 1918 йилдан Санъат музейи, 1935 йилдан Республика пионерлар саройи ва ниҳоят, ҳозирда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг қабулхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

1912-16 йилларда Соборная кўчасининг Романовский кўчаси билан кесишган жойида, князь Романов саройи қаршиси-



Гимназия биноси (Хозирги Тошкент юридик институти)



Орифхўжабой Азизхоновнинг катта савдо растаси

да князга қарашли театр биноси қад кўтаради. Айрим ноқу́лайлик сабабларига кўра қайта тузатишлар киритилиб, кинотеатрга мослашибирлади. Кинотеатр Россиянинг Хива хонлигини боғиб олганликлари шарафига Хива деб номланниб, Совет даврида бузилгунга қадар «Ёш гвардия» номи билан ишлаб келди. 1928 йилда кинотеатр қаршиисига телевизатгич ўрнагилиб, 30-40 метр нарига қабул камераси кўйилади. Экранда юриб кетаётган одамлар ва трамвай тасвири кўринади. Шундай қилиб, дунёда биринчи жонли тасвирни қабул қилувчи телевизорга Тошкентда асос солинган эди. Уни Урта Осиё Давлат университетининг физика факультети лаборанти Б.П. Грабовский ўз ҳамкасабалари билан ихтиро қилган эди.

Мустақилик кўчаси (собиқ Латерная, А.С.Пушкин). Бу кўча XIX асрнинг 70-йилларида очилган. 1871 йили кўчанинг икки томонида дастлабки уйлар қад кўтара бошлайди. Булар асосан амандорлар, офицерлар, савдогарлар ва маҳалий бойларнинг уйлари эди.


Дастлабки йиллардан бошлаб, кўчада ҳаммомлар, почта биноси, вино ва тамаки заводлари пайдо бўлади. 1890 йилда шаҳар думаси аъзоси Д.П.Петров кўчада Тошкентда биринчи бор гүгурт фабрикасини очади. Филипп Капланнинг икки қаватли Аптека биноси ҳам ўша йилларда қурилган.

1903 йилдан собиқ Романовский кўчасидан А.С. Пушкин кўчаси бўйлаб, Сергиевский черкови (ҳозирги метро-нинг Ҳамид Олимжон бекати)гача кўнка қатнай бошлайди. Тошкентнинг манаман деган бойлари 1903 йилнинг 5 апрель куни анга шу кўнкада биринчи бор сайр қилишади. Тошкентда кўнка қатновининг йўлга қўйилиши Бельгиянинг номи яширин жамияти томонидан амалга оширилган эди. Кўнканинг яна бир йўли вокзал майдонини Эски шаҳар билан боғлаб турган. Дастлабки ҳар иккала йўлнинг узунлиги такминан 10 километрга яқин бўлган. 1916 йилнинг маълумотига кўра, кўнкага 230 та от хизмат қилар ва у 30 вагондан иборат эди.

Шаҳар думасининг 1908 йилда Бельгия жамияти билан шаҳарда электр трамвайнини йўлга қўйиш шартномасига



Хива (Ёш ғвардия кинотеатри)



Колизей (Хозирғи меҳнат биржаси биноси)

биноан янги қуриладиган трамвай йўли 1952 йилдагина шаҳар мулкига айланиши керак эди.

Бухоро кўчаси. Ўтмишда Жиззах, Правда Востока номлари билан қелган бу кўча Тошкентнинг гавжум жойларидан бири бўтиб келди. XIX асрнинг 70-йилларида рус қўшинлари томонидан босиб олиниши шарафига Жиззах шаҳри номи берилган эди. 1928 йилда Правда Востока газетасининг 1500-сони чиқиши муносабати билан кўчага ушбу газета номи берилди.

Матбуот уйи Романовский кўчаси билан Жиззах кўчаси бурчаги Мараказий аптека билан Пиёнбозор рўпарасида бўлган.

Зингер компанияси биноси. Кўчанинг Пиёнбозор (Воскресенский рынок) қаршисида «Кампания Зингер» деган немис фирмасининг идораси жойлашган бўлиб, фирма билан ёнма-ён савдо расталари ҳам мавжуд эди. Ўтган асрнинг 60-йилларида бу бино бузиб юборилган. Ўрнига ҳозирги Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг биноси қурилган.

Колизей. 1913 йилда Тошкентлик капиталист Цинцадзе бинони цирқ учун қурган эди. Лекин бинода цирк томошалари кўрсатилимади. Ниҳоят, бино «Колизей» театрига айлантирилди. Совет даврида бинода Ўзбекистон давлат филармонияси фаолият олиб борди. Ҳозир бино бутунлай қайта реконструкция қилиниб, унда Республика Кўчмас Мулк биржаси фаолият олиб бормоқда.

Собиқ «Националь» ва «Шарқ» номлари билан аталиб қелган меҳмонхона биносининг ҳозир бузилмай қолган қисмига Республика «Нуроний» жамғармаси биноси жойлашган.

Буюк Тўрон кўчаси (1875 йилгача Большая ёки Базарная, 1918 йилгача Д.И. Романовский, 1992 йилгача Ленин). Кўчага шаҳар бош режасига кўра 1866 йилда асос солина бошланган. Ўз даврида шаҳарнинг чекка қисмини Воскресенский бозори (Пиёнбозор) билан боғлаб турган ягона катта кўча бўлган. XIX асрнинг 70-йилларида кўчага расмий равища Туркистон генерал-губернатори Д.И. Романовский номи берилган эди. Кўчада 1966 йилгача шаҳар марка-



Собиқ Романовсий ва Хива кўчаси бурчаги



1870 йилда қуғилган дастлабки дорихона биноси

зий аптекаси; Ф.А.Юпатовнинг 1913 йилда қурилган цирк биноси; 1914 йилда қурилган «Аполло» (Совет даврида «Искра») кинотеатри бўлган. Ҳозир бу бинолар ўрнида Ўзбекистон Давлат Тарихи музейи жойлашган. Кўчанинг Соборная кўчаси билан кесишган қисмида князь Романовнинг муҳташам саройи ва унга қарашли «Хива», совет даврида «Ёш гвардия» номли кинотеатр бўлган.

Мовароуннаҳр кўчаси. Собиқ Российской ёки Московская, айрим манбаларда Духовский, Совет даврида Пролетарский номларида келган. Тошкент вокзалининг эски биноси. 1899 йилда Тошкент темирйўл вокзали биноси қурилиши битгач, Ўрта Осиё темир йўли бўйлаб, мунтазам равишда поездлар қатнай бошлаган эди. Бу кўча темир йўл вокзали билан шаҳар марказини боғлаб турган.

Народный дом. Тошкентда театр томошалари учун доимий бино бўлмаганлиги сабабли сайёр гуруҳлар тўғри келган бинода томоша кўрсатаверар эдилар. 1877 йилда шаҳар ярмаркаси ҳудудидаги биржа биноси театрга мослаштирилиб таъмирланади. 1915 йилда эса, Народный дом (Халқ уйи) га мослаштирилиб қайта таъмирланади. Совет даврида санъат музейи вазифасини ўтаб келган бу бино 1967 йилда бузилиб, ўрнига ҳозирги давлат санъат музейи қурилади.

Красная мельница. Ҳозирги Мовароуннаҳр кўчасидаги «Пойтахт» меҳмонхонаси ўрнида Шамол тегирмони бўлган бўлиб, у «Красная мельница» номи билан машҳур эди. «Пойтахт» меҳмонхонасининг биноси ўтган асрнинг 30-йилларида ҳукумат ҳодимлари учун қурилган дастлабки кўп қаватли турар жой биноси ҳисобланарди.

Истиқбол кўчаси. (Собиқ Воронцов, Сталин, Братская, Х.Сулаймонова). Кўча Марказий хиёбон билан Романовский кўчасини бирлаштириб турган. Кўчада давлат думасининг биноси ва советлар даврида Тошкент шаҳар кенгации жойлашган.

Фарғона йўли кўчаси (Совет даврида Куйбышев). Кўча Марказий хиёбон билан Қўйлиқ мавзесини бирлаштириб турган.

1902 йилда қурилган Казенная палата (Чор Россияси губернияларининг солиқлар бўйича давлат ташкилоти) бўлган.

Фаргона йўли ва Хоразм кўчалари бурчагида жойлашган. Совет даврида Республика Тарих музейи сифатида фойдаланилган. Ҳозир Тошкент вилояти ҳокимлигининг турли бўлим ва бошқармалари жойлашган.



Қизил тегирмон



Халқ ўүйи

ТОШКЕНТ МАДРАСАЛАРИ

Үлкән изда тарихий ва маданий ёдгорликлар, аждодла-
римизнинг юксак заковати, ақлу идроки билан барпо этил-
ган обидалар сон-саноқсизdir. Жумладан, XIX асрнинг
иккинчи ярмида Тошкентда Хожа Аҳрор, Кўкалдош, Бароқ-
хон, Юнусхон, Ҳазрати Муйи Муборак, Бекларбеги, Эшон-
қули додҳоҳ. Маҳмуд дастурхончи, Хўжа Аҳмадбой, Шара-
фиддинбой, Қосимбой, Мирза Аҳмад Қушбеги, Ҳалимтой,
Муҳаммадкарим ҳожи, Исаҳўжа қози, Юнусхўжа халифа,
Шукурхон, Абулқосим эшон, Бўрихўжа халифа, Кубор,
Қўштут, Жуманбий каби 20 дан ортиқроқ мадрасалар
бўлган.

Мадрасаларнинг кўпчилиги ён атрофида масжид ва хо-
нақоҳлар жойлашган.

Хожа Аҳрор мадрасаси 1454 йилда яна Хожа Аҳрор то-
монидан жомеъ масжидининг рўпарасида XV-XVI асрларда
урф бўла бошлаган лойиҳа асосида дастлабки мадраса би-
носи қурилади. 1460 йилда Алишер Навоийнинг замондо-
ши ва устози Абдураҳмон Жомий Тошкентга келганида бир
ой шу мадраса ҳужраларидан бирида яшаган. Уккошо бу-
логоидан сув ичган. Шундан бошлаб мадраса ва Уккошо бу-
логои муқаддас ҳисобланган. Мадраса талабалари ҳузурида
Хожа Аҳрор, Абдураҳмон Жомийлардан ташқари Мирзо
Улуғбекнинг шогирди, Али Қушчининг набираси Ҳофиз
Кўҳокий, Алишер Навоийнинг замондоши ва шогирди Зай-
ниддин Восифий каби табаррук зотлар маърузалар ўқиши-
ган. 1892 йилда «Туркестанский Ведомост» газетасининг ре-
дактори Остроумов Шайхонтоҳур даҳасининг қозиси, Хожа
Аҳрор мадраса мударриси Шарифхўжа Ҳўжаев билан унинг
ҳовлисида ва мадраса биносида узоқ суҳбатлашади ва ўша
йили «Туркестанский Ведомост» газетасининг 10 июль со-
нида Шарифхўжа пошшо суҳбатидан мамнун бўлганлиги
ва қойил қолганлигини ёзib «У Тошкент қозиларининг энг
билимдони, Хожа Аҳрор мадрасасининг энг катта профес-
сори» деб ёзади. 500 йилдан кейин, яъни 1954 йилда мадраса
биноси буздириб ташланган.

Кўкаaldoш мадрасаси. Кўкаaldoш эмишган оға-ини демак-дир. Бу мансаб эгасига давлатнинг дўсти-душманлари ҳақида маълумот бериш, жосуслар иши юзасидан раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган. Улар хон ва подшо хонадонига яқин турганлар.


Заҳматкаш халқ усталари яратган, ўзида асрлар тарихини мужассам этган қадимий ёдгорликлардан бири – шаҳримизнинг Навоий кўчасида жойлашган Кўкаaldoш мадрасасидир. Мадраса **Бароқхоннинг ўғли** Дарвешхон ҳукмронлик қилган даврда яъни XVI асрда қурилган. Мадраса унча катта бўлмасдан, муллаваччалар учун қурилган айланана ҳужралар ва ҳовлилардан иборат эди. У сиркор парчинлар ва ранг-бараңг нақшлар билан безатилиши жиҳатидан ўша даврдаги **Самарқанд** ва Бухородаги гўзал мадрасалардан қолишмаган. Бироқ даврлар ўтиши, қучли зилзилалар натижасида мадрасанинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган.

XVIII асрнинг бошларидағи ўзаро феодал урушлар натижасида мадраса жуда ташландиқ ҳолга келди. Бу вақтда ундан карvonсарой сифатида фойдаланилган. 1830-31 йилларда Кўкаaldoш мадрасасининг иккинчи қавати ҳам бузилади. Унинг гиштлари эса бу вақтда янги қурилган Бекларбеки мадрасасига ишлатилган. Уни тузатишда қатнашган усталар дарвоза устига ўрнатилган сиркор парчинларга қўйидагиларни ёзганлар: «Ушбу ажойиб бинони 1246-ҳижрий йилида Азим Вали ўғли уста Аваз Муҳаммад тузатди». «Бу бино сарой бош қўмондони Жаҳонгирбек ўғли Шодмонбек раҳбарлигига ишланди», «Кошин ишларини уста Олимжон бажарди».

Ёдгорлик 1868 йили зилзилада қаттиқ зааррланди. Бу вақтда унинг асосий пештоқи қулаб тушди. 1902-03 йилларда шаҳар аҳолисидан йигилган маблағ ҳисобига бинонинг юқори қисмлари қайта тикланди. Бироқ асосий пештоқ ва пештоқнинг ўзи тузатилмай қолди. Унинг ён томонлари гумбаз асосигача ва деворнинг кунгирадор қисмигача янги гишт билан текис ишлаб чиқилди. Пештоқнинг ёнида ярим доира шаклида чиройли равоқлар пайдо бўлди.



Бароқхон мадрасаси



Кўкалдош мадрасаси

1946 йилда рўй берган кучли Чотқол зилзиласи натижасида бино қаттиқ шикастланиб, бош фасад пештоғи қулаб тушган. 1950 йилнинг бошларида мазкур ёдгорликни қайта тиклаш ишлари олиб борилди. Бу икки мадраса Шаҳристон тепалигининг жанубий-ғарбий бурчагида Чорсу бозорига туташган. Кўкаaldoш мадрасасининг чор атрофи бозор, расталар билан ўралган эди. Кўкаaldoш ва Хожа Аҳорор мадрасалари ёнидаги жомеъ масжиди билан улуғвор ансамбл ташкил этган. Мадраса биноси мустақиллик йилларида тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Дарвешхон. Дарвеш султон (1578) – Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон) нинг ўғли. Суюнчхўжахоннинг набираси. Кўкаaldoш мадрасасини қурдирган (Қурилишга Қулбобо Кўкаaldoш бошчилик қилган ва ўзномини абадийлаштирган). Укаси Бобо Султон билан биргаликда Моворауннаҳрда ҳукмрон бўлиш учун олиб борилган курашларда укаси Бобо Султон томонидан 1578 йилда ўлдирилган.

Бароқхон мадрасаси. Бароқхон тахаллуси Наврўз Аҳмад Шоҳ амри билан 1531-1532 йиллари қурилган.

Мадраса ўрнида дастлаб 2 (кatta ва кичик) мақбара бўлган. Катта мақбарада Тошкент ҳокими, Наврўз Аҳмадхоннинг отаси Суюнчхўжахоннинг қабри жойлашган. Мақбара ўз вақтида масжидга айлантирилган (ҳозир музей сифатида фойдаланилади). Иккинчи мақбара 1271 йилда вавфот этган, Чигатой авлодларидан биринчи бўлиб исломга кирган, мўгуллар ҳукмдори тайинламаган биринчи хон Ба-роқхон ибн Эсон Тува Мутуген ибн Чигатой қабри бўлиши керак, деган тахминлар бор.

Наврўз Аҳмадхон ҳар икки мақбарани ўз ичига олган мадраса қурдирган. Бароқхон мадрасаси нақшларнинг гўзаллиги, қурилиш услуби жиҳатдан Самарқанднинг энг яхши меъморий ёдгорликларига яқинлашади. Мадрасада 1946, 1949, 1951, 1967 йилларда таъмирлаш ишлари олиб борилган. 2007 йилгача мадрасада Ўзбекистон мусулмонлари идораси жойлашган. 2007 йилда мадраса қайтатдан тўлиқ таъмирланади ва халқ амалий санъати усталарининг устозшогирд мактаби жойлаштириллади.

Бароқхон (ҳақиқий исми Наврўз Аҳмадхон – (1556). Шайбонийлар сулоласидан бўлган хон. Абулхайрхоннинг невараси, Тошкент хони Суюнчхўжаннинг кичик ўғли. Отасининг вафотидан кейин Тошкент (1525 - 51), сўнгра Мовароуннаҳр (1551-56) хони. У ёшлигига Восифийдан шеърият, мусиқа, ашула, вази ва назмдан таълим олган. Айни вақтда чавандозлик ва ҳарбий машқлар билан қўпроқ машғул бўлган. Бароқхон ўз салтанатини кенгайтириш учун кўп ҳарбий юришлар уюштирган. Абуллатифхон вафотидан сўнг (1551) Самарқанд таҳтига ўтирган ва Наврўз Аҳмадхон номи билан Мовароуннаҳрни бошқарган. Унинг номи билан танга пуллар зарб этилган. Бароқхон ободончилик ишларига эътибор берган, мадрасалар қурдирган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» асарида қайд этилишича, у 1556 йил Зарафшон дарёсидан бошланган Дарғом каналининг бош иншооти Равотхўжа тўғонини тузаттириш учун келган ва шу ерда тўсатдан вафот этган (Самарқанд шаҳрига дағн этилган). Бароқхон даврида Мовароуннаҳр билан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой, Сибирь ўртасида савдо-сотиқ, элчилик муносабатлари ривожланган.

Манбалардан маълум бўлишича, биргина Себзор даҳасида Бароқхон, Мўйи Муборакдан ташқари яна еттига мадраса бўлган. Улардан Бекларбеги мадрасаси Эскижўвага, Исохўжа қози мадрасаси Қозикўчага (ҳозирги Марказ 17), Қосимбей Мирза мадрасаси Мўғулкўчага (ҳозирги Марказ 15), Юнусхўжа Халифа мадрасаси Тахтапул гузарига, Маҳмуд Дастурхончи мадрасаси, Дегрез маҳалласига (ҳозирги Марказ 17), Қўштут ва Мирза Аҳмад парвоначи мадрасалари Ҳофиз Кўҳақий гузарига (ҳозирги Сағбон кўча) жойлашган. Шукурхон мадрасаси эса ҳозирги Эскижўва бозоридаги 2005 йилда бузилиб кетган Табият музейи ёнида бўлган.

Кўкча даҳасида ҳам бир неча мадраса бўлиб, улардан *Шарафиидин* бой мадрасаси Пичоқчи маҳалласида, Эшон Бўри Хўёжабой ва Сақиҷмоний мадрасалари Сақиҷмон маҳалласида, ҳозирги Чигатой кўчасининг бошланиш қисмida жойлашган.

Шайхонтоҳур даҳасининг Занжирлик маҳалласида Юнус-хон (ҳозирги Марказ–13 да), Эшионқули додҳоҳ мадрасалари бўлган (ҳозирги Навоий кўчаси).

Бешёғоч даҳасида Ҳожа Аҳрор, Кўкалдош мадрасаларидан ташқари ҳозирги Ўзбекистон Миллий боғининг дарвазаси ўрнида Ҳалимтой мадрасаси бўлган. Мадраса ўтган асрнинг бошларида Бешёғоч майдонининг барпо қилиниши ва шаҳар истироҳат боғининг қурилиши муносабати билан бузиб юборилган. Шунингдек, Қоратош маҳалласида тахминан ҳозирги Республика Ўқувчилар саройининг атрофида 1884 йилда қурилган *Муҳаммадкаримхожи* мадрасаси бўлиб, у 1924 йилда буздириб юборилган. Ҳозирда ҳам мавжуд бўлган Абулқосим мадрасаси Ўзбекистон Миллий боғига файз бағишлаб турибди.

Хўш, мадраса қандай даргоҳ, деган савол туғилиши мумкин.

Ислом Шарқида ўрта ва олий ўқув юртлари мадраса деб аталган. Уларда мактабдорлар, уламолар, ҳатто айримларида давлат арбоблари тайёрлашга ихтисослаштирилган. Баъзи мадрасаларда, жумладан, Муҳаммадкарим мадрасасида мусиқашунослик, миниатюрачилик, мусиқа асбоблари ясаш, наққошлиқ, ҳаттотлик, саҳҳоблик (муқовачилик) каби санъат соҳалари ўргатилган. Умуман, Ўрта Осиё мадрасаларида Ислом дини қонун-қоидлари, шариат ақидалари, мантиқ, фалсафа, айримларида кимё, география, тиббиёт, фалакиёт каби илмлар ўргатилган.

Мадрасалар учун зарур бўлган маблағлар (бинолар таъмири, мударрис ва бошқа ходимларнинг маоши кабилар), ер-сув, тегирмон, карvonсарой, дўкон, уй-жой, ҳаммом каби вақф даромадларидан олинган. Вақфдан тушган даромаднинг сарфланиши вақф васиқасида аниқ кўрсатиларди. Масалан, 1895 йилга оид бир вақф васиқасида *Бекларбеги* мадрасасига қарашли гишт хумдонининг бир йиллик ижараси 500 сўм, Жумабозор, Закотхона ҳамда Эскижўвадаги 119 дўкон ижараси ва тагижойидан тушган маблағ 1071 сўм, Эскижўвадаги битта тегирмон ижараси 100 сўм, жами вақфдан тушган даромад – 1991 сўми и ташкил қилган. Уни мулла

Ниёзмуҳаммад, Назар Маҳмуд, Нўъмон Маҳмуддан иборат уч мутаваллиси бўлган.

Мадрасалар хон, амалдор, бадавлат кишилар ва зиёли кишиларнинг ташаббуси билан қурилган бўлиб, номи ўша шахслар исми, баъзан Мадраса жойлашган маҳалла, гузар номи билан аталган.

Тошкент мадрасаларига бошлангич эски мактабни битирган ўқувчилар қабул қилинган. Талабаларга уларнинг ўқиши, даражасига қараб юқори (аъло), ўрта (авсот), қуйи (адно) даража асосида маош тақсимланган.

Бешёғоч даҳаси ёдгорликларидан энг каттаси ҳисобланган *Абулқосим* мадрасаси шаҳримизнинг Ўрта асрлар охиридаги ўтмиш меъморий гўзаллик латофатини ўзида намоён этган.

Кейинги йилларда мадраса атрофига Халқлар Дўстлиги (ҳозирги «Истиқол») саройи, Наврӯз ресторани, Ўзбекистон Миллий бοғи, Алишер Навоий ҳайкали, Наврӯз тантаналар мажмуаси, Олий Мажлисинииг муҳташам биноси, катта-кичик фавворалар туркуми вужудга келди.

Таъмиршунослик институтининг меъмори, мадраса таъмирининг лойиҳа муаллифи Абдужаббор Яҳёев томонидан ёдгорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиши, илмий изланишлари, мадраса тарихи ҳамда қурилиш даврини аниқлаб, унга XIX асрнинг бошларидаёт асос солинган, деган хуласага келди.

Ўрта аср меъморчилигининг кўп йиллик тажрибалари, ютуқлари ва қонуниятларига таянган ҳолда 1850 йилга келиб, Хонақои Мўйи Муборакка муайян ва узвий равишда Абулқосим томонидан мадраса қурилади. Кейинчалик Абулқосим авлодларининг гапига қараганда, укаси Сайдқосим томонидан мадрасанинг жанубий-шарқий томонига икки гумбазли қилиб ҳаммом, шимолий томонига уч хонали устунли масжид солинган (1980 йилларда бузиб юборилди). Бош фасади ҳовузли кенг майдонга қараган, жанубий тарафига унча катта бўлмаган қабристон бўлган.

Мадраса ҳовлисида усти гумбаз қилиб беркитилган ёпиқ сув ҳавзаси – Сардоба бўлган. Дарвозадан кираверишда чап-

да дарсхона, ўнгда масжид, ховли тўрида эса Хонақойи Муйи Муборак жойлашган. Мадраса ҳужраларида даҳлиз, юз-қўйл ювадиган обрез-ханиқ ва мўрили ўчоқ, қишида исиниб ўтириш учун танча қурилган. Ҳар бир ҳужрада 2 нафардан 4 нафаргача талаба истиқомат қилган. Мадрасада мударрис, мутавалли, муаззин, фаррош, қоровуллар учун маҳсус ҳужралар ажратилган.

Абулқосим мадрасаси фақат меъморий ёдгорлик бўлмасдан, балки тарихий ва маданий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Бу ерда 1914–17 йилларда ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий, биринчи ўзбек дорилфунунининг асосчиси Мунавварқори Абдурашидхонов, драматург Фулом Зафарий ва профессор Абдурауф Фитратлар маълум вақт таҳсил олганлар.

Мамлакатда кечган фаройиб воқеалар туфайли 1919 йилда барча диний ташкилотлар қаторида мадраса ҳам ёпиб қўйилади. 10 йил бўш қолган бинога 1929 йилда Россияда кечган очарчилик кезларида Самарадан 70 та оила кўчириб келтирилди. 1974 йилда сўнгги оила янги квартирага кўчирилиб, бинога Тошкент қўғирчоқ фабрикасининг филиали жойлаштирилди. Натижада бино гоҳ оиласарга мослаштирилиб, гоҳ фабрика цехларига мослаштирилиб ўз қёфасини тамоман йўқотди. Шунингдек, 1946 йилда рўй берган кучли Чотқол зилзиласи бинони қаттиқ шикастлантириди. Шу сабабли, бино ярим вайронга ҳолга келиб қолди. Шаҳар бош режасига кўра бино бузиб ташланиши керак эди. Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти Тошкент шаҳар кенгашининг ташаббуси ва фаолларининг фидокорлиги натижасида шаҳар бош режасига ўзгартириш киритилиб, бузилиб кетишдан сақлаб қолинди. Шаҳар ижроқўмининг 1981 йил 24 ноябрь қарори билан мадраса биноси Ўзбекистон ёдгорликларни сақлаш жамияти Тошкент шаҳар кенгашига ҳозирги Халқаро «Олтин Мерос» Хайрия жамғармасининг Гошкент шаҳар бўлимига таъмирлаб олиш ва мақсад йўлида фойдаланиш шарти билан берди.

Жамғарма буюртмаси билан «Гаъмишунослик» институти меъмори А. Яҳёевнинг ҳар томонлама чуқур ўрганиб

олиб Борган илмий лойиҳа асосида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Таъмирлаш ишлари 7 йил давом этди. Бундай хайрли ишда бутун шаҳар аҳолисининг ҳиссаси бор, десак муболага бўлмайди. Чунки таъмирлаш ишларида сарфланган 2 млн сўмга яқин маблағ жамғарма аъзоларидан тушган аъзолик бадали ҳисобига бажарилди. Мадрасада таъмирлаш ишлари давом этар экан, ундан келгусида қандай фойдаланиш муҳим масала эди.

Абулқосим мадрасаси 70 йил давомида илм ўчофи бўлиб хизмат қилди. 50 йил давомида Самаралик 70 оиласга бошпана бўлди, мустақиллик даврида ўзининг учинчи умрида, миллый қадриятларимизни тиклашга хизмат қилиб келмоқда. Бу ерда Халқаро «Олгин Мерос» Хайрия Жамғармасининг саъй-ҳаракати ва маблағи ҳисобига таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Энди қадимий илм ва маърифат даргоҳи халқимизнинг амалий санъат асарларини тиклаш ва ривожлантириш учун олийгоҳ вазифасини ўтаётган юксак маънавият масканига айланган.

Дунёда ўзининг қадим ҳунар мактаблар, миллий ҳунармандчилик санъатига эга бўлган халқлар унчалик кўп эмас. Не баҳтки, биз ана шундай нодир санъати билан дунёга танилган халқмиз. Миллий ҳунармандчилик тарихи халқимиз тарихи каби кўҳна ва бойдир. Вақтнинг тўхтовсиз онларидан неки бизга етиб келган бўлса, барчасини сақлаш, такомиллаштириш, йўқ бўлиб кетганларни топиш, тиклаш, бизнинг зиммамиздадир. Бугунги кунда бу ерда ўзига хос устоз-шогирд йўналишидаги мактаб ташкил қилинган. Ҳозирда 50 дан ортиқ ёғоч ўймакорлиги, наққошлиқ, мусаввирлик, чармга гул босищ, сандиқчилик, заргарлик ва бошқа усталар 200 га яқин шогирдга ўз ҳунарлари сирини ўргатиб келм оқдалар. Ёш усталар кенг кўламли ҳунарманд бўлиб етишишлари учун уларга мадраса биносининг майда таъмирий ва ободончилик ишларида қатнашиш имконияти яратилган. Бундай имконият уларни кўп қиррали уста бўлиб етишишлари ҳамда аждодларимиз меросига ҳурмат билан қарашибга ўргатади. Бу ерга келган сайёҳлар усталарнинг ишлаш жараёнини кузатиш билан биргаликда, улар томо-

нидан ташкил қилингани күргазмаларни ўта қизиқувчанлик билан томоша қиладилар. Шулар қаторида Республика Болалар туризми маркази орқали шаҳримизнинг юқори синф ўқувчилари узлуксиз келиб турадилар. Улар бу ерда ўқиган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат каби машҳур инсонларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида ўта қизиқувчанлик билан қарашлари, ҳамда бу ерда ишлаётган ўз тенгқурларининг ҳунармандчиллик маҳоратига қойил қолишиб, қатнашиш истагини билдирадилар. Ҳамда бу ерда ёшларимиз онгига она Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида қадимий ёдгорликларимиз билан бирга мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар ҳақида маърузалар эшиттирилади.

*«Одамзоддинг нафси таомсиз ўлганидек,
шлесиз одамнинг дили ўлкодир»*


Абулқосим ибн Эшонтўрахон

Абулқосим Эшонг ибн Эшонтўрахон таҳминий маълумотларга кўра, XIX асрнинг 30-йилларида Тошкент шаҳрида дунёга келган. Абулқосимнинг оталари Эшонтўрахон нафақат Тошкент балки бутун Қўйкон хонлиги ҳудудида таниқли ва катта обрўга эга бўлган. Қўйкон хони Амир Умархон хонадонига яқин бўлган. Умархон томонидан Шайхул-ислом лавозимига тайинланган. Абулқосим мадрасаси тўридаги «Хонақоий мўйи муборак» таҳминан XIX асрнинг 20-йилларида Эшонтўрахон ташабbusи билан қурилган бўлиб, ичидаги равоқли меҳроби (саждогоҳ) тепасига ишланган китобасида эса араб тилида «Бу арк каби бинода Расулнинг латиф мўйи бор» деган сўзлар битилган. Эшонтўрахоннинг обрў-эътибори вафотидан сўнг Абулқосим Эшонга тўлиқ ўтган.

Абулқосим Эшоннинг авлодларидан бўлмиш Ҳабибулло Қосимовнинг айтишича, «Абулқосимхон ибн Эшонтўрахон чор Россиясининг истилосига Тошкентнинг энг нуфузли кишиларидан бири бўлган. Руслар Тошкентга ҳужум



Бекларбеги мадрасаси



Абулқосим мадрасаси

қилган даврда мгулла Солиҳбек Охунд билан бирга халқни ватан ҳимоясига оёқлантирган. Абулқосим Эшон бир неча тилларни билган. Жумладан, рус тилини ҳам».

Шарқшунос-этнограф Н.П. Остраумов ўзининг сартлар, яъни, ўзбеклар ҳақидаги этнографик кузатишларида Абулқосимни Бешёғоч даҳасидагина эмас, балки бутун шаҳар ва унинг атрофидағи қишлоқлар миқёсида танилиб, ўз маориф ишлари билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлганлигини таъкидлайди. Абулқосимнинг янги маҳалладаги файзли ҳовлисида бир неча бор меҳмон бўлиб унинг суҳбатидан мамнун бўлгани, мадраса қуриш учун 30 минг сўм миқдорида пул сарфлагани ҳамда мадрасада ҳар йили 150 нафар талабани ўқитиш ва улар эҳтиёжи учун маблағ бериб тургани ҳақида ҳикоя қилади.

Подполковник Лебединскийнинг 1872 йил 19 июнда Сирдарё вилоятининг ҳарбий генерали губернаторига юборган ахборотида Абдулқосим Эшон раҳбарлик қилаётган мадрасада шаҳар ташқарисидан келиб ўқийдиган, моддий ёрдамга муҳтож бўлган 80 талабага ҳар куни 2 маҳал иссиқ овқат, кийим бош ва ўқув қуроллари билан таъминлаб турганлиги баён қилинган.

Шарқшунос В.Н. Наливкин ўзининг «Қўқон хонлиги тарихидан» номли асарида Абулқосим Эшоннинг ўткир билимли олим эканлиги, уни бутун Тошкент ва унинг атрофи ҳатто Туркистон генерал губернатори олдида обрўга эга бўлганлиги эслатиб ўтилган. Асарда 1892 йил Тошкентда тарқалган вабо муносабати билан исён кўтарган халқдан fazablanган генерал губернатор Тошкентнинг эски шаҳар қисмини артиллериядан тўпга тутиш ҳақидаги буйруфи, Абулқосимнинг шаҳар уламолари сарвари бўлиб генерал губернатор ҳузурига борганилиги ва буйруқни бекор қилишга эришганлиги баён қилинган.

Камолон маҳалласидан Ҳикматилла қори қайнотаси, воқеа иштирокчиси Абулқосим Эшоннинг шогирди, Тошкентда масжид, мадраса ва ҳаммом қурдирган Муҳаммадкарим ҳожи била н бўлган суҳбатини шундай гапириб берганди:

1892 йил 7 июнда Тошкентда вабо касаллигининг дастлабки қўринишлари маълум бўлади. Бир ҳафтадан сўнг вабо бутун Тошкентни қамраб олади. Шаҳар ҳокимияти ўлганларни медицина текширувидан ўтказмасдан кўмишни тақиқлаб қўяди. Бундан норози бўлган халқ исён кўтаради. Исёндандан ғазабга келган генерал губернатор Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини артиллериядан тўпга тутиш ҳақида буйруқ беради. Бу буйруқдан ташвишга тушган шаҳар уламолари Абулқосимхон бошчилигига генерал губернатор ҳузурига бориб бу вабо исёнида оддий халқнинг айби йўқлигини исботлашиб беради. Генерал губернатор ўз буйругини бекор қиласди. Ўз навбатида у ҳам халқни тинчлантиришни Абулқосимдан илтимос қиласди. Аммо халқни тинчлантиришнинг ўзи бўлмасди. Шаҳар уламолари Абулқосим ҳовлисига йиғилиб, Оллоҳ ўйлида бирор қурбонлик қилиш керакмикин, деган фикрни билдирадилар. Абулқосим узоқ сукутга чўмга һдан сўнг уламоларга халқнинг асосий қисмини эртага бомдод намозига шу ерга, устунли масжидга чорланг, деб илтимос қиласди. «1892 йил ёз чилласининг иккинчи ҳафтаси эди, Абулқосим мадрасаси, Устунли масжид ва янги маҳалла кўчалари бомдод намозига йиғилганлар билан тўлиб кетган эди. Намоздан сўнг Абулқосимхон эшон масжид саждагоҳи олдида узоқ қолиб Оллоҳга илтижо қилгандан сўнг ташқа рига чиқиб, йиғилганларга эл бошига тушган бу оғатни ўзига олганлигини ва тез орада бу бало шаҳарни тарк этишини маълум қиласди. Орадан 2 кун ўтмай 1862 йилнинг 4 июлида Абулқосимхон эшон вафот этганлиги ҳақида хабар та рқалади. Сон саноқсиз Тошкентликларуни сўнги йўлга кузатиб борадилар. Вабо касаллиги тўхтайди».

«Ҳар нарсанинг ўз хислати бор, уларнинг баъзилари онгимизга етиб бориши қийин, пайғамбарлар буни бошқаларда н олдинроқ тушуниб, бу дунёга келишларини илоҳий сабабларга йўядилар, биз ҳам шундай тушунишга ҳаракат қиласмиш», деб ёзган эди Абулқосимхон эшон.

Бу воқеа ҳақида Н.П.Остроумов «Сарти», яъни ўзбеклар ҳақидаги этнографик кузатувларида «Абулқосим эшон умрининг охириги кунларида қаттиқ ҳаяжонга тушиб олам-

дан кўз юмди. Ҳайратланарлиси шуки, унинг ўлимидан сўнг кент тарқалган вабо таққа тўхтайди. Ерлик халқнинг айтишларича, Оллоҳ йўлига умрини бахшида қилган инсон бу дунёни тарк этар экан, гуноҳкор бандаларига юборган жазосини юмшатар эмуш», деб ёзиб қолдирган экан.

Мадрасага мударрислик қилиш Абулқосим эшон ўлими олдидан айтган васиятига кўра, Себзор даҳасининг парчибоф маҳаллалилик Мулло Абдулмажид Юнусхон эшон ўғлига топширилади. Бу даврда мадрасанинг обрўси янада ошиб кетади. Мадрасада Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхонов ва Гулом Зафарийлар каби ўнлаб инсонлар ўқишган.

Абулқосимхоннинг Ҳошимхон исмли ўғли отаси вафотидан кейин отаси қўурдирган мадрасада дарс бера бошлайди. Эшонлик билан шуғулланмайди. Ҳошимхоннинг акаси Саид Боқихон Бешёғоч даҳасининг қозиси, сўнг Тошкент қозикалони бўлиб ишлайди. Отасининг обрў-эътибори асосан шу ўғлига ўтган эди.



Абулқосим мадрасасининг ички кўриниши

СҮНГСҮЗ ЎРНИДА

1966 йилнинг ёз ойлари. Мен Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти Тошкент шаҳар ташкилий комитетига эндигина жалб қилинган кезларим эди. Ўша йиллари машъум 26 апрель – Тошкент зилзиласидан кейинги узлуксиз ер силкинишлари, чанг-тўзонли, ташвишли қунлар эди. Шаҳар ҳудуди Тошкент вилояти туманларидан ажратилган ерлар ҳисобига кенгайиб борарди. Шаҳар ҳудудига ўтган жойлардаги кўчаларнинг аксарияти ўша вақтдаги анъанага кўра, шўролар давлати асосчилари номида эди ва шаҳарда эса бунақа номлар керагидан ҳам сероб эди. Хуллас, бузилган даҳалар, палаткали шаҳарчалар, почта ишларида чалкашликлар бўлишига олиб келди.

Шу сабабли бўлса керак, Тошкент шаҳар ижроқўмининг Тошкент топонимик комиссиясини тузиш тўғрисида қарори чиқди. Комиссия таркибига диншунос олимлар, маданият ва санъат арбобларидан 17 кишилик ҳайъат киритилди. Ишим юзасидан бу соҳага яқинроқ бўлганим туфайли, менга миссиянинг масъул котиблиги юклатилиди. Комиссия аъзоларини йифиши, ҳар бир янги жойга ном топиб, комиссия йифилишида тасдиқлатиш, йифилиш баённомасини ёзib, шаҳар қарори лойиҳасини тайёрлаб ижроқўм мажлисига топшириш менинг зиммамда эди.

Ниҳоят, комиссия аъзоларининг дастлабки мажлисини чақириш тўғрисида огоҳлантирилдим. Комиссия аъзолари ни бирма-бир телефон орқали айтиб чиқдим. Аммо комиссия аъзоларидан бири бўлмиш Fafur Fуломдек забардаст инсонни телефон орқали чақириш мен учун оғир эди. Шунинг учун шоирнинг уйига боришга қарор қилдим. Fafur Fуломнинг уйини олдиндан билганилигим туфайли Арпапоя кўчасидаги уй эшигини тақиллатдим. Кўркам ҳовли эшигини шоирнинг рафиқалари Мукаррам ая очдилар. Мен ташрифим сабабини тушунтирдим. Мени ҳовлига олиб кирдилар. Fafur Fулом келишим сабабини батафсил эшитгач, бет облиги туфайли боролмаслигини, аммо комиссия аъзоларига узрларини етказишмни сўраб, Бешёоч майдонини

ижроқұм томонидан бесабаб Беруний қилиб ўзгартырган-ликларини ва комиссия аъзоларидан шу майдон номини қайтаришларини илтимос қилдилар. Ажойиб миллат ва Ватан фидойиси Faфур Ғуломнинг бу куюнчаклигидан катта гаассурот олган ҳолда, хўп бўлади, деб шоирга сиҳат-саломатлик тилаб чиқиб кетдим. Чиққанимдан кейин шундай 9 январь (ҳозирги Туроб Тўла) кўчасига бурилиб, бир чақиримча юргач, мутахассислар уйида яшовчи домламиз Мақсуд Шайхзода уйига ўтдим.

Тўғрисини айтганда, мен телефондан кўра кўпроқ, бундай ганимат инсонларнинг суҳбатига иштиёқманд эдим. Мақсад Шайхзода менинг тавсиям билан топонимик комиссия аъзолигига киритилган эди, чунки у ном қўйишда ҳар томонлама ўйлаб, чиройли ном қўйишни шогирдларига уқтирар эди. Ёзган асаrlарига ном қўйишда ажойиб номлар топар, масалан, шеърлар тўпламини «Шеърлар» деб қўя қолмасдан, «Чорак аср девони» ёки Тошкент ҳақидаги поэмасини «Тошкентнома» деб номлаши шогирдларига ёқкан эди. Ишим ўнгидан келиб, домла анҳор бўйидаги ўриндиқда машҳур археолог Е.М.Массон билан суҳбатлашиб ўтирганларида учратдим. Салом бериб, ҳар иккалови билан ҳол-аҳвол сўрашдим.

Шундан сўнг шоир одатларига кўра, «ўзларидан сўрасак», деб қолдилар. Мен келишим сабабини тушунтирдим ҳамда домланинг «Тошкентнома» асарини ўқиганлигимни тўлқинланиб гапириб бердим. Ўзим эса ичимда, «домла Тошкента яшаб кўп жабр кўрган бўлсалар, қайси илҳом билан Тошкент ҳақида шеърий поэма ёза олдийкин» деб ўйлар эдим. Домла мен кечирган хаёлни сезгандай гап бошлади. Мен эса шоирнинг ҳаёт воқеаларининг бирини тинглаш пайти келганигини сезиб, жимги на қулоқ солдим:

– Мен ота-онамнинг ўн биринчи фарзанди бўламан. Бундан 10 йил бурун, меҳнат таътилига чиқиб, уни туғилган Ватаним Озарбайжонда, қариндош-уруғларим олдида ўтказиш учун жўнадим. Хуллас, бир ҳафта ўтмаёқ қариндош-уруғларим дийдорига тўйдим ва яна Тошкентни соғиниб қолдим. Аэропортга бориб, Боку-Тошкент рейсига чипта

Олдим. Энг катта акам Москвада эди. Уни кўра олмай қолғанимдан афсусланиб ноилож, кетиш тараддутига тушдим. Шу пайт акам Москвадан келиб қолди. Менинг тараддуимни қўриб, «Мен сени кўрай деб бутун ишларимни йигишириб қелдим. Энди яна бирор ҳафта биз билан бўласан», деб чиптамни йиртиб ташлади. Шу куни ака-ука, қариндошлар йигилишдик, ўйин-кулгилар бўлди. Эрталаб уйгонга, радиодан мен чипта олган самолёт Каспий денгизига шўнгиб қетганини эшитдик. Бу биз учун қайгули, бир чеккаси мен учмай соғ қолганлигим учун ўзимга «қувончи» хабар эди.

– 1942 йилнинг жазирама иссиқ қунлари эди, – деб гап бошлиди Евгений Михайлович, – «Чилла» бўлса керак ўзбекчасига айтганда. А.И. Тереножкин (археолог) билан Юнусобод Оқтепаси археология ёдгорлигини кўздан кечирар эдик. Ниҳоятда исиб, сувсаб кетдик. Бир дақиқа салқинлаб, бир пиёла сув ичиш мақсадида пастга тушдик. Дуч келган биринчи эшикни тақилатдик. Бошига оқ дока рўмол ўраган, ёши 60 ни қоралаб қолган бир аёл бизга савол тариқасида қараб салом берди ва ҳовлидаги салқин сўрига чорлади. Гапимизни тушуниб-тушунмай сўрига кўрпача тўшаб «ўти-ринглар» деди. Биз ўтирдик, кампир дастурхон ёзиб, лаганда чиллаки узум билан, уялиб, қисиниб-қимтиниб, бир дона нонни дастурхонга қўйди. Мен аёлнинг уялиш сабабини билардим. Сабаби, миллий одатга кўра нон жуфт қўйилиши керак эди.

Самоварда чой ҳам қайнади. Кампир чойнакни яхшилаб чайиб, рўмолининг бир учига тугилган бир дамлов чойни чойнакка солди. Буни мен сездирмайгина назаримдан қочирмай турганимдан, эҳтимол, қуруқ қайноқ сув ичиб, ўша бир дамлам чойни тасодифан биз каби келиб қоладиган меҳмонга олиб қўйган бўлса керак, деб кўнглимдан ўтказдим. Шеригим, мени бу хонадоннинг таниши деб ўйлаб, қандай танишсизлар, деб сўради. Мен бу аёлни биринчи марта кўриб туришим деб жавоб бердим. У пиёладаги чойни оғзига олиб борганча анграйиб қолди. Ўзингиз ўйланг, қаттиқ уруш йиллари, чор тараф очарчилик, халқнинг аҳволи оғир пайтлар. Ўша муштипар онахон бир дона нонни қўшнисидан

сўраб чиққан бўлса ҳам ажаб эмас. Қийинчиликларга қарамасдан йўғини бор қилиб, меҳмон атойи худо деб, биздек тасодифан бориб қолган кишиларни нон-пон, мева-чева билан сийлаб юборишнинг ўзи бўладими?

Касбим туфайли мен кўп ҳалқларни кўрдим. Лекин мен бундайин одамгарчилик, меҳмондўстлик фазилатини ҳеч бир ҳалқда кўрган эмасман, десам муболага бўлмас, – деб сўзи ни тугатди Е.М.Массон.

Хуллас, мажлис ҳам бўлди, Faфур Fуломнинг илтимосини бир оғиздан қабул қилиб, мажлис қарори билан яна майдонга ўз номи, яъни Бешёғоч номи қайтариладиган бўлди (Аммо бу масала 4-5 йилдан кейин амалга ошди).

Қатор масалалар жумласида Шайхзоданинг таклифи билан янги қурилаётган кинотеатрга «Кўкча» номи бериладиган бўлди. 1968 йил янги битган кинотеатр биноси тепасига «Кўкча» деб ёзиб қўйилди. 1987 йилда Бешёғоч майдони «Комсомол» (Комсомол кўлига яқинлиги сабаб кўрсатилиб) майдони деб аталди. «Кўкча» кинотеатрининг номи эса шоирнинг устидан кулгандай «Maқсуд Шайхзода» деб ўзгартирилди.

Йиллар шамоли эсиб, ҳалқимиз, юртимиз мустақилликка эришди. Орадан кўплаб таниб бўлмас ўзаришлар, мисли кўрилмаган даражада ободончилик ишлари амалга оширилди. Бешёғоч майдонига ўз номи қайтарилди. Кинотеатр ҳам бузилиб кетди. «Кўкча» номи билан ажойиб гузарлар барпо этилди. Янги шаҳар қиёфаси юзага келтирилди. Истиқлол туфайли ўтмишимиздаги ажойиб инсонлар ҳақида айттолмай юрган гапларимизни айтяпмиз, қилолмай юрган хайрли ишларимизни амалга оширмоқдамиз.

Жумладан, менга ҳам бурчим, ҳам тақдир тақозоси туфайли Faфур Fулом, Е.М.Массон каби тарихимизда сўнмас из қолдирган инсонлар билан ҳамкасб, ҳамнафас бўлиш ва уларнинг гўзал суҳбатларидан баҳраманд бўлиш насиб этган эди.

1966 йил 26 апрель Тошкент зилзиласидан кейин вилоятдан шаҳарга қўшилган кўча ва жой номларини қайта номлаш қаттиқ баҳсли мунозараларга тортишувларга, гоҳо таъ-

қибу тазийиқларга сабаб бўларди. Табиийки, бундай жойлар номи эҳтиёткорлик билан (айниқса, Ленин номли бўлса) ўзгартирилишга ҳаракат қилинарди. Масалан, Ленин – Ёш ленинчи, Ленин йўли, Ленинизм каби номи билан ўзгартириларди. Иккинчи даражали жойлар номини ўзбекона номлар билан аташга ҳаракат қилардик. Жумладан, С.Лазо, Чапаев номлари, қўйилган кўчалар ҳақидаги қарорни «Вечерний Ташкент» газетаси атайлаб 23 февраль, яъни Совет Армияси куни босиб чиқарди. 1970 йилнинг 21 февралида шаҳар ижроқўмининг раиси ўринбосари, шаҳар топонимик комиссияси раиси бўлиб ишлаб турган опани (Х.Я.Ёқубжонова) юқори идора, чақириб қолишиди. Биз энди кўтарилиб кетди деб ўйладик (тўғрисини айтганда, қутуларканмиз деб хурсанд ҳам бўлгандик), қадам олишларидан опанинг ўзлари ҳам шундай хуносага келган бўлишлари керак. Чунки опа ниҳоятда ишchan аёл бўлиб, унинг учун иккинchi даражали иш бўлмаган. Ўзининг асосий ишидан ташқари ўнлаб жа маот ташкилотларига раислик қиларди. Жумладан, мен бош қараётган Ёдгорлик жамиятининг шаҳар бўлими шаҳар топонимик комиссияси ҳам унинг зиммасига юклтилган эди. У ҳар биримизни қаттиққўллик билан назорат қилиб турарди. Биз ундан ҳам ҳайиқардик, шу билан бирга ҳурмат ҳам қилардик, чунки у ўз вақтида меҳрибонлик қилишни ҳам унумасди. Икки соатлардан кейин хурсанд, ясан-тусан қилиб кетган опа, титраб-қақшаб қайтиб келди ва ўшқира кетди. Маълум бўлдики, вилоятдан ўтган шўролар даври давлат раҳбарлари, қаҳрамонлари номлари, қўйилган кўча номлари ўзгартирилганидан норози бўлган бир гуруҳ фуқаролар уруши иштирокчилари газетадан юқоридаги қарорни ўқиб, тутоқиб кетишган ва намойишкорона тўполон кўтариб боришган экан. Улар бу шикоят билан тинчишмади: «Правда», «Известия», «Крокодил» каби марказий матбуотларга жазава билан бирга ўнни қўшиб ёза берилди. Бундай нуфузли идораларга ва шикоятчиларга шаҳарда бу «қаҳрамонлар»нинг номида бошқа кўчалар борлигини изоҳлаб, бетиним жавоб хати ёзишга тўғри келди. Ниҳоят, ёзишдан чарчаган шикоятчилар ижроқўмга келиб,

ўша кўчаларни кўрсатишни талаб қилишди. Мен такси кира қилиб, бу кўчаларни бирма-бир кўрсатишга мажбур бўлдим.

1972 йил эди. Ҳозирги Абдулла Қодирий шоҳкўчаси битиш арафасида бўлиб, 1966 йил 26 апрель Тошкент зилзиласига қадар бу жойда Горъкий номли кўча бўлганлиги учун шаҳар бош режасида Горъкий проспекти деб белгиланган эди. Янги шоҳкўчага қонуний номини қўйиш керак эди. Бунинг учун топонимик комиссиянинг қарорини тайёрлашим ке рак. У пайтла рда шаҳар топонимик комиссиясининг раислиги бир муддат шаҳар ижроқўмининг раиси муовини И.Р.Шоабдураҳимов зиммасига юклатилган эди. Иноят Раҳимович табиатан шарттаки, чапанисиғат одам бўлганлиги учун қа рор лойиҳасини тайёрлашдан олдин унинг ҳузурига кириб «шоҳкўчага Горъкий номини берсак миллий фуруримиз қаерда қолади», дедим. Иноят Раҳимович ҳам ўйланиб қолди ва шошмай турчи, деди-да ижроқўм раиси (Х.Асомов) ҳузурига кириб кетди. Чамаси, бу масала раиснинг ҳам ориятига теккан шекилли, қайтиб чиқиб ҳозирча бу масалани қолдира тур, раис ўйлаб кўрадиган бўлди, деди.

Орадан кўп ҳам ўтмай шоҳкўчага Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номи берилди. Юбилей сирасига кирган кўчанинг битиши жадаллаштирилди. Кўчанинг анҳор канали кўприги тепасига ЎзССР 50 йиллиги шоҳкўчаси деб ёзилди. Мустақиллик йилларида бу шоҳкўчага ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий номи берилди.

1986 йилнинг апрель ойи эди, вазифамга кўра Абулқосим мадрасаси биносининг таъмиридаи сўнг, бу қадимий бинони ўзига хос безаш ишлари билан банд эдим. Бир пайт Ўзбекистон Компартияси МК вакилларидан бири Ю.Лемжин деган шаже кириб келди. У билан бир вақтлар бирга ишлашга тўғри келган эди. Қилаётган ишларимизни бирмабир кўздан кечириб, камчилик топа олмади шекилли, мадраса хонақоси китобасидаги арабча ёзувни кўриб, бу қандай ёзув, таржимаси қанақа бўлади, деб сўради. Мен бир оз иккиланиб, турган эдим, шу пайт ходимларимиздан бири форс тилида ёзилган бу ёзувни русчада ўқиб берди. Ёзув-

нинг мазмуни: «Оллоҳнинг ҳукми билан шу масжиднинг таъмирига киришдик. Яхши кунларда тамомига етказгай», эди.

Буни эшитган вакил «бу ёзувни тезда ўчириб ташланг, ҳозир бундай ишларга қаттиқ киришилган», деди. Мен «ундай бўлса бутун Самарқанд ва Бухородаги обидаларнинг ёзувларини ҳам ўчириб ташлаш керак экан-да?» дея кулдим. У менга бир қараб қўйди-да, бу буйруқ дегандай, ҳеч нарса демасдан, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қолди.

Мен шу билан масала тугади, деб ўйлагандим. Аммо эртаси куни Маданият вазирлигидан қўнгироқ бўлиб, буйруқ оҳангидга ёзувни ўчириб ташлаш топширилди. Мен эса ҳавоза йўқлигини баҳона қилдим-у, ишни атайлаб кейинга қолдирдим. Шу билан бу масала ҳам қолиб кетди.

1986 йил май ойлари эди. Қўнгироқ бўлиб, тезликда Чорсу меҳмонхонаси орқасидаги «Темирчилик» масжидига етиб келишимни буюришди. Мен зудлик билан айтилган жойга етиб бордим. У ерда ёдгорлик жамияти Республика Бошқарувининг ўша пайлардаги бошлиғи Собир Камолов (У бир вақтлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси, Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретари лавозимларида ишлаган) ва маданият вазирлигидан Садриддин Муҳиддиновлар кутиб туришарди. Бир пайт Ўзбекистон Компартияси тарғибот бўлими бошлиғи Қодиров ва унинг муовини Медведовлар келиб қолишибди. Улар салом-аликни ҳам йиғишириб, кимлигимизни ва нега масжидни таъмирлаётганимизни суриштириб кетишибди. Мен эса ёдгорликни таъмирлаш ёдгорлик жамияти Тошкент шаҳар бўлими томонидан маданият вазирлиги лойиҳаси асосида олиб бори-лаётганлигини ва биз жамият низоми асосида тасдиқланган режа бўйича ўз вазифамизни бажараётганимизни айтдим. Шу гапни айтишимни биламан, улар «қани буёққа юринглар-чи» деб ўз идораларига олиб кетишибди. Камоловни эса киритишмади. Қодиров кирасолиб бизга «мактаб ва шифохоналар ремонти учун фишт етишмаётган бир пайтда сизлар бу қурилиш материалларини арзимас бир масжидга ишлатяпсизлар, давлат пулинин беҳуда совураяпсизлар, бу гирт жиноятнинг ўзи-ку, мен сизларни партиядан ўчиртираман»

деде бақира кетди. Мен босиқлик билан пуллар давлат томонидан берилмаганлигини, Балки аъзолик бадалидан тушганинги ва юқори ташкилотимиз қарорини бажараётгандигимизни тушунтирдим.

Ана энди ҳангомани эшлитинг. Қодиров ишимизни судга оширамаң деганда Садриддин ака чираб туролмади ва «ахир ёдгорликлар бизнинг миллий фуруримиз-ку, буларни вақти-вақти билан таъмирлаб туришимиз керак», деб айтганда Қодировнинг яна фигони фалакка чиқиб кетди:

– Бизга Самарқанд ва Бухородаги ёдгорликларнинг ўзи етарли, совет даврида миллий фурур деган гап қаердан чиқди? Бизда фақат байналминал фурур бўлиши керак! – деб стол муштлади. Шундан сўнг бизларни оғзига келган ҳақоратлар билан уришиб чиқариб юборди.

Шунинг билан «Темирчилик» ва «Хайробод» масжидлари-нинг ниҳоясига етай деб қолган Ёдгорлик жамияти Тошкент шаҳар бўлими томонидан бошланган таъмир ишлари тугалланмай қолиб кетди.

Абулқосим мадрасасининг таъмирий ишлари тугалланиб, ундан қаңдай фойдаланиш устида бош қотирдик. Ниҳоят, бу бинода халқ амалий санъати мактаби очдик. Шунингдек, театр ташкил қилиб, жалқ оғзаки ижоди классиклари-нинг асарларини саҳналаштиришни вазифа қилиб қўйдик.

1989 йилнинг апрель ойида театрнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Очилиш халқ оғзаки ижодининг қадимий никоҳ тўйлари кўринишида саҳналаштирилди. Қадимий бино қадимий қўшиқлар билан жонланиб кетди. Бу хорижий сайдарни ҳам қизиқтириб қолди, ҳар куни, баъзан икки кунда бир томошалар кўрсатилди. Мадраса санъат масканига айланиб бораради. Бу бизни янада ижодий изланишларга илҳомлантиради. Хорижий томошабинларнинг эса кети узилмасди. Кетма-кет, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» драмасини саҳналаштиридик. Инглиз драматурги Марлонинг «Темурланг» асарини ўзбекчага ўгириб, саҳналаштиришнинг кетига тушдик.

Кунлардан бир куни юқори идорадан юқори лавозимдаги опа бир гуруҳ ходимлари билан кириб келди. Театр ҳали

бошланмаган эди. Нимадан камчилик топиши билмай, «нега анови машина ёдгорлик олдида турибди, нега рухсат бердингиз?» дега сўроққа тутди. Мен «машина зарурий ашёларни тушираяпти, ҳозир кетади», деб тушунтирдим.

Шундан сўнг менга ҳунармандлар томонидан ишланган ёғоч сўрини қўсатиб, «нега краскаланмаган?», деб сўради. Мен бу санъат асари, бунақа нарсалар бўялмайди, бўялса ўз қимматини йўқотади, дега жавоб бердим ва ҳозир бошланажак театр томошасини кўришга таклиф қилдим. Аммо, у опахон, жавоб ҳам қайтармай, Гончарова деган ходимига «Ўрганиб чиқинг. Фикрингизни айтарсиз», деб жўнаб қолди.

Спектаклдан сўнг Гончаровадан фикрини сўрадим, у киши эса фикримни кейин айтаман, деб кетиб қолди. Шундан сўнг комиссия кетидан комиссия келаверди, ахири театрни ёпишга мажбур бўлгандик.

1986 йилнинг май ойлари эди. Шаҳар топонимик комиссиясининг навбатдаги йиғилишига офицер формасида ранг-рўйидан миллатчилик кайфиятидаги ТуркВО вакили кириб келди. У 40 га яқин Афғонистонда ҳалок бўлган солдатлар рўйхатини комиссия раисига топшириб, ҳаммасининг номини агадийлаштириш лозимлигини айтди.

Рўйхатга кирилганлар орасида номигагина бир кишидан ташқари ҳаммаси Россияда туғилган шахслар эди. У бир киши ҳам Афғонистон урушига алоқаси бўлмаган бир неча йил бурун вафот этиб кетган, Иккинчи Жаҳон уруши қаҳрамони Ботир Бобоев эди. Биз унга номлар шу ерда яшаганларга, у ҳам бўлса уруш қаҳрамони бўлсагина агадийлаштирилади дедик. ТуркВО зобити эса «Булар ҳаммаси хизмат вазифасини Тошкентда ўташган, шунинг ўзи етарли», деди ҳукмронка оҳангда.

Мен унинг ўзини тутишидан ўзимни зўрға босиб «рўйхатнингиздаги Б. Бобоев Афғонистон уруши қатнашчиси эмас, у Улуғ Ватан Уруши қаҳрамони 1984 йилда вафот этган, шунингдек унинг номи аллақачон агадийлаштирилган. Нахотки, буни билмайсиз?» дедим. У ультиматум тариқасида шундай хуруж билан дағдаға қилдики, мажлис раиси қўрқиб

кетдими ёки ўзини босибми, «майли қолдириңг, күриб чи-
қамиз», деди.

Мажлис аҳли, у кишининг ғомшаганлигидан норозили-
гимизни айтдик. У киши «кўрмаяпсизми, ҳозирнинг ўзида
қаерларга бориб, устимииздан нималар демайди, балки ҳали
елкамга миллатчилик тамфасини ҳам илиб қўяр», деди. Йи-
ғилганларнинг кайфияти ниҳоятда тушкун эди. Топталган
гуурлари қандайдир исёнга мойил эди.

1995 йилнинг май ойида Тошкент шаҳар ҳокими К.Н.Тўла-
ганов имзоси билан «шу хатта жавоб тайёрлашингизни сўрай-
ман», деган мазмунда почта олдим. Хатда 1994 йил 24-27 апрель
кунлари Япониянинг қадимий шаҳри Киотода мутахассислар
иштирокида Жаҳон қадимий шаҳарлари конференцияси бўлиб
ўтганлиги ва конференция қарори билан маҳсус кенгаш тузил-
ганлиги, шунингдек кенгашнинг «Жаҳон қадимий шаҳарлари»
номли журнали таъсис этилганлиги ёзилганди.

Маълумотимиз учун Тошкент ҳам Рим ва Самарқанд каби
қадимий шаҳарлар рўйхатидан ўрин олганлиги ҳақида эс-
латилган бўлиб, журнал учун Тошкентнинг қадимий обида-
лари ва улардан қандай фойдаланилаётганлиги ҳақида ма-
қола сўралган эди.

Жаҳон миқёсидаги журнал учун мақола тайёрлаш биз учун
ниҳоятда масъулиятли ва албаттга шарафли эди. Аммо нима
учундир бошқа нуфузли ташкилотлар эмас, балки, биздек
кичик нодавлат ташкилотига масъулиятли вазифа юклатил-
ганлиги мени эсанкиратиб қўйди.

Фикру хаёлим Тошкент обидалари ва топонимик маълу-
мотларни йиғиши ва ўрганишда бўлиб қолди. Хуллас, бир
ой берилган муддат ичida бор маълумотларни диққат би-
лан кўриб чиқдим ва мақола ёзишга киришдим.

Ўнга яқин обида ва топонимик жойлар ҳақидаги маълу-
мотлари қаторида тасаррӯфимиздаги Юнусобод Оқтепаси
ва Абулқосим мадрасаси биносининг таъмирий ва ободон-
лаштиришдаги фаолиятимиз ва ҳозирги кунда қандай фой-
даланаётганимиз ҳақида батафсил маълумот ёздим. Ниҳо-
ят, ёзган мақолам шаҳар ҳокимияти томонидан кўриб чи-
қилди ва халқаро журналга юборишга лойиқ деб топилди.

Жамғарма томонидан чоп эттирилган «Тошкент бўйлаб топонимик саёҳат» ва қўлингиздаги «Тошкентнома» китобининг ёзилишига юқоридаги саъй-ҳаракатлар туртки бўлди.

Топонимикага қўл уришимнинг сабабларидан яна бири, кейинги йилларда айрим ҳаваскор атамашуносларнинг асоссиз мақолалари кўзга ташлана бошланди. Шаҳар топонимик комиссиясининг забардаст алломаларидан иборат бўлган аъзоларининг суҳбати ва мунозараларининг гувоҳи бўлганлигим туфайли бундай тахмин ва ривоятларга бефарқ қараб туришнинг иложини тополмадим.

Масалан, «Тошкент оқшоми» газетасининг 2000 йилги сонларидан бирида «Юнусобод номи кимдан мерос» номли мақола эълон қилинди. Мақолада муаллиф Чинобод, Чоштепа ва Оқтепа мавзеларида ажойиб боғлар барпо қилиб, бўз ерларга ҳаёт бағишлаган Юнусхўжини Добромислов ундай деган, Маллицкий бундай деган, деб, 1741-1808 йилларда Тошкентда ҳокимлик қилган Юнусхўжа ва унинг ҳукмронлиги даврида қилинган ишлар билан чалкаштириб юборган. Ҳар ҳолда Добромислов ва Маллицкий Юнусхўжи билан Юнусхўжани, яни хўжа билан ҳожининг фарқига бормаган бўлишлари мумкин. Бу чалкашликка ойдинлик киритиш мақсадида Ҳалқаро «Олтин Мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳомийлигига Юнусхўжи авлодларидан бўлмиш Сайдкаримнинг «Юнусобод» номли китоби «Академия» нашриёти томонидан 2001 йилда 2000 нусхада чоп этилди.

2003 йилнинг 1 апрелида яна «Тошкент оқшоми» газетасининг саҳифаларидан бирида «Жой номлари ҳақида» номли мақола босилган бўлиб, унда шаҳримизнинг қатор маҳаллалари ҳақида гап кетади. Шулардан бири «Камалон» маҳалласи ҳақида бўлиб, унда муаллиф шундай ёзади: «Мавзенинг номи аслида «Қамалон» бўлиб, Қамалда қолганлар деган маънони англатади. 1865 йили Чор Россияси лашкарлари Тошкентни забт этиш учун бостириб келиб, бу ердаги қалъя дарвозасига ҳужум қиласдилар. Аммо дарвоза очилмагач, қалъя қамалда қолади... Жангда ўлганлар таомилга

кўра, қалъа девори тагига кўмилган. Кейинчалик, бу қабристон «Қамалон» қабристони дея аталган, бора-бора жонли сўзлашувда «Камолон» бўлиб кетган», деб ёзади.

Тарихчи Муҳаммад Солиҳ 1865 йилги Чор армиясининг босқинига қарши бўлган жангларда фаол қатнашганда 35 ёшларчамаси эди. Унинг «Тошкентнинг янги тарихи» номли асарида Тошкентнинг 12 дарвозаси ҳақида маълумот бериб, Камонгарон дарвозасининг Камонгарон қабиласига мансублиги қайд этилган. Шунингдек, асарда Камолон маҳалла номи сифатида ҳам учрайди.

Ҳар бир қабила бирон бир ҳунар билан шуғулланганликлари каби, уларнинг касби камон ва камон ўқи ясаш бўлган. Демак, номлари касбларига нисбатан айтилган. Дарвозани қўриқлаш шу маҳалла, яъни қабила зиммасида бўлган. Хулоса қилиб айтганда, Камонгарон вақтлар ўтиши билан Камолон кўринишини олган.

АЙРИМ СҮЗЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОХИ

Бекларбеги – Ўрта асрлардаги юқори табақали унвон ва амалдорлик лавозими. XIX асргача Ўрта Осиё ва Закавказье да мавжуд бўлған. Асосий вазифаси солиқ ва феодал мажбуриятлар нинг ўз вақтида тўланишини, хон фармонларининг бажарилиши ни назорат қилиш, тегишли масалаларни оқсоқоллар кенгаши билан қелишиб ҳат қилишдан иборат бўлған. Булар айни вақтда саркарда ҳисобланниб, уларнинг кўл остида юзбоши ва ўнбошилар бўлған. Тошкентнинг Бекларбеги томонидан бошқарилиши 1810 йили Кўқон хони Олимхон шаҳарни узил-кесил босиб олгандан сўнг бошланган. Бу даврда Анҳорнинг ўнг соҳилида Эскиўрда (Юнусхўжа саройи) бузилиб, Бекларбеги ва Кўқон қўшинлари гарнizonи учун Шайх онтоҳур даҳасида Анҳор каналининг чап соҳилида Янгиўрда қурилган.

Тарқан – «Оқар сув бўйидаги шаҳар» маъносини англатади, яъни Тошкентнинг Калковуз ва Анҳор сувлари бўйида жойлашганлигига ишора, деб тушунмоқ мумкин.

Карвонсарой – савдогар, сайёҳ ва бошқалар учун мўлжалланган қўргон, меҳмонхона. Шарқ мамлакатлари, хусусан, Туркистон ўлкасида карвон йўллари ёқасида ва шаҳарларда қурилган. Тошкент ҳам ўтмишда ўзининг карвонсаройлари билан шуҳрат қозо нган.

XIX аср бошларида Тошкентда 40 дан ортиқ карвонсаройлар бўлган. Карвонсаройда оргиқча молни сақлаш учун омборхоналар бўлған. Карвонсаройлар молнинг хилига, савдогарларнинг миллати га қараб номланган. Карвонсаройлар кўп ҳолларда шаҳар дарозалари ёнида жойлашган ва жуда гавжум бўлган.

Шаҳристон (ф.т) – Ўрта асрларда шаҳарларнинг маркази, яъни шаҳарнинг мудофаа девори билан ўралган асосий қисми. Шаҳристонда сарой, бозор, бош майдон – Регистон, маъмурий бинолар, ҳукмдор ва яқинларининг қўргонлари ва бошқалар бўлган.

Арк (ф.т) – Ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида шаҳар ҳокимларининг саройи жойлашган ички қисми, яъни «ўрда» арк дейилган.

Работ (ар.т) – Фозийларга мўлжаллаб қурилган бинолар. Шу билан бирга меҳмонхона (Карвонсарой) мазмунида ҳам тушунилган.

Рабод (ар.т) – мусулмон шарқидаги ўрта аср шаҳарларининг савдо ва ҳунарманчилик дўконлари жойлашган қисми.

Фозий (ар.т) – Ислом дини учун ғайридинларга қарши муқаддас уруш ғолиби.

Сўғд – қадимги Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида яшаган ҳалқ.

Улус (мўғулча) – мўғуллар истилоси натижасида босиб олинган ҳудудлардан ҳукмдорнинг болаларига бўлиб берилган ҳисса. У эл, ҳалқ маъносини ҳам англатган.

Кўнка(руссада конька) – Тўрт ёки олти от билан ҳаракатлантирилган бирвагонли, тор изли шаҳар транспорти. Дастлаб Бельгияда пайдо бўлган. Россияда XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Тошкентда 1903 йилдан бошлаб Хадрадан Тошкент төмір йўли вокзалигача юрган. Сўнг бошқа йўлларда қатнай бошлаган. 1915 йилгача фойдаланилган.

Даҳа (қадимги сўғдча даҳа – қишлоқ) – Ўрта Осиёда шаҳарларнинг бирбўлаги, маъмурий бўлиниш.

Мавзе(арг) – жой, ўрин, ер деган маънони англатади. Тошкент атрофи сўлим боғлари билан ҳамиша машҳур бўлган. Ҳар бир даҳа, ҳар бир маҳалланинг чорбоғ учун ўз мавзелари бўлган ва улар ёзни ўша ерда ўтказганлар. Чунончи, Себзор даҳасининг чорбоғлари Ҳасанбой, Кўктерак ва бошқалар. Бешёғоч даҳасининг чорбоғлари: Дўмбиробод, Қозиробод ва бошқалар.

Маҳалла – шаҳар квартали. Бу жойда яшовчи аҳоли анъанавий умумистиқомат қоидалари ва колектив бирдамлик принциплари билан ўзаро боғланган бўлади. Маҳаллалар одатда ишлаб чиқариш, қасб-кор ёки миллий белгилар асосида таркиб топади.

Баъзан маҳалла муайян бир ном билан аталган: Дегрез маҳалласи (Қозон қуювчилар), Тожиккўча (тожиклар яшовчи) маҳалласи каби. Кўп маҳаллалар шу ҳудуддаги ариқ, кўприк масжид номлари билан аталган. Маҳаллага аҳолининг умумий ийифилишида сайланадиган элликбоши мутасаддилек қилган. Ҳар бир маҳалланинг чойхона ва масжиди бўлган, обод, кўкаламзор, жамоат марказига эга эди.

Баъзан, бир неча маҳалла гузар деб аталувчи ва бозорчаси, бақчоллик дўкони, ҳунармандчиллик дўкони ва устахонаси бўлган умумий марказга эга бўлган. Бундай гузарлар катта кўчаларда ёки чорраҳаларда жойлашган. Маҳалла маъмурий жиҳатдан даҳа таркибига кирган.

Ассиарий (лотин: ос – суарий) – зардўштийлик динига мансуб ҳалқларда марҳумнинг суяги солинган сопол ёки ганч қўра (Ос-

тадом). Ўрта Осиё халқларининг марҳум суюгини ассорийга солиб кумиш одати мил. ав. 1-минг йилликнинг иккинчи ярмида шаклланиб, VIII асргача, яъни мусулмонча кўмиш қабул қилингунча давомэтган.

Афросиёб – халқ орасидаги афсонавий шахс. Маҳмуд Қошибарий ва Юсуф Ҳожиб берган маълумотларга кўра, Афросиёб туркий ҳоқон бўлиб, Алп Эр Тўнга номи билан машҳур бўлган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Афросиёб туронлик қаҳрамон ва саркарда сифатида Эрон ҳукмдори билан курашади.

Гузар (фг) – шаҳар ёки қишлоқнинг уч-тўрт кўчасини ўз ичига олган, чойжона, баққоллик, қассоблик дўконлари бўлган гавжум ва серқатнов обод жой. Одатда, маҳалла одамлари гузарга чиқиб чойхўрлик қиласидилар, сұхбатлашадилар ва ҳордиқ чиқаридилар.

Топонимика – юончча, «топос» – жой, онома ёки онима сўзларидан ташкил топган бўлиб, жой номлари тўғрисидаги фандир.

Бинкат (ф.т.) – кўринарли шаҳар (Бин – кўриниш, кат – сўғдча шаҳар, қишлоқ, манзилгоҳ) деган маънони билдиради.

Хонақоҳ – форсча хона сўзининг сўғдийда талаффуз қилинishi. Асл маъноси «шайхлар, дарвешлар зикру-сано қиласидиган хона» демакдир.

Мир, мирабод – Амир – «ҳоким» деган сўздан келиб чиқкан.

Вақф – арабча бўлиб, «васият қилинган», «иноят қилинган», «бағишиланган» маъносини англатади.

Мўйи муборак – Муҳаммад(с.а.в.)дан қолган ёдгорликлар орасида энг қадрлиси бўлган улзотнинг муборак муйлари (сочсоқол). Бу ҳақда Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий» асарида: «Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бутун умрлари давомида соч-соқолларини тўрт марта олдиргандар. У кишининг соч-соқоллари толасини саҳобалар табаррук мўй сифатида ўзаро бўлишиб олганлар», дейилади. Кўп ҳолларда муборақ мўйлар махсус идиштарга солиниб, масжиду мадрасалар қурилиши жараённада деворлари орасига қўйиб юборилган. Айрим масжиду мадрасаларнинг Мўйи муборак деб аталиши шундан.

ТОШКЕНТНИНГ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

Конка (Күнка) – икки ёки тўрт от билан ҳаракатланадиган бир вагонли, төр изли шаҳар транспорти. Дастлаб Бельгияда пайдо бўлган. Россияда XIX асрнинг иккинчи яримида Петербург, Москва каби шаҳарларда вужудга келган. Тошкентда 1901 йилдан Хадра билан темир йўл вокзали орасида қатнаган. 1913 йилгача фойдаланилган.

Трамвай (инглизча «трам» – «вагон» (арава), ва «вай» – «йўл») – шаҳар ер усти транспорт воситаси. Биринчи марта Берлин яқинидаги Лихтерфельдда юра бошлаган. Трамвай Россияда 1896-1899 йиллардан мунтазам қатнай бошлаган. Тошкентда эса 1913 йилдан пайдо бўлган (төр изли). 1936 йилдан кенг изли трамвай фойдаланишга топширилган. Дастлаб Хадра майдони – темир йўл вокзали маршрути бўйича қатнаган.

Троллейбус (инглизча «тролей» – «контакт симли» ва «бус» – «автобус») релссиз юрадиган шаҳар электр транспорти. Троллейбус яратиш ва ундан фойдаланиш XIX асрнинг 80-йилларида Германияда олиб борилган. 1934 йилда Москвада қатнай бошлаган. Тошкентда троллейбус қатнови 1947 йилдан Тошкент темир йўли вокзали – Эски Жўва майдони, Ишчилар шаҳарчаси – тўқимачилик комбинати маршрутлари бўйича қатнай бошлаган.

Метрополитен, метро (юнонча «метрополис» – «бош шаҳар», «марказ») – кўп сонли йўловчиларни ташишга мўлжалланган. Релсли тезюарәр электр транспорт тури. Лондон (1869 йилдан) Нью-Йорк (1868 йилдан), Токио (1927 йилдан), Москва (1935 йилдан). Тошкентда 1977 йилдан фойдаланишга топширилган.

ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ МАҲАЛЛА, ДАҲА ВА МАВЗЕЛАР НОМИ

| | |
|-----------------------------------------------|-------------------------|
| Андижон | Мирзагозиота |
| Арпапоя | Мирлар (Миллар) |
| Бадалбой (Бадирбой) | Мурод (Эшонмаҳалла) |
| Бойкӯча | Мўрканкӯча (Чақар) |
| Болтабой | Нонвайгузар |
| Баландкӯприк | Нонгргузар |
| Баландмасжид | Носвойбозор |
| Бордонбозор | Пахгабозор |
| Бўйрабозор | Поякилик |
| Қозигузар | Сарпароз |
| Ганчхона | Саричопон (Саричўпон) |
| Гурунчбозор | Сирликмасжид |
| Ғўзабозор | Сузукота |
| Гулбозор | Сабзибозор |
| Дархон | Тамакибозор |
| Дўмбробод | Темирчи (Темирчилик) |
| Жомимасжид | Тепа |
| Заебак | Тешабой |
| Зангиота | Тиканликмозор |
| Зиёрат | Унбозор |
| Эски Намозгоҳ | Хабсота |
| Эски ўрда | Хонақо (Хонақои Бузрук) |
| Этикбозор (Чорсу) | Хўжамаҳалла |
| Эшонгузар | Чақар (Чақар Мўркан- |
| Эшонмаҳалла | кӯча) |
| Қози Низомиддин | Чорсу |
| Калавабозор | Чиннибозор |
| Камолон | Чуқуркӯприк |
| Қандбозор (Қандолатбо- зор, Қандолатфуруш) | Чўпонота |
| Каппонбозор | Ялангкар |
| Каттамаҳалла | Янги қаландархона |
| Кўкмасжид | Янгимаҳалла |
| Лайлакхона | Янгихонақоҳ |
| Майизбозор | Ўзбак (Ўзбек) |
| Маҳкама | Ўроқчилик |
| Мошбозор | Ўқидарвоза |
| | Қассоблик |

| | |
|------------------------|---------------------------|
| Қоратош | Обиназир |
| Құвурариқ | Айрилиш |
| Құғурмоч | Оқилон (ёки Оллон) |
| Ғашткүпrik | Оқтепа |
| Асилбобо (Асилбоб) | Бедабозор |
| Асқиягузар | Гузарбоши |
| Бұржар | Дұмоқ (Дұмбоқбоши) |
| Зах | Ишкават |
| Зангиота | Қозоқбозор |
| Қозиравот | Қозиқча |
| Қонқус | Каллахона |
| Қатортол | Қорақиёқ |
| Корхона | Қассоббозор |
| Құшкүргөн | Қатортерак |
| Құттайтепа | Кесакқүргөн |
| Кулолтурпоқ | Кетмонбозор |
| Қутиргансой | Қылбелбоғ |
| Құшбеги | Құштут |
| Моховзор (Моховгузар) | Қўкча |
| Новза | Кунжак |
| Нұғайтоштепа (Чоштепа) | Кўнчилик (Эски Кўнчилик) |
| Полвонариқ | Ковушфурушлик |
| Ракат | Лангар |
| Сарикүл | Малҳарам |
| Саричопон | Маҳкама |
| Тахтакүпrik | Мискарлик |
| Терсариқ | Наматбозор |
| Тешикликтепа | Подахона |
| Тогай | Пичноқбозор (Пичноқчилик) |
| Үрикзор | Совунбозор |
| Хирмонсұхта | Сағбон (Сағбони калон- |
| Чала | Катта Сағбон) |
| Чангалариқ | Сақишимон (Сақиҷмон) |
| Чопончиқти | Сарихумдон |
| Чарх | Торкүча (ёки Толкүча) |
| Чилонзор | Тепа |
| Чұпонота | Тұхлижаллоб |
| Шаймкүпrik | Үзгант |
| Шүрхона | Үрикзор |
| Ёпүғлиkmозор | Ходабозор |

| | |
|------------------------------------|----------------------------------------------------|
| Ҳалимқул | Нишабарық (Нишабқулоқ) |
| Хонақо (Хонақои Бузрук) | Сағбон Оқтепа |
| Хотинмасжид | Сағбон қорасув |
| Ҳофиз Күяки (Ҳофиз Күҳакий) | Тахтакүпrik |
| Хўжакўча | Тошлиқтўпа (Чоштепа) |
| Хўжамалик | Туятортар |
| Хўжапарихон | Узунтепа (Кампирдувон) |
| Хиёбон | Учтепа |
| Чифатойтепа | Хотинкўпrik |
| Чифатойчақар | Хиёбон |
| Чифатой Янгишаҳар | Чифатой Белтепа |
| Чақар | Чифатой Қорақамиш |
| Чарх (Чархчилик) | Чифатой Нодирхонқулоғи |
| Чуқурқишилоқ | Чифатой Селкечар |
| Шаршинтепа | Чилламозор (Чилмозор) |
| Шайх Зайниддинбобо | Чимбой |
| Янг ишаҳар | Чимирота |
| Оқлтон (Олилон, Аллон) | Шопайзиқулоқ |
| Оқтепа (Сағбон Оқтепа) | Шолиқулоқ (Шолиариқ) |
| Ачавот (Аччиобод) | Юмaloқ |
| Бекобод (Беговат) | Янгикўнчилик |
| Бекларбеги | Аъламшоҳид |
| Бешқайрағоч | Атторлик |
| Белтепа (Белтепа Чифатой) | Охунгузар |
| Жағариқ | Баззозлик |
| Жарқулоқ | Бандакбозор |
| Ингичкақўриқ | Ботир |
| Эрон | Бедабозор |
| Эшонкўпrik | Бешогайни |
| Кампирдевол | Булғорбозор |
| Қорасув (Сағбон Қорасув) | Жанггоҳ (Жангоб)–Кичик |
| Кўкстўнликота | Жангоб |
| Қулоқликтепа | Жинкўча |
| Қулкўча | Заргарлик |
| Қуруқравот (тўғриси: Қиргизкўпrik) | Эғарбозор |
| Меҳтартмалик | Ипакбозор |
| Нодиржон қулоғи | Эскибозор |
| | Эскижўва |
| | Эски Мискарлик |
| | Кодубод ёки Кодувот (Кади, яъни қовоқ экилған жой) |

| | |
|--------------------------|---------------------------------------------------|
| Қозоқбозор | Ҳасанбой |
| Қозикүча | Хастимом (Ҳазратиимом) |
| Қанглигүча | Хотинмасжид |
| Қорасарой | Ҳовузбўйи |
| Қоратут | Хўжагон |
| Қассоббозор | Хўжакўча |
| Ковушфурушлик | Хўжатарошкай (тўғриси: |
| Кохота(ёки Кохотабузрук) | Хўжай тарозу шикан —«бузуқ тарози ишлатган хўжа») |
| Каҳта (катта) кўча | Фиштқўприк |
| Қошиқчилик | Чақар |
| Кулиҳбозор | Чолворбозор |
| Қўмлоқ | Чопонбозор |
| Кунжак | Чархикўча |
| Кўргабозор | Чигитбоши |
| Ла бзак | Читбозор |
| Лайлакуя | Чавалачи |
| Мозорхона | Чувилдоқ |
| Маҳкама | Шоҳунгузар (Шакингузар) |
| Маҳсидўз | Юғанбозор |
| Парчабоғ | Яқкатут |
| Поякилик | Янгишаҳар |
| Пуштиҳаммом | Ёв (балким Ёву, Ёбу – қаби- |
| Работ (Работак) | ла номидир) |
| Регистон | Айрилиш |
| Сандиқбозор | Оқота |
| Сарихумдон | Оқтепа |
| Саҳдоғбозор | Алвастикўприк |
| Себзор | Алматқўшчи |
| Сўқлтуруш | Омонбоққол |
| Табибкўча | Отчопар |
| Тақачи (Тақачилик) | Боғкўча |
| Тарновбоши | Бойқўрон |
| Тахтапул (Тахтапултепа) | Бақачепа |
| Тешикқопқа | Болтамозор |
| Тиккўча | Бешўчоқ |
| Тинчоб (Тинчобод) | Гурунчариқ |
| Тузбозор | Дарвозакент |
| Тўғлибозор | Дархон |
| Тўлқайрағоч | Довултепа |
| Учкўча | |

| | |
|---------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------|
| Жангал (Чангальзор) | Чордара |
| Жумамасжид | Чархчи |
| Закотхона (Закотсарой) | Чилтүгөн |
| Ивиш | Чимбай |
| Калковуз (Кайковуз) | Чимзор |
| Қорасарой | Чувалачи |
| Кориз | Йүлариқ |
| Кохота | Юнусобод |
| Кенгирак | Яккатут |
| Кичиккүриқ | Янгиариқ |
| Кулолтепа | Ёбу (ёки Ёв – Ёвариқ) |
| Күмірхона | Оқмасжид |
| Күрхұжаота | Отиңлиқмасжид |
| Күтарма | Орқакүча |
| Куюкхұжа | Баландмасжид |
| Қызилкүпrik | Бодак |
| Қызилкүргон | Ганчтепа (Ганчлителепа) |
| Лабзакариқ | Говкуш |
| Магазинобод (Маллицкий «бу — янги ном» деб изоҳ еъзган) | Дархон (Турсун Султон) Девонбеги (Дүмбеки) Девонабурх (Девонайи бурх) |
| Мозорариқ | Дегрез (Дероз) |
| Мойқүргон | Жангюх (Жангоб) |
| Мироқижон | Катта Жангоб |
| Мұғол | Жаркүча |
| Сандықкүргон | Жартегирмон |
| Совурариқ | Занжирилек |
| Савсарапиқ | Эгарчи |
| Тахтакүпrik | Иламақалла |
| Тахтапул | Эскиянгибозор |
| Тешиккөпқа | Қозилкүча |
| Тиканликбозор | Калтатай |
| Түйчиобод | Қореғди |
| Тұябүғиз | Қатортерек |
| Үнкүргон | Қашқар |
| Хончорбог | Қишлоқтепа |
| Ҳасанбой | Қиёт |
| Фишткүпrik | Қиёткattакүча (Кохота- күча) |
| Чангальзор (ёки Чангаль- зор) | |

| | |
|--------------------------------|-------------------------------|
| Қиётторкүча | Янгишаҳар — Лабзак |
| Қиёттепа | Янгишаҳар — Минор |
| Қудуқбоши | Янгишаҳар — Сирликмас- |
| Қўргонорқаси (Қўргон- орқа) | жид Янгишаҳар — Шоҳидон- |
| Қўргонтеғи | тепа |
| Лўликўча | Ёпўглиkmозор |
| Мараимхалфа | Авайхон (Аблайхон) |
| Мерганчи (Мерганча) | Оққўргон |
| Мўгулкўча | Олтинтепа |
| Падаркуш | Бўзариқ |
| Пастак | Дамариқ |
| Пуштибоғ (Пуштувақ) | Дархонариқ |
| Раискўча | Жангалтепа (Чангальтепа) |
| Сўгалмасжид | Инжиқобод |
| Тожик | Ертешкан |
| Тарлоқ | Қозитарнов |
| Тарновбоши | Қалмоққамаган |
| Турк | Қорамурт (Қорамурт- копқа) |
| Турктепа | Қўшчи |
| Турсун Султон | Мингўрик |
| Ўқчи | Миробод |
| Ўқчи—Мерганчи | Мирзаюсуп |
| Ўркўча | Полвонариқ |
| Хадра | Посира |
| Ҳовузбоғ | Пихна (Пахина) |
| Ҳовузлик | Сарикўл |
| Ҳўжакўча | Тошариқ |
| Ҳўжарўшной | Туркариқ |
| Фиштмасжид | Ўртатўқай |
| Чалмоқ (Чармоқ) | Шоюнусхалфа |
| Чуқурқишлоқ | Шивли ёки Шиблимозор |
| Шатак | Шўртепа |
| Шайхонтоҳур | Яланғоч |
| Шўртепа | Янгитарнов |
| Янгишаҳар | Ёпўглиmозор |
| Ганчтепа | |
| Янгишаҳар — Дарвоза | |
| Янгишаҳар — Ертешкан | |
| Янгишаҳар — Қиёт | |

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Тошкент шаҳар топонимик комиссиясининг 1966-76 йиллардаги архив ҳуҷожатлари
2. Бегматов Э. «Жой номлари маънавият кўзгуси»
3. Чориев «Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати»
4. «Фан ва турмуш» журналининг 1983 йилги сонлари.
5. Ўрнибоев А., Бўриев О. «Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида»
6. Малицкий Н.Т. «Тошкент маҳалла ва мавзелари»
7. Муниров К. «Тошкент тарихида баъзи сиймолар»
8. Бойтиллаев Р. «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларидағи мақолалари
9. Иброҳимов А. «Бизким ўзбеклар» ва матбуот саҳифаларидағи мақолалари.
10. Зоҳидов П.Ш. Матбуот саҳифаларидағи мақолалари.
11. Қораев С. «Тошкент топонимлари»
12. Муҳаммаджонов А. «Қадимги Тошкент»
13. Муниров К., Ирисов А., Носиров А. «Тошкент тарихида баъзи сиймолар»
14. Маъруф Отаконзода. «Шайх Шиблийни биласизми». Матбуот саҳифасидаги мақолалардан
15. Турғун Файзиев. «Шайх Хованду Тоҳур», «Занги Ота Ҳимматий», «Шайх Зайниддин Бобо», «Хожа Аҳор Валий». Матбуот саҳифасидаги мақолалардан
16. Ҳазрати Ҳожа Убайдулло Аҳрор «Рисолаи волидия»
17. Ликошин Н. «Тошкент эшонлари»
18. Яҳёев Абдужаббор «Шайхонтоҳур». Матбуот саҳифасидаги мақолалардан

МУНДАРИЖА

| | |
|--------------------------------------------------------|-----|
| Сўзбоши | 3 |
| Ҳар бир сўзда яширин тарих | 8 |
| Бешёғоч даҳаси | 21 |
| Даҳа маҳалла, мавзелар ва ёдгорликлари ҳақида қисқача | |
| маълумот | 23 |
| Кўкча даҳаси | 43 |
| Маҳалла ва мавзелар | 44 |
| Себзор даҳаси | 57 |
| Шайхонтоҳур даҳаси | 76 |
| Даҳанинг маҳалла ва мавзелари | 91 |
| Тошкент ўрдалари | 108 |
| Тошкент дарвозалари | 111 |
| Тошкент бозорлари | 118 |
| Тошкент сув тармоқлари | 125 |
| Тошкентнинг собиқ янги шаҳар деб аталған қисми | 130 |
| Марказий хиёбон атрофидаги бинолар | 136 |
| Тошкент мадрасалари | 146 |
| Сўнгсўз ўрнида | 160 |
| Айрим сўзларнинг қисқача изоҳи | 172 |
| Тошкентнинг транспорт воситалари | 175 |
| Тошкент шаҳридаги маҳалла, даҳа ва мавзелар номи | 176 |
| Фойдаланилган адабиётлар | 182 |

1000

Бадийи-публицистик нашр

АБДУЛАЗИЗ МУҲАММАДКАРИМОВ

ТОШКЕНТНОМА

Муҳаррирлар
Муқаддис ДЎСТМАТОВ,
Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадийи муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Тех. муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 18.03.2009 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоби 5,75+0.75 вкл. Шартли босма тобоби 9,66+вкл.1.26.

Гарнитура “LexTimes Cyr+Uzb”. Офсет қофоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 56.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru